

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ

Улуғбек Йўлдошев

ТАРЖИМА НАЗАРИЯСИ

Ўқув қўлланма

*Мазкур ўқув қўлланма Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 14 августдаги 418-сонли буйруғига асосан нашр этишига рухсат берилган.
Рўйхатга олиш рақами 418-109.*

“Самарқанд давлат чет тиллар институти” нашриёти
Самарқанд- 2021

У.Р.Йўлдошев. Таржима назарияси. Ўқув қўлланма. – Самарқанд: “Самарқанд давлат чет тиллар институти” нашриёти, 2021. – 126 бет.

Мазкур ўқув қўлланма 5120200 – таржима назарияси ва амалиёти (тиллар бўйича) йўналишидаги талабалари учун мўлжалланган бўлиб, ўқув қўлланмада таржима тушунчасининг асосий моҳияти, Ўзбекистонда таржима назарияси ва амалиёти тарихи, таржиманинг асосий лингвистик хусусиятлари, таржима турлари, услублари, трансформациялари, таржимоннинг лингвистик ва касбий компетенциялари, таржимон этикаси, Ўзбекистонда сўнги йилларда таржимашуносликка бағишланган тадқиқотларни тизимли равишда ўрганишга мўлжалланган.

Данное учебное пособие предназначено для студентов по специальности 5120200-теория и практика перевода (по языком), основная сущность понятия перевода в учебном пособии, история теории и практики перевода в Узбекистане, основные лингвистические особенности перевода, виды, методы и трансформации перевода, лингвистическая и профессиональная компетентность, этика переводчика и некоторых следования по переводоведение в Узбекистане за последние годы.

The current manual is prepared in accordance for the students of specialty 5120200 – “Translation Theory and Practice (on languages)” and it is dedicated to teach the main content of the notion “translation”, the history of translation theory and practice in Uzbekistan, the linguistic features of translation, types, the methods and transformations of translation, translator’s linguistic and professional competences, translator’s ethics, scientific researches were carried out in Uzbekistan recent years systematically.

Такризчилар:

филология фанлари номзоди, доцент **Ш.С.Ашуров**
филология фанлари номзоди, доцент **Х.И.Ҳакимов**

ISBN 978-9943-8229-2-4

© “Самарқанд давлат чет тиллар институти” нашриёти, 2021

МУНДАРИЖА

Кириш	4
1-мавзу. Таржиманинг моҳияти. Ўзбекистонда таржима назарияси ва амалиёти тарихи	6
2-мавзу. Таржима турлари.....	19
3-мавзу. Таржима услублари ва уларнинг турлари	31
4-мавзу. Таржима усуллари ва уларнинг турлари	42
5-мавзу. Таржимоннинг лингвистик компетенциялари	56
6-мавзу. Таржимоннинг касбий компетенциялари	64
7-мавзу. Таржимада эквивалентлик ва адекватлик	73
8-мавзу. “Таржимоннинг чалғитувчи” лексик бирликлар таржимаси.....	86
9-мавзу. Таржимоннинг этикаси.....	92
10-мавзу. Таржимашуносликка бағишланган тадқиқотлар	103
Глоссарий	114
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	120

КИРИШ

Азал-азалдан дунё халқларининг тиллари уларни бир-бирлари билан мулоқот қилишда маълум даражада муаммоларни келтириб чиқарган. Бунга кўп миллат ва элатларнинг бир-бири учун тушунарсиз тилларда мулоқот қилиши сабаб бўлган. Мана шундай мулоқотдаги қийинчиликларни бартараф этувчи омил таржима ва уни амалга оширувчи восита таржимон хисобланади. Шунинг учун таржимани икки тил, таржимонни икки миллат ўртасидаги воситачи деб тушунишимиз мумкин.

Бугунги кунда Ўзбекистонда ҳар бир соҳада олиб борилаётган кенг ислоҳотлар ҳар бир соҳанинг ривожланишига ва шу орқали дунё ҳамжамияти билан бевосита алоқаларнинг интеграллашувига сабаб бўлмоқда. Юртимизнинг жаҳон халқлари билан турли соҳаларда олиб бориладиган кенг кўлмадаги халқаро ҳамкорликнинг ривожланишида таржимонларнинг ўрни бекиёсдир.

Ҳозирда таржима йўналишидаги халқаро талаб ва стандартларни таҳлил қиларканмиз, бу жараён таржимон тайёрловчи олий таълим муассасалари олдида кўплаб функционал вазифалар турганлигини англатади. Таржима мактаблари дунё ва маҳаллий бозорда таржимон ҳизматининг қайси йўналишларига нисбатан талабнинг кўп ёки камлигига қараб ўз дастурларини тайёрлаш ва шу асосида таржимон тайёрлашни янги босқичга олиб чиқиш бугунги куннинг талабидир.

Яқин ўтмишгача ўзбек адабиётининг сара намуналари ўзбек тилидан хорижий тилларга, жаҳон адабиёти дурдоналари эса ўзбек тилига билвосита таржима қилинган. Мустақиллик йилларида мамлакатимизда хорижий тилларни ўқитишга, жаҳон ҳамжамияти билан бевосита мулоқот қила оладиган мутахассислар тайёрлашга, турли соҳаларга оид

адабиётларни хорижий тиллардан ўзбек тилига ва ўзбек тилидан хорижий тилларга бевосита таржима қиладиган юқори малакали мутахассисларни тайёрлашга катта эътибор қаратилди. Ҳозирги кунда эса мазкур соҳада таржима амалиётларини янада юқори босқичга олиб чиқиш эҳтиёжи туғилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «юртимизнинг халқаро нуфузини мустаҳкамлаш, мамлакатда олиб борилаётган ислоҳотлар тўғрисида жаҳон ҳамжамиятига холис ахборот етказиш»¹ масалаларининг устувор стратегик йўналиш сифатида белгилаб қўйилиши таржимашунослик соҳасида кенг кўламда илмий изланишлар олиб бориш, шу соҳага оид ўқув-методик қўлланмалар яратиш ҳамда ўзбек тилидан хорижий тилларга ва хорижий тиллардан ўзбек тилига бевосита таржима қила оладиган таржимонлар тайёрлаш ишларини янги босқичга олиб чиқди.

Мазкур ўқув қўлланма 5120200 – таржима назарияси ва амалиёти (тиллар бўйича) йўналишидаги талабалар учун мўлжалланган бўлиб, ўқув қўлланма ўнта бўлимдан ташкил топган ҳамда унда таржима ва таржимон тушунчаларининг моҳияти, таржиманинг турли меъзонларга кўра турлари, таржимашуносликнинг фундаментал тушунчалари бўлмиш таржима услублари, трансформациялари, стратегиялари, таржимоннинг касбий компетенциялари ҳамда шу компетенцияларни шакллантириш ва ривожлантириш, таржимон этикаси, таржимашуносликка бағишланган тадқиқотлар бўйича маълумотлар акс этади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони./Халқ сўзи, 2017 йил, 8 февраль. – № 28

1-МАВЗУ. ТАРЖИМАНИНГ МОҲИЯТИ. ЎЗБЕКИСТОНДА ТАРЖИМА НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ ТАРИХИ

Режа

1. Таржима тушунчасининг асосий моҳияти
2. Ўзбекистонда таржима назариясининг тарихи
3. Ўзбекистонда бевосита ва билвосита таржималар
4. Ўзбекистонда таржима амалиёти тарихи

Таянч сўз ва иборалар: таржима, таржимон, тил, аслият тили, таржима тили, аслият матни, таржима матни, таржима жараёни, моҳият, сўз санъати.

Азал-азалдан дунё халқларининг тиллари уларни бир-бирлари билан мулоқот қилишда маълум даражада муаммоларни келтириб чиқарган. Бунга кўп миллат ва элатларнинг бир-бири учун тушунарсиз тилларда мулоқот қилиши сабаб бўлган. Мана шундай мулоқотдаги қийинчиликларни бартараф этувчи омил таржима ва уни амалга оширувчи восита таржимон ҳисобланади. Шунинг учун таржимани икки тил, таржимонни икки миллат ўртасидаги воситачи деб тушунишимиз мумкин.

Ўзбекистонда таржимачилик соҳасининг йирик намоёндаларидан бўлган Ғ. Саломов ўзининг “Таржима назариясига кириш” асарида таржимага қуйидагича изоҳ беради: “Таржиманинг бош хоссаси унинг бошқа тил воситалари билан қайта яратишдан иборат ижодий жараён, сўз санъати эканлигидадир”. Бу фикрни мулоҳаза этган ҳолда таржимага сўз санъати деб таъриф берсак бўлади. Чунки, ўзга тилда ёки ўзга тилдаги маълумотни ўз тилида қайта баён этиш сўз санъати билан боғлиқ ходисадир. Ғ. Саломов ўзининг ушбу асарида таржимага таъриф беришдан олдин қуйидаги кичик воқеани келтириб ўтади:

“Таржима нима?”

- Бир тилда ёзилган китобни иккинчи тилга ўгириш, - деб жавоб беради бир киши. Бошқа одам эса шу таърифга эътироз билдиради:

- Таржима қилинаётган нарса, борди-ю, китоб эмас, балки оғзаки нутқ бўлса-чи? Бундай тақдирда: таржима-бу бир тилда баён қилинган фикрни ўзга тилда сўзловчи кишиларга тушунтириб беришдан иборат.

- Ўгирилаётган нарса униси ҳам эмас (китоб), буниси ҳам эмас (оғзаки нутқ), балки – кинофильм, деб фараз қилайлик, - баҳсга аралашади учинчи шахс. – Фильмлар ҳам таржима қилинади-ку, шундай эмасми? – дейди у. – Бас, таржима бир тилда роль ижро этаётган актёрнинг нутқини иккинчи, учунчи ва ҳаказо тилларга ўтказиш демакдир. Бунда ўша актёрнинг нутқига унинг характерлари, ички кечинмалари, юз ифодаси мос келиши лозим. Акс ҳолда... ”² Бундан кўринадики, таржимани олим айтгандай ҳар ким ўзича талқин қилиши мумкин. Ёзувчилар ўз асарларини, шоирлар ўз шеърларини, физиклар ўз ихтироларининг қонуниятларини, тадбиркорлар ўзи ишлаб чиқарган махсулотлари ҳақидаги маълумотларни бошқа тилга ўгириш деб тушунадилар.

Қ. Мусаевнинг фикрига кўра, инсоният фаолиятининг мураккаб шакли бўлмиш таржима – бир тилда яратилган нутқий ифодани (матнни), унинг шакли ва мазмун бирлигини сақлаган ҳолда, ўзга тил воситалари асосида қайта яратишдан иборат ижодий жараёндир³. Дарҳақиқат, таржима бу – ижодий жараёндир. Бир тилдаги ижод маҳсулини ўзга тилда яратиш ижодкорнинг ижод маҳсулидир.

² Ғ.Саломов. Таржима назариясига кириш. “Ўқитувчи” нашриёти. Тошкент, 1978 йил. 93-бет.

³ Қ. Мусаев. Таржима назарияси асослари. “Фан” нашриёти. Тошкент, 2005 йил. 8-бет.

И.Ғафуров эса “сўзловчи нутқи, муаллифнинг асари, турли ҳужжатлар ва маълумотларни бир тилдан иккинчи тилга ўгириш ёки ўтказиш, бошқа тилга уларни тушунарли қилиш таржима деб аталади”,⁴ деб таъкидлайди. Бу ерда И.Ғафуров ва Қ. Мусаевнинг таржима борасидаги фикрларини умумлаштирган ҳолда таржима ёзма шаклдаги ва оғзаки нутқдаги матнни бир тилдан иккинчи тилга унинг семантик, лингвокультурологик, прагматик ҳамда лингвостилистик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ўгириш, дея таъриф беришимиз мумкин.

А. Рожонинг фикрига кўра, “икки тил ўртасидаги таржима жараёни таржимон томонидан бирор аслият тилидаги ёзма матнни таржима тилидаги ёзма матнга, бирор аслият тилидаги оғзаки матнни бошқа таржима тилидаги оғзаки матнга ўзгартиришдир”⁵. П.Ньюмаркнинг талқинига кўра “камдан-кам ҳолатларда, таржима - бирор матн маъносини бошқа тилга муаллиф назарда тутган йўл билан ўгиришдир”⁶. Бу билан П.Ньюмарк таржима жараёнида муаллиф аслият муҳитини таржима тилига олиб ўтишда муаллиф эътироф этган фикрлардан ташқари ўз фикрларини ҳам қўллаши мумкин эканлигига эътибор қаратмоқда. Чунки, бир миллатнинг фақат ўзигагина хос бўлган тушунчаларни ўзга тилда яратишда таржимон таржима тили вакилларида мавжуд бўлмаган тушунчаларни турли изоҳлар билан ҳам билдириб ўтиши мумкин.

М.Снел-Хорнби эса, таржимага “бир тилда ифодаланган нарсани ўгириш ёки ўша тилнинг

⁴ Ғафуров И. Таржимон мутахассислигига кириш. – Т.: Мехридарё, 2008. –Б.5.

⁵ Rojo A. Step by Step: A Course in Contrastive Linguistics and Translation. – Peter Lang, 2009. – P.25

⁶ Newmark P. A Textbook of Translation. – London : Prentice Hall, 1988/1995. – P.5.

белгиларини жойлаштириш жараёни ёхуд ҳаракати”⁷ деб таъриф беради. Ж.Катфорднинг фикрича эса “таржима бир тилдаги матн материални бошқа тилдаги матн материалнинг эквиваленти билан алмаштиришдир”⁸. Р.Беллнинг таъкидлашича “таржима аслият тилида ифодаланган нарсанинг семантик ва стилистик эквивалентлигини сақлаган ҳолда таржима тилида ифодалашдир”⁹. Е.Найда ва С.Табер “таржима манба тилидаги маълумотни, биринчидан, маъно жиҳатидан, иккинчидан, услуб жиҳатидан энг яқин эквивалентини таржима тилида қайта яратишдан иборат,”¹⁰ жараён деб ҳисоблайди. Демак, таржима жараёнида биз аслият ва таржима тилларининг синтактик, семантик, стилистик, прагматик ва лингвокультурологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда тилларнинг эквивалентлигига эътибор қаратишимиз керак бўлади. Таржиманинг мана шундай хусусиятларини Г.Нортоннинг таржимага берган таърифида ҳам кўришимиз мумкин. Унинг таъкидлашича, “таржима аслият тили матнини таржима тили матнидаги энг яхши эквиваленти билан алмаштиришга мўлжалланган ўгириш жараёнидир ва бунда таржима тили синтаксиси, семантикаси, прагматикасини тушуниш ва жараённи таҳлил қилиш талаб қилинади”¹¹.

Олимларнинг таржимага берган тавсиф ва таърифларга ёндашган ҳолда таржимани қуйидагича изоҳлаш мумкин: таржима аслият матнидаги оғзаки ёки ёзма шаклдаги ҳар қандай сўз, гап, матн ва ҳоказоларни,

⁷ Snell-Hornby M. Translation Studies: An Integrated Approach. – Amsterdam / Philadelphia: John Benjamins Publishing Company, 1988/1995. – P.39.

⁸ Catford J. A Linguistic Theory of Translation. – London: OUP, 1965. – P.20.

⁹ Bell R. Translation and Translating. – London and New York: Longman, 1991. – P.5.

¹⁰ Nida E. and Taber C. The Theory and Practice of Translation. United Bible Society, 1969. – P.12.

¹¹ Norton G.P. Some remarks on translation and translators. – Oxford: Oxford University Press. 1984. – P.3.

аслият ва таржима тилларининг лингвистик: синтактик, семантик, стилистик хусусиятлари ҳамда экстралингвистик: лингвокультурологик, прагматик ва когнитив хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда таржима тилига олиб ўтиш жараёнидир.

Ўзбекистонда таржима назариясини ривожланиши ва бу борада турли илмий тадқиқотлар олиб борилиши ХХ асрнинг ўттизинчи йилларидан бошланган. Шу даврдан таржимашуносликка бағишланган илмий мақолалар чиқа бошлаган. Бу ишга қўл урганлардан таржимон ва олим Санжар Сиддиқ 1936 йилда “Адабий таржима санъати” номли асарини нашр эттирди. Ушбу китоб Ўзбекистонда таржима назариясига бағишланган илк илмий пухта асардир. Ўша давр таржима назариясига бағишланган асар ва рисоалар нашр этиб, таржималарнинг ютуқ ва камчиликларини таҳлил қилган инсонлардан яна Сотти Ҳусайн, Маннон Роик, Мадамин Даврон, С. Паластров, М. Салье сингари амалиётчи таржимонларни ҳам келтиришимиз мумкин. Бу даврни Ўзбекистонда таржимашуносликнинг ривожланишини илк даври дейишимиз мумкин.

ХХ асрнинг 40 - 50 йилларда Н.Владимировнанинг “Рус тилидан ўзбек тилига бадий таржиманинг баъзи масалалари”, Ж. Шариповнинг “Русчадан ўзбекчага поэтик таржиманинг баъзи проблемалари”, Маъсуд Расулийнинг “Вл. Маяковский асарлари ўзбек тилида” сингари тадқиқотлари юзага чиқди. Шунингдек, А.Ҳожиаҳмедов, Ю.Пўлатов, А.Абдуғафуров, С.Саломова, Э. Азнаурова ва бошқаларнинг тадқиқотларида таржима тарихи ва таржима танқидига анча кенг ўрин ажратилди.

ХХ асрнинг 60-йилларидан таржимашунослик янги bosқичга кўтарилди. 1965 йилда Ж. Шариповнинг “Ўзбекистонда таржима тарихидан” деб номланган фактик

материалларга жуда бой асари босилди. Ушбу олимнинг 1972 йилда чикқан “Бадий таржималар ва мохир таржимонлар” асари таржима тарихи ва бадий маҳорат сирларини ёритишда яна бир қадам бўлди. Айниқса, Ғ. Саломовнинг 1966 йилда “Тил ва таржима”, 1983 йилда “Таржима назарияси асослари” асарларининг яратилиши таржимашунослик ривожид алоҳида аҳамиятга эга бўлди. Шу йилларда Г.Ғафурова, Л.Абдуллаева, Қ.Мусаев, С. Саломова, З.Умарбекова, М. Турсунхўжаева, Д. Ғуломова, Ҳ. Авлонова сингари талантили тадқиқотчиларнинг таржима қилинган асарларни таҳлил этишди.

Ғайбулла Саломовнинг ғайрати ва шижоати билан Ўзбекистонда “Таржима санъати” тўпламлари, “Таржима муаммолари” асарлари мавжуд адабий-маданий алоқаларнинг йўналишлари ва янги амалий тажрибаларни умумлаштирди. Ундан кейин эса, Н. Комилов, О.Мўминов, З.Исомиддинов, К. Жўраев, И. Отажанов, С. Мелиев, С. Олимов, К. Хўжаев, Х. Рахимов, Н. Қамбаров, Б. Эрматов каби олимлар таржимашунослик ҳақида рисоалар ёздилар.

Бугунги кунга келиб таржима назариясини янги босқичга олиб чиқаётган бир қатор забардаст олимларимизнинг ҳам яратган асарлари юртимизда таржимани янги босқичга олиб чиқмоқда. Жумладан, И.Ғафуров, О.Мўминов, Н.Қамбаровларнинг “Таржима назарияси” асари, Ғ.Рахимовнинг “Таржима назарияси ва амалиёти” асарлари шулар жумласидандир.

Ўзбекистонда таржима амалиёти тарихига назар ташлайдиган бўлсак, кўплаб таржимонлар рус, инглиз, немис, француз ва бошқа тилларда яратилган жаҳон адабиёти дурдоналарини ўзбек тилига билвосита ва бевосита таржима қилишган. Лекин биз, ушбу китобимизда асосан ўзбек тилидан инглиз тилига ва

инглиз тилидан ўзбек тилига қилинган таржималар ҳақида сўз юритмоқчимиз.

Инглиз тилида ёзилган асарлар таржималари тарихига назар ташлар эканмиз, XIX аср охири ва XX аср бошида А. Конан Дойлнинг «Шерлок Холмс ҳақидаги ҳикоялар» ва Даниэл Дефонинг «Робинзон Крузо» асарлари ўзбекчага ўгирилган. Бу даврда таржимонлар В.Шекспирнинг назмда битилган «Вероналик икки йигит» комедиясини 1930 йилда Жавод Обидов ва «Ҳамлет» трагедиясини 1934 йилда шоир Чўлпон (П.А.Капшиннинг 1893 йилдаги насрий таржимасидан) насрий йўл билан ўзбек тилига таржима қилишди. Шу йилларда буюк инглиз шоири Байроннинг «Видо» номли шеърий тўплами ҳамда Ленгстон Ҳьюзнинг қатор шеърлари Санжар Сиддик таржимасида босмадан чиқди.

1964 йилдан эътиборан В.Шекспир сонетлари М. Шайхзода, Ю.Шомансур, Шунқор, З.Обидовлар томонларидан ўзбекчага ўгирила бошлади. Кейинчалик В.Шекспир қаламига мансуб 154 сонетнинг ҳаммаси шоир Юсуф Шомансур томонидан ўгирилиб, 1978 йилда алоҳида китоб тарзида босиб чиқарилди.

1971 йилда Шотландия шоири Роберт Бернсинг «Кўшиқ ва балладалар» китоби Муҳаммад Али таржимасида нашр этилди. 1974 йилда Байроннинг шеър ва балладалари М.Шайхзода, Жуманиёз Жабборов, Муҳаммад Али, Рауф Парфи ва Шукруллолар таржималарида китоб шаклида чоп этилди.

1980-1990 йилларда Саъдулла Аҳмад томонидан Лонгфеллонинг «Ҳаявата ҳақида кўшиқ» шеърий асари, Маъруф Жалил томонидан Шекспирнинг «Макбет» фожиаси, Кристофор Марлонинг «Соҳибқирон Темур» фожиаси ўзбекчага таржима қилинди.

1988 йилда буюк инглиз шоири Жорж Байроннинг

«Дон Жуан» достонидан Абдулла Шер аслиятдан бевосита ўгирган парчалар босилди.

В. Шекспирнинг «Ҳамлет» трагедияси ўзбекчага 1938 йилда Воҳид Зоҳидов томонидан иккинчи бор ўгирилди. 1946 йилда В.Шекспирнинг «Ромео ва Жульетта» трагедиясини ўзбек тилига ағдарган М. Шайхзода 1948 йилда «Ҳамлет» таржимасига учинчи бўлиб қўл урди. Кейинчалик В. Шекспирнинг бошқа қатор драматик асарлари ҳам ўзбек тилига кетма-кет таржима қилина бошлади: «Отелло» (1940), «Қирол Лир» (1956) Ҳ. Ғулом таржимасида, «Юлий Цезарь» (1958), «Вероналик икки йигит» (1973) Уйғун таржимасида (қайта ўғирма), «Қийик қизнинг куйилиши» (1965) Туроб Тўла, «Ўн иккинчи кеча ва турфа ҳангомалар» (1966) Ҳ. Ғулом таржималарида ўзбекчалаштирилди. Шундан кейинги йилларда ўзбек китобхонлари В. Шекспирнинг «Ричард III» ҳамда «Антоний ва Клеопатра» асарларини Асқад Мухтор ва Комил Яшин таржималарида ўқишга муяссар бўлдилар.

Жомол Камол 80-йилларнинг биринчи ярмида В. Шекспирнинг атоқли шоир ва таржимонларимиз томонидан ўгирилган барча Драматик асарларини яхшигина таҳрир қилиб нашрга тайёрлади ва ўзи ҳам муаллифиинг «Қиш эртаги», «Қирол Генрих IV», «Макбет», «Кориолан», «Венеция савдогари» каби бешта асарини таржима қилиб, мазкур нашрга киритди.

Таниқли ёзувчи-таржимон Мирзакалон Исмоилий инглиз ёзувчиси Э. Войничнинг «Сўна» романини 1934 йилда бирмунча қисқартириб ўзбек тилига таржима қилган ва 1936 йилда жамоатчилик истак ва мулоҳазаларини ҳисобга олиб матнни қайта кўриб чиқиб, жиддий тузатишлар билан иккинчи бор чоп эттирган бўлса, 1956 йилда уни қайта ўгириб, асарнинг анча мукамал таржимасини китобхон эътиборига ҳавола этди.

Таржимонлар эътиборини такрор ва такрор ўзига тортган бадий ёдгорликлар сирасига Ж. Свифтнинг «Гулливернинг саёхатлари» асари ҳам киради. Асар 1944 йилда С. Йўлдошев, 1945 ва 1952 йилларда А. Хўжахонов томонларидан ўзбек китобхонларига тортиқ этилади.

Юқорида эслатилган асарлар таржималаридан ташқари инглиз адабиётидан яна Жэймс Гринвуднинг «Жулдур кийимли бола» асари 1961 йил Н. Турмухаммедов томонидан, А. Конан Дойлнинг «Чипор лента» асари 1963 йил В. Рўзиматов томонидан, «Шерлок Холмс ҳақида ҳикоялар» 1963, М. Мирзоидов томонидан, «Баскервиллар ити» 1971 йил Н.Ҳабибуллаев томонидан, Р. Киплингнинг «Маугли», У. Хербертнинг «Кўринмас одам» асарлари 1961 йил Р.Комилов томонидан, Гарриэт Бичер Стоунинг «Том тоғанинг кулбаси» Р. Стивенсоннинг «Ҳазиналар ороли», Г. Хеггарднинг «Блосҳолм соҳибаси» 1975 йил Н. Шомирзаев, Жэймс Олдрижнинг «Денгиз шунқори» романи 1977 йил Э. Миробидов томонидан, Америка адабиётидан Жек Лондоннинг «Мартин Идеи» 1968 йил Қ. Мирмухаммедов томонидан, «Уч қалб» романлари ва «ҳикоялар тўплами» 1958 йил Ф. Абдуллаев томонидан, Марк Твеннинг «Том Сойернинг бошидан кечирганлари ва Гекльберри Финнинг бошидан кечирганлари», «Шаҳзода ва гадо» ҳамда «Жанна д'Арк» 1965 йил Р. Комилов томонидан, Оливер Твист романлари, Теодор Драйзернинг «Бахти қаро Керри», «Америка фожиаси» романлари 1976 йил Ў. Усмонов томонидан, Ф.Куперинг «Сўнгги Могикан» 1973 йил Э. Миробидов томонидан, «Чингачкук улкан илон» 1971 йил Э. Миробидов томонидан, Эрнест Хемингуэйнинг «Алвидо, қурол!» романи, Жанубий Африка адабиётидан Питер Абраҳамснинг «Чақмоқли йўллар», «Қабрдаги гулчамбар» романлари ва бошқа кўпгина асарлар таржима

қилиниб, кенг ўзбек китобхон оммаси мулкига айлантирилди.

Шунингдек, 1997 йил Ўзбекистоннинг биринчи Президенти И. А. Каримов ташаббуси билан “Жаҳон адабиёти” журналининг ташкил қилиниши маънавий ҳаётимизда катта воқеа бўлди. Зеро, бугунги ўқувчи журнал орқали инглиз адабиётидан Жон Голсуорси, Соммерсет Моэм, Томас Стернз Элиот, Ричард Олдингтон, Олдос Хаксли, Ивлин Во, Айрис Мёрдок; америка адабиётидан Уильям Фолкнер, Эрнест Хемингуэй, Жон Стейнбек, Ричард Райт, Жон Апдайк, Дейвид Сэлинджер, Уильям Стайрон; француз адабиётидан Гийом Аполлинер, Марсель Пруст, Андре Жид, Антуан де Сент-Экзюпери, Альбер Камю, Франсуа Мориак, Натали Саррот, Клод Симон, Жан-Мари Гюстав Ле Клезю, Патрик Модiano, немис адабиётидан Томас Манн, Лион Фейхтвангер, Арнольд Цвейг, Бертольд Брехт, Герман Гессе, Генрих Бёлль, Криста Вольф, Гюнтер Грасс; шунингдек, Хорхе Луис Борхес, Габриель Гарсиа Маркес, Умберто Эко, Хулио Кортасар, Алехо Карпентьер, Кадзуо Исигуро, Мо Янь, Лао Шэ, Харуки Мураками асарларининг таржималарини ўқишга муяссар бўлди¹².

Аммо инглиз тилидан ўзбекчага бевосита таржима қила оладиган ҳақиқий мутахассис санъаткорларнинг йўқлиги сабабли инглиз тилида ижод қилган муаллифлар асарлари ўзбек тилига ҳамон рус тили орқали ўтирилмоқда. Бу таржима жараёнида муқаррар йўл қўйиладиган нуксонлар миқдорининг икки баравар ошиб кетишига олиб келмоқда.

Инглиззабон ижодкорлар асарлари таржимаси ҳақида

¹² М.Холбеков. “Мустақиллик йилларида ўзбек таржима амалиёти”. Тил, Маданият, Таржима ва Мулоқот республика илмий-амалиё конференцияси материаллари. Самарқанд, 2016. 11-22-бетлар.

гап кетадиган бўлса, бу ерда ҳам ижобий ҳаракатлар кўзга ташланмоқда. Айрим кичик ҳажмдаги шеър ва ҳикоялар, қатор кинофильмлар мухлисларга бевосита таржима ёрдамида тақдим этилмоқда. 1996 йилда Динора Султонованинг аслиятдан бевосита амалга оширган қатор инглиз шоирлари шеърлари таржимаси «Фароғат» номи билан нашр этилди.

Ватанимиз мустақилликка эришгандан кейин, бевосита, яъни тўғридан-тўғри таржимага катта эътибор қаратилмоқда ва бу жараён кундан-кунга ривожланиб бормоқда. Агар мустақиллик йилларида ўзбек тилидан бевосита инглиз тилига қилинган таржималарга назар солсак, бу борадаги қилинган ишлар айтарли даражада кўп эмас. Олим ва таржимон Носир Қамбаров ўзбек адабиётининг буюк намоёниси Алишер Навоийнинг “Қуш тили” асарини таржимаси бу соҳадаги ишлардан биридир. Бу каби инглиз тилига тўғридан-тўғри амалга ошириган таржималар сони саноклидир.

Сўнгги йилларда ўзбек тилидан чет тилига тўғридан-тўғри таржима қилиш жараёнига катта эътибор қаратилмоқда. Бу борада давлатимиз томонидан таржима фаолиятини ривожлантиришга ва айнан ўзбек тилидан чет тилига тўғридан-тўғри таржималар учун қатор давлат грантлари ташкиллаштирилмоқда. Ана шу лойиҳалардан бири ИТД-1-119 “Ўзбек адабиёти антологиясини инглиз тилига таржима қилиш ва адабиётлараро коммуникация муаммолари” мавзуидаги илмий-тадқиқот ишидир. 2012-2014 йилларга мўлжалланган ушбу лойиҳага кўра ўзбек адабиётининг 18 та дурдона асарлари ўзбек тилидан инглиз тилига бевосита таржима қилинди. Улар қуйидагилар: Abdulla Qodiriy “The Days Gone by” (Ўткан кунлар), “The Scorpion from Altar” (Меҳробдан чаён), Pirimqul Qodirov “Starry Nights” (Юлдузли тунлар) (Babur)

ва “Humoyun and Akbar” (Хумоюн ва Акбар), Utkir Hoshimov “Affairs of Life” (Дунёнинг ишлари), Tilab Mahmud “The Transitory World” (Ўткинчи дунё), Tulqin Hayit “The Faithful Queen” (Вафо маликаси), Odil Yoqubov “The Treasure of Ulughbek” (Улуғбек хазинаси), Muso Toshmuhammad ugli Oybek “Navoiy” (Навоий), Tokhir Malik “Devildom” (Шайтанат) Book 1,2,3,4,5, Muhammad Ali “The Devotees” (Сарбадорлар), “The Great Empire” (Улуғ салтанат), Chulpon “Night and Day” (Кеча ва кундуз) ва Gafur Gulom “A Naughty Boy” (Шум бола) асарларидир. Бу асарлар таржимонлар О.Мўминов, И. Тўхтасинов, Э.Муратова, Н. Қамбаров, У.Йўлдошев, А.Ҳамидов томонидан таржима қилинди. Бундай кўламдаги катта таржима ишларига ҳалигача кўл урилмаган. Бу жараён ўзбек тилидан бевосита инглиз тилига таржима фаолиятини илк дебочаси деб ҳисобласак бўлади.

Хулоса ўрнида шуни айтишимиз мумкинки, Ўзбекистон таржима амалиёти тарихида жаҳон адабиёти дурдоналари аслият тилидан ўзбек тилига асосан, билвосита тил, яъни рус ва бошқа тиллардан таржима қилинган бўлса, Ватанимиз мустақилликка эришгандан сўнг аслият тилидан таржима тилига тўғридан-тўғри таржима ва ўзбек тилидан инглиз, рус, немис, корейс, хитой ва бошқа чет тилларга ҳам тўғридан-тўғри таржима амалиётлари ривожланмоқда. Бу жараён таржима тилида аслият тили мазмунини янада аниқроқ тушунишга ва имкон қадар аслият муҳитига яқинлашишга ёрдам беради.

Мавзу юзасидан саволлар:

1. Таржиманинг бош хоссаси деганда нимани тушунасиз?
2. Ўзбекистонда таржима назариясини ривожланишига хисса қўшган олимлар кимлар?

3. Юртимизда амалга оширилган билвосита таржималар қайсилар?

4. Мустақиллик йилларида амалга оширилган бевосита таржималар хусусида нималарни биласиз?

5. Билвосита ва бевосита таржиманинг бир-биридан фарқи нимада?

6. Таржиманинг лингвистик хусусиятлари деганда нимани тушунаси?

7. Қайси адабиёт намуналари бевосита амалга оширилган таржималар сирасига киради?

8. Кимлар мустақиллик йиллари таржимонлари ҳисобланади?

Адабиётлар:

1. Rojo, A. Step by Step: A Course in Contrastive Linguistics and Translation. Peter Lang. 2009. – 418 p.

2. Susan Bassnet. Translation studies. 3rd edition. – London and New York. Taylor & Francis e-Library, 2005. – 176 p.

3. Фафуров И., Мўминов О., Қамбаров Н. Таржима назарияси. Дарслик. – Тошкент, 2012. –216 б.

4. Комиссаров В.Н. Современное переводоведение. – М., 2004. – 424 с.

5. Мўминов О. A guide to consecutive translation. – Т.: Tafakkur bo'stoni, 2013. – 320 p.

6. Мусаев Қ. Таржима назарияси асослари. “Фан” нашриёти. Тошкент, 2005 йил. – 352 б.

7. Нелюбин Н.Н. Толковый переводоведческий словарь. – М.: Наука, 2003. – 320 С.

8. Раҳимов Ғ. Таржима назарияси ва амалиёти. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси давлат илмий нашриёти, 2016. – Б.176.

9. Сирожиддинов Ш. Одилова Г. Бадиий таржима асослари. – Т.: Мумтоз сўз, 2011. –164 б.

2-МАВЗУ. ТАРЖИМА ТУРЛАРИ

Режа:

1. Таржимани таснифлаш мезонлари.
2. Ёзма таржиманинг асосий моҳияти
3. Оғзаки таржиманинг асосий моҳияти ва турлари
4. Халқаро таржимонлар ассоциациялари
5. Таржиманинг матн жанрига кўра туралари
6. Кетма-кет, синхрон, визуал таржималарнинг моҳияти

Таянч сўз ва иборалар: таржима таснифи, оғзаки таржима, ёзма таржима, услуб, жанр, синхрон, кетма-кет, визуал, эслатма.

Аксарият тилшунос ва таржимашунос олимлар таржимани таснифлашда бир қанча мезонлар мавжуд эканлигини таъкидлашади ва улар қуйидагилар:

1) таржимани айнан ким амалга оширишга боғлиқ. Бугунги кунда таржима инсон ёки компьютер томонидан қилиниши мумкин;

2) нутқ шакли: ёзма таржима, ёзма матннинг оғзаки таржимаси ёки оғзаки таржима кабилар билан фарқланади. Бу мезон, шунингдек, субтитрлаш яъни экранда чиқиб турган матнни кўриб таржима қилиш, дубляж қилиш ёки асл нутқ ўрнига овозли таржимани имкони борича ўз вақтида овозлаштиришдан тортиб лаб қимирлашларигача мослаштириш демакдир;

3) аслият матн моҳиятини идрок этиш. Бунда таржимон аслият матнни кўриши ёки эшитиш орқали таржима қилади;

4) аслият матнни идрок этиш ва таржима қилиш ўртасидаги вақт оралиғи: кетма-кет ва синхрон таржима қилиш;

5) таржима жараёнида тилларнинг сонига қараб бир томонлама (фақат ингизчадан ўзбекчага) ёки икки томонлама (ингизчадан ўзбекчага ва ўзбекчадан ингизчага) таржима;

6) таржиманинг йўналиши: ўз она тилига ва она тилидан чет тилига таржима;

7) оғзаки таржима усулларига кўра: эслатмалар орқали ёки гапма-гап оғзаки таржима;

8) аслият матннинг услуби ёки жанрига кўра: бадиий адабиёт ёки расмий услубдаги матнларни таржима қилиш.

Таржима турларини умумлашган ҳолда шакли ва мазмунига кўра таснифлаш мақсадга мувофиқ.

Маълумки, ҳар қандай тил оғзаки ва ёзма нутқда ифодаланади. Таржима, шаклига кўра, *ёзма таржима* ва *оғзаки таржимага* бўлинади.

Рус тилидаги “перевод”, ўзбек тилидаги “таржима” сўзи инглиз тилида икки хил талқин қилинади: ёзма таржима (translation) ва (interpretation) оғзаки таржима. Улар ёзма матн ёки оғзаки нутқдан ким ва қандай таржима қилишга қараб фарқланади.

Биз ёзма таржима (translation) ва оғзаки таржима (interpretation)ни бир-биридан фарқлаган ҳолда таржима амалиётларини олиб боришимиз ва таржимон тайёрлаш жараёнида бу жиҳатга жиддий эътибор қаратишимиз зарур. Ёзма таржимада аслият матнининг барча деталларини имкон қадар таржима тилига олиб ўтилишига эришишимиз оғзаки таржимада эса сўзловчининг асосий нутқини буюртмачига етказиб беришга интилишимиз керак.

Бу икки тушунчанинг бир-биридан фарқини таржима ва таржимонлар бўйича халқаро ташкилотлар номлари ва уларнинг вазифаларида ҳам кўришимиз мумкин. Дунё бўйича ёзма таржимонларни бир-бирига боғлаб турувчи

ташкилот Халқаро таржимонлар федерацияси, яъни F.I.T. (Fédération Internationale des Traducteurs) ёки I.F.T (the International Federation of Translators) деб юритилса, оғзаки таржимонлар учун эса Оғзаки таржимонлар халқаро ассоциацияси A.I.I.C. (Association Internationale des Interprètes de Conférence), ёки I.A.C.I (the International Association of Conference Interpreters) мавжуд.

Профессионал ассоциациялар номидан ҳам кўриниб турганидек, оғзаки таржимонлар фаолияти каттароқ кўламни ўз ичига олади, шунингдек улар конференция таржимонлари деб ҳам юритилади. Конференция таржимаси илк бор биринчи Жаҳон уришидан кейин, яъни 1919-йилдаги Тинчлик борасида конференциясида амалга оширилган. Шундан сўнг XIX аср дипломатик тили бўлган француз тилида барча халқаро учрашувлар ўтказилган.

Биринчи конференцияда таржимонлар кетма-кет таржимани амалга оширганлар, яъни улар ўзларининг таржималарини маърузачи ўз нутқини тугатгандан кейин амалга оширганлар. Шунда манба тилидаги матн ва таржима ўртасида бир оз вақт бўлган. Таржимонлар иккита гуруҳда иш олиб борганлар, уларнинг ҳар бири ўз она тилига таржима қилганлар. Миллатлар лигасида таржимонлар ўзларининг таржималарини маърузачи нутқини тугатиши биланоқ минбарга чиқиб айтиб берган. Баъзида нутқлар бир соатдан ошиқ давом этади, шунинг учун таржимонлар нотиқни маърузаси давомда безовта қилишни ёмон ҳислат деб билишган ва уларнинг нутқлари жараёнида эслатмаларни ёзиб олган ва шу тариқа, эслатмаларни ёзиб олиш кетма-кет таржима усули пайдо бўлган.

Женева конференциясида қатнашган таржимонлар Ж-Ф Розан ва Ж. Герберт ўзларининг ҳамкасбларининг

ёзувларини ўрганиб чиқиб, ҳар бир таржимон ўз ёзув услубига эга бўлсада, кўриб чиқилган барча эслатмаларда қандайдир бир умумийлик мавжуд, деган хулосага келишди. Ушбу хабар таржимонларга хатни эслаб қолиш ва нотикни чалғитмаслик учун қандай қилиб эслатма олиш бўйича тавсияларни ҳаётга татбиқ қилди. У нутқнинг сўзлашувини контсептуал ифодалашга асосланган ва маърузачининг асосий ғоясини ажратиш олишга ёрдам беради. Ёзиб олишнинг асосий вазифалари қуйдагилардан иборат: фақат калит сўзлар ва аниқлик билан аталадиган сўзлар масалан, тегишли номлар, статистика ва бошқалар, яъни бунда сўзлар қисқаради, унли ҳарфлар қолдирилиб, арабча сўз деб аталади ва маҳсус белгилар қўлланилади.

Ёзма таржима деганда, ҳар қандай матн (ёзма ёки оғзаки материал)нинг ёзма шаклдаги таржимаси тушунилади. Оғзаки таржима эса, ҳар қандай материал (ёзма ёки оғзаки матн асар)нинг оғзаки шаклда ўгирилишидир. Манба тили ва таржима тили материалининг қай шаклда ўгирилишига кўра, таржимани бир неча турларга ажратиш мумкин. Бунда таржимага манба тили ва таржима тили материалларининг моҳияти, тури, шакли асос қилиб олинади. Манба тили ва таржима тилининг ўрнига кўра таржимани кейинги босқичда қуйидаги турларга ажратиш мумкин:

- *оғзакидан оғзакига* – оғзаки эшитилган ахборотнинг оғзаки таржимаси;

- *ёзмадан ёзмага* – ёзма матннинг ёзма таржимаси;

- *ёзмадан оғзакига* – ёзма матннинг оғзаки таржимаси;

- *оғзакидан ёзма* – оғзаки эшитилган матннинг ёзма таржимаси.

Бугунги кунда таржиманинг бошқа турлари билан бир каторда, оғзаки таржиманинг кетма-кет ва синхрон

турлари катта аҳамият касб этиб бормоқда. Бунга сабаб, жаҳонда кўплаб дипломатик, савдо-сотик, маданий ва илмий-техникавий алоқаларга катта эҳтиёж борлигидир.

Оғзаки таржимада таржимон айтилаётган нутқ мазмунини тез уқиб олиши, олдиндан тайёрланиб, тез таҳлил қилиш кўникмасини ва тўхтамай таржима қилиш усулларини ишлаб чиққан бўлиши керак. Бу жараёнда таржимон таржима қилаётган матнни тузатиш ёки қайтадан таққослаш имкониятига эга эмас. Оғзаки таржиманинг характерли хусусияти шундаки, таржимон матнни, аввало, акустик шаклда, яъни эшитганларини таржима қилади. Оғзаки таржиманинг иккинчи асосий характерли хусусияти унинг нутқни эшитиб, кейин амалга оширилишидир. Айрим ҳолларда шундай вазиятлар бўлиб қоладики, таржимон нотик гапнинг эга ва кесимини айтишини кутиб, кейин таржима қилишга киришади. Таржима жараёнидаги бундай муаммо тилларнинг типологик жиҳатдан турли гуруҳларга мансублиги сабабли рўй беради.

Оғзаки таржимада нутқнинг бир қатор характерли хусусиятлари кўзга ташланиб туради. Масалан, синхрон таржимада таржимон нутқи баланд овозда ва тез айтилади. Таржиманинг бу турида сўзларнинг сони таржима қилинаётган нутқ ҳажмига боғлиқ.

Оғзаки таржима назарияси таржимон олдида куйидаги талабларни кўяди:

- 1) аниқ талаффуз қилиш;
- 2) нутқ маромини бир хил сақлаш;
- 3) жумлаларнинг мазмуний боғлиқлигига эътибор бериш.

Оғзаки таржиманинг характерли хусусияти - унга ёзма таржимадан фаркли ўлароқ, махсус таржима деб қараш керак. Оғзаки таржима назарияси билан шуғулланувчи

мутахассислар таржиманинг бу кўринишида ҳам сон, ҳам сифат жиҳатидан характерли хусусиятларни кўрсатиб ўтади.

Оғзакдан оғзаки таржима, ўз навбатида бир неча турларга бўлинади:

- 1) синхрон таржима;
- 2) кетма-кет таржима;
- 3) шивирлаб таржима қилиш;
- 4) визуал таржима.

Синхрон таржима

Оғзаки таржиманинг бир тури бўлган синхрон таржимада таржимон сўзловчининг нутқини эшитиб, шу заҳотиёқ таржима қилиши керак. Одатда, синхрон таржима техник воситаларни қўллаш йўли билан амалга оширилади. Бунда сўзловчининг нутқи махсус кабинада ўтирган таржимонга «эшитгичлар» орқали етказилади ва таржимоннинг микрофонга узатган таржимаси тингловчиларга етказилади. Синхрон таржима жараёнида таржимон жуда катта руҳий ва жисмоний қийинчиликларга дуч келади, чунки синхрон таржима ўта мураккаб жараён ҳисобланади. Таржимон сўзловчи нутқи тезлигидан орқада қолмасдан таржима қилиши зарур. Шунинг учун синхрон таржимонлар 20-30 дақиқа ишлаб, кейин бошқа таржимонлар билан ўрин алмашади.

Синхрон таржима имкониятларининг чегараланганлиги:

- 1) нотик билан бир вақтда нутқини тенг таржима қилиш;
- 2) вақтнинг зиклиги (паузалар йўқ);
- 3) пухта, атрофлича ўйлаб, таржима қилиш имкониятининг йўқлиги;
- 4) қайта сўраш, аниқлаштириш имконияти йўқлиги;
- 5) ҳам эшитиб улгуриш, ҳам таржима қилиш, ҳам

вазиятни ҳушёр баҳолаш каби масъулиятлар.

Кетма-кет таржима

Кетма-кет таржимада таржимон сўзловчи нутқининг бирор-бир қисмини нутқ тугаганидан сўнг таржима қилади. Таржиманинг бу турида таржимон сўзловчи нутқидаги асосий бўғинларни илғаб олиши, агар нутқ узунроқ бўлса, унинг энг муҳим жойларини ёзиб бориши керак. Бу эса таржимонга эшитганини эсга олишини таъминлайди. Кетма-кет таржима таржимоннинг фикрлаш ва эсда сақлаш қобилиятига боғлиқ. Оғзаки таржиманинг яна бир ўзига хос хусусияти шундаки, ёзма матнни оғзаки таржима қилишда матн мазмунини тез уқиб олиш, таҳлил қилиш кўникмасига эга бўлишдир.

Кетма-кет таржиманинг синхрон таржимадан фарқли равишдаги имкониятлари:

- 1) вақтнинг етарлилиги;
- 2) пауза (оралиқ вақт)нинг берилиши;
- 3) ўйлаб, пухта таржима бериш имкониятининг мавжудлиги;
- 4) лозим бўлса, аниқлаштириш имкониятига эгаллиги;
- 5) эслатмаларнинг ёзиб олиши.

Кетма-кет таржимда эслатмалар ёзиб олиш ёки тез ёзиш тизими сўзловчининг нутқини сўзма-сўз ёзиб олишни аниқлашмайди. У ахборотни бирма-бир концептуал ифодалашга ёрдам беради ва маърузачининг асосий ғоясини ажратиб олишга ёрдам беради. Ёзиб олишнинг асосий вазибалари қуйидагилардан иборат:

- фақат таянч сўзлар ва асосий эътиборни жалб этадиган маълумотлар (атокли номлар, статистика ва бошқалар);

- сўзлар қисқартирилади;
- махсус белгилардан фойдаланилади;

- синтактик структура вертикал ҳолатга ўтказилади, яъни жумланинг бир хил қисмлари бир-бирининг остига ёзилади.

Шивирлаб таржима қилиш

Синхрон таржиманинг яна бир тури борки, бунда таржимон рецептор ёнида туриб ёки ўтириб, паст овозда (шивирлаб) нотиқнинг нутқини таржима қилади. Бу ҳолда рецептор таржимани бевосита ёки эшитгич орқали қабул қилади. Оғзаки таржима тарихида халқаро конференция ва анжуманларда дастлаб оғзаки таржималар айнан шивирлаш орқали таржима қилинган. Бунда оғзаки таржимон тингловчининг ёнида ёки орқасида ўтириб паст овозда нутқнинг асосий моҳиятини тушунтириб беради. Шивирлаб таржима қилишда таржимон фақат бир кишига ахборотни етказди. Синхрон ва кетма-кет таржимада барча анжуман иштирокчилари таржимоннинг таржима нутқини эштиш имкониятига эга бўлади.

Визуал таржима

Баъзи таржимонлар визуал таржима қилишдан олдин ёзма равишда режалаштирадиган матнни кўриб чиқади. Визуал таржима қилиш бир тилда ёзилган матнни бошқа тилга ўгириб ўқишга айтилади. Оғзаки ва ёзиладиган ахборотни кўриш жараёни қамраб олинганлиги сабабли кўриб таржима қилишни ёзма таржиманинг махсус тури, шунингдек, оғзаки таржиманинг ўзига хос варианты сифатида қабул қилиш мумкин. Визуал таржима қилиш эҳтиёткорлик билан бажарилиши керак.

Визуал таржима қилиш синхрон таржимага яқинроқдир. Визуал таржима қилиш шундай қуролки, ушбу бўлимда таржимонда матндаги техник терминларни кўриб чиқа олиш ва ўзи мутахассис бўлмаган соҳадаги терминларни таржима қила олишга тайёргарлик кўриш имкони бўлади. Қийин сўзларнинг талаффузини кўриб

олиш мумкин. Бундан ташқари визуал таржима қилиш қийин матнлар мазмунини конференция бошлангунга қадар кўриш имконини беради.

Таржимани мазмуний турларга ажратишда таржимашунослар турлича қарашларни олға сурганларини таъкидлаб ўтиш зарур. В. Н. Комиссаров ўзининг таржиманинг қуйидаги турлари ҳақида сўз юритади: 1) мослаштирилган (содалаштирилган) таржима; 2) муқобил таржима; 3) антономик таржима; 4) ҳижжалаб қилинган таржима; 5) информатив таржима; 6) бадий таржима; 7) яқинлаштирилган таржима; 8) эркин таржима; 9) қисқартирилган таржима; 10) аниқ таржима; 11) трансформацион таржима; 12) хомаки таржима; 13) эквивалент таржима; 14) қоралама таржима.

Г.М.Ҳошимов эса таржималарни фақат икки гуруҳга ажратади: 1) бадий таржима; 2) нобадий таржима.

Р.К.Миньяр-Белоручев таснифига кўра, қуйидаги таржима турлари мавжуд: 1) ёзма таржима; 2) синхрон таржима; 3) кетма-кет таржима; 4) қоғоздан таржима.

Бу таснифда кетма-кет таржима, Миньяр-Белоручев фикрича, тўрт хил бўлиши мумкин: 1) бир томонлама таржима; 2) икки томонлама таржима; 3) хатбошидан-фразага таржима; 4) кайдлар орқали таржима.

Ушбу муаллифнинг фикрича, қандай матн таржима қилинаётганлигига қараб таржимани қуйидаги турларга ажратиш мумкин: 1) бадий таржима; 2) ижтимоий-сиёсий таржима; 3) илмий-техника таржимаси.

Ушбу таснифни яна қуйидагича давом эттириш мумкин: 1) диний матнлар таржимаси; 2) спортга доир матнлар таржимаси; 3) ҳарбий соҳага доир матнлар таржимаси; 4) иқтисодиёт ва тадбиркорлик матнлари таржимаси.

Таржимада асл нусхадан ўгирилаётган материал маъносининг қай даражада акс этганлигига қараб, Р. К. Миньяр-Белоручев куйидаги таржима турлари хақида ҳам фикр юритади: 1) муқобил (тўлақонли) таржима; 2) антонимик таржима; 3) ҳижжалаб қилинган таржима; 4) икки томонлама таржима (икки суҳбатдош мулоқотининг бир вақтнинг ўзида икки таржимон ёрдамида амалга ошириладиган таржимаси); 5) қайта таржима (матнни аслият тилига қайта таржима қилиш); 6) махсус таржима.

Юқорида айтиб ўтилган таржима турлари ва соҳаларининг ҳар бири ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, таржима жараёнида уларнинг бетакрорлиги намоён бўлади. Акс ҳолда, таржиманинг алоҳида турлари ва соҳаларини таснифлаш бесамар кетади.

Қайд этилган таржима турларидан ёзма таржима кенг оммалашган бўлса-да, уларнинг барчаси ҳам муҳим ва аҳамиятли. Чунки улар бир-бирини тўлдиради, рад этмайди. Таржима турлари бири-бирининг ўрнини боса олмайди, масалан, оғзаки таржима лозим бўлган жойда ёзма таржимадан фойдаланиб бўлмайди ёки аксинча.

Ёзма таржимада таржимон қўлида аслият матни бўлиб, таржима жараёнида унга бевосита таяниш ва таржимани қайта кўриб чиқиб, аслият билан солиштириш имкониятига эга бўлади. Шунингдек, бундай таржима жараёнида у мутахассислардан маслаҳат олиши ҳам мумкин. Бу эса таржиманинг ҳар томонлама мукамал чиқишига ёрдам беради. Оғзаки таржимада эса бундай имкониятлар бўлмайди. Ёзма таржимани оғзаки таржималардан фарқлайдиган омиллардан бири - вақтдир.

Ёзма ва оғзаки таржима характери унда иштирок этувчи кишилар савияси билан ҳам белгиланади. Масалан, ёзма таржимада коммуникант «матн» ҳисобланади, шунинг учун таржимоннинг диққат марказида таржима

қилинадиган матн туради ва таржима сифатига фақат таржима тугаганидан кейин баҳо берилади.

Оғзаки таржимада таржимон коммуникант билан бевосита алоқада бўлади. Таржимон сўзловчининг нутқи қандай бўлишидан қатъи назар, уни таржима қилиши лозим. Шунинг учун таржимон билан сўзловчининг ўртасида ўзаро бир-бирини тушуниш омили ҳам ётади.

Таржимашунос олим А.Ф.Фёдоров ёзма таржиманинг қуйидаги кўринишларини кўрсатиб ўтади:

1) газета хабарлари, расмий ҳужжат ва махсус илмий матнлар таржимаси;

2) оммавий-сиёсий ҳамда публицистик асарлар таржимаси;

3) бадий асар таржимаси.

Қ.Мусаев таржиманинг тўққиз турини, яъни ижодий, сўзма-сўз, эркин, образлаштирилган (идиоматик), мослаштириш, муаллифлаштирилган, табдил, академик ва воситали тилдан таржима турларини келтириб ўтган¹³. Фикримизча, Қ.Мусаев таржима услубларига нисбатан таржима турлари тушунчасини қўллаган.

Ёзма таржима одатда матннинг услуб жиҳатидан турига бўлинади ва улар қуйидагиларни ўз ичига олади: расмий-идоравий, бадий, публицистик, илмий ва сўзлашув. Улар ҳам ўз навбатида ҳар бир услубдаги матнларнинг кичик турларига, яъни соҳавий турларига бўлиниши мумкин.

Мавзу юзасидан саволлар:

1. Таржимани таснифлашнинг қандай меъзонларини биласиз?

2. Таржимонларнинг қандай халқаро ташкилотлари мавжуд?

¹³ Мусаев Қ. Таржима назарияси асослари. – Т.: Фан, 2005. – Б.21-28.

3. Таржима жараёнида оғзаки таржимонга қўйиладиган талаблар?

4. Оғзаки таржима ўз навбатида неча турга бўлинади?

5. Синхрон таржимоннинг имкониятлари чегараланганлиги нималарда экс этади?

6. Кетма-кет таржиманинг синхрон таржимадан фарқли равишдаги имкониятлари нималардан иборат?

7. Визуал таржима деганда нимани тушунсиз?

8. Таржиманинг мазмунига кўра турлари қандай?

Адабиётлар:

1. Rojo, A. Step by Step: A Course in Contrastive Linguistics and Translation. Peter Lang. 2009. – 418 p.

2. Susan Bassnet. Translation studies. 3rd edition. – London and New York. Taylor & Francis e-Library, 2005. – 176 p.

3. Фафуров И., Мўминов О., Қамбаров Н. Таржима назарияси. Дарслик. – Тошкент, 2012. –216 б.

4. Комиссаров В.Н. Современное переводоведение. – М., 2004. – 424 с.

5. Мўминов О. A guide to consecutive translation. – Т.: Tafakkur bo'stoni, 2013. – 320 p.

6. Мусаев Қ. Таржима назарияси асослари. “Фан” нашриёти. Тошкент, 2005 йил. – 352 б.

7. Нелюбин Н.Н. Толковый переводоведческий словарь. – М.: Наука, 2003. – 320 С.

8. Раҳимов Ғ. Таржима назарияси ва амалиёти. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси давлат илмий нашриёти, 2016. – Б.176.

9. Сирожиддинов Ш. Одилова Г. Бадиий таржима асослари. – Т.: Мумтоз сўз, 2011. –164 б.

3-МАВЗУ. ТАРЖИМА УСЛУБЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ТУРЛАРИ

Режа:

1. Таржима услубининг моҳияти
2. Таржима услубининг таржима усулидан фарқли жиҳатлари
3. Таржима услубининг таснифи
4. Аслият матнига нисбатан қўлланувчи услублар
5. Таржима матнига нисбатан қўлланувчи услублар

Таянч сўз ва иборалар: услуб, таржима услуби, сўзма сўз, расмий, сўзлашув, бадиий, расмий – идоравий, публицистик, семантик, коммуникатив, идиоматик.

Таржиманинг услублари ҳақида гап кетганда шу тушунчага яқинроқ бўлган таржиманинг бошқа тушунчаларининг баёнини ҳам келтириб ўтишни лозим топдик. Таржимашуносликда таржима услуби (translation method), таржима усули (translation tools), таржима техникаси (translation technique), таржима жараёнлари (translation procedures), таржима трансформациялари (translation transformation), таржима стратегияси (translation strategy) каби фундаментал тушунчалари борки, уларни бўлажак таржимон бир-биридан фарқини аниқлаштириб олиш лозим.

А.Хуртадонинг фикрича, “таржима методи, таржима стратегияси ва таржима трансформацияси бир-биридан фарқ қиладиган категориялардир”¹⁴. Унинг фикрига қўшиламиз, чунки таржима жараёнида мазкур терминлар вазифаси жиҳатидан бир биридан фарқ қилади, яъни таржима методи бутун матнга нисбатан, таржима трансформацияси матндаги кичик лексик бирликларга нисбатан танланади. Таржима стратегияси юқоридаги танловларни режалаштиришни белгилаб беради.

¹⁴ Hurtado A. La traductología: lingüística y traductología, Trans 1., 1996. – pp.151-160.

Стратегия тушунчасининг OALD луғатидаги изоҳига эътибор қаратадиган бўлсак, бу тушунчанинг қуйидаги таърифлари мавжуд: 1. Маълум бир мақсадга эришишни кўзлаб тузилган бирор режа. 2. Бирор нарсани режалаштириш жараёни ёки режани амалиётга жорий этиш. 3. Уруш ёки жангда армияни кўчириш учун режа тузиш малакаси¹⁵. Бундан шуни англашимиз мумкинки, таржима стратегияси таржимоннинг ўз фаолиятини амалга оширишда тузиладиган режалар мажмуидир. Бу фикрларни Крингснинг таржима стратегиясига берган қуйидаги таърифида ҳам кўриш мумкин: “Таржима стратегияси таржиманинг мақсади доирасида юзага келадиган аниқ таржима муаммоларининг ечимини топиш учун таржимоннинг онгли равишда тузган яширин режалари”¹⁶. Венути эса таржима стратегиясини “чет тил матнини таржима қилиш учун бирор методни танлаш”,¹⁷ дея таъкидлайди. Бу борада Крингснинг таржима стратегияси хусусидаги мулоҳазалари Венутининг фикрига нисбатан ўринли. Бир сўз билан айтганда, таржима стратегияси таржима бошланишидан олдин ва жараёнда тузиладиган режа бўлиб, бунга кўра, таржимон ўқувчининг мақсади, мавқеи, билим даражаси, аслият матнининг услуги каби омилларни ўрганиб чиқиб, маттни ўгириш учун метод ва матндаги кичик бирликлар учун трансформация танлашни ўз ичига олади.

Таржима усули, таржима техникаси, таржима процедураси, таржима трансформацияси таржимашуносликда бир тушунчанинг турли номланиши

¹⁵ Hornby A.S. Oxford Advanced Learner's Dictionary. – Oxford: Oxford University Press, – P.1516.

¹⁶ Krings, H.P. Translation problems and translation strategies of advanced German learners of French. Interlingual and intercultural communication. – Tubingen: Gunter Narr, 1986. – pp. 263-75.

¹⁷ Venuti L. Strategies of translation. Encyclopedia of translation studies. – London and New York: Routledge, 1998. – pp. 240-244

бўлиб, П.Ньюмарк, А.Хуртадолар таъкидлаганидек, матндаги кичик лексик бирликлар, яъни сўз, қўшма сўз, ибора, мақол, матал ва ҳакозоларни ўгириш учун қўлланади.

Таржима услуби таржима жараёнида матннинг услуб жиҳатидан турига ва таржимоннинг мақсадига кўра танланадиган усул саналади. Таржимашунослик тарихида “таржима услуби” термини дастлаб Марк Тулий Цицерон (м. авв. 106-43) томонидан қўлланган. Цицерон илк бора сўзма-сўз ва маъновий таржима услубларидан фойдаланган¹⁸. Назаримизда, Цицерон таржима жараёнида аслият матнини бошидан – охиригача сўзма-сўз ёки маъновий таржима методидан фойдаланиб таржима матнига ўгирган.

Н.Н.Нелюбиннинг луғатида “таржима услуби таржима усулидан фарқ қилади ва кенг омма томонидан қабул қилинган қонуниятларга асосланмайди, бироқ таржима тури ва усулларини ҳисобга олиб, таржимон томонидан бирор мақсадга йўналтирилган ўзаро бир-бирига алоқадор услублар тизимини амалга ошириш жараёни”,¹⁹ дея таърифланади. Н.Нелюбиннинг фикрига қўшилган ҳолда, таржима услуби ва усули бир-биридан фарқ қилиб, услуб бутун матн учун танланади, усул эса матндаги фразеологик бирликлар, маданий сўзлар, афоризмлар, қўшма сўзлар каби кичик лексик бирликларни ўгириш учун танланади, деган фикрни илгари сурмоқчимиз. Бу талқинни П.Ньюмарк “таржима услублари бутун матнга боғлиқ бўлади, таржима усуллари эса матндаги гаплар ва тилнинг кичикроқ бирликлари учун фойдаланилади,”²⁰ деган фикрида ҳам кўришимиз мумкин.

¹⁸ Гарбовский Н. Теория перевода: Учебник. – М.: Изд-во Московский университета, 2004. – С. 65.

¹⁹ Нелюбин Н.Н. Толковый переводоведческий словарь. – М.: Наука, 2003. – С.110.

²⁰ Newmark, P. Approaches to Translation. Hertfordshire: Prentice Hall, 1988. – P. 81

Демак, таржима услублари таржима жараёнидан олдинги вазиятда қўлланади ва қуйидаги мақсадларда фойдаланилади: аслият матнини ўрганиб, уни кимлар учун мўлжалланганлиги, матннинг услуб жihatдан турини аниқлаш, яъни агар матн техника соҳасига оид терминлар асосида тузилган бўлса, сўзма-сўз таржима услубидан фойдаланиш, агар матн бадиий услубга тегишли бўлса, семантик, эркин, ижодий таржима услубларидан фойдаланиш кабилар.

Милдред Ларсоннинг фикрига кўра, “таржима услуби икки турга бўлинади. Биринчиси – шаклга асосланган ёки сўзма-сўз таржима услуби. Иккинчиси – маънога асосланган ёки идиоматик таржима услуби. Сўзма-сўз таржима деганда, у таржимада аслият тили шаклини ўзгартирмасликни назарда тутади. Идиоматик таржимада аслият тили ёзувчиси назарда тутган маънони таржима тилига олиб ўтиш мақсад қилинади”²¹. Фикримизча, идиоматик таржима кўпроқ бадиий матн таржимасига алоқадор ҳисобланади. Чунки, бадиий матнда тилнинг ўзига хос тасвирий ифода воситаларидан кенг фойдаланилади. Бу ҳолатда таржимон бадиий матннинг маъносини олиб ўтишга уринади.

Таржима услубларидан фойдаланиш таржимон эҳтиёжига боғлиқ. У қайси услубдан фойдаланишидан қатъи назар, таржимадаги асосий эътибор аслият тилидаги маълумотни таржима тилига аъло даражада олиб ўтишдир. П.Ньюмарк қуйидаги таржима услубларини тақлиф қилган: сўзма-сўз таржима, гапларни бирма-бир таржима қилиш, аслиятга содиқ ҳолда таржима қилиш, семантик таржима, мослаштириш, эркин таржима, идиоматик таржима, коммуникатив таржима, маиший-хизмат

²¹ Mildred L. Meaning – based translation: A guide to cross-language equivalence. – Lanham: University press of America, 1984. – P.15.

таржимаси, насрий таржима, ахборот таржимаси, когнитив таржима, академик таржима.²² Ушбу услублар аслият матнига ва таржима матнига яқин услублар гуруҳига ҳам бўлинади. Аслият тилига яқин услубларга сўзма-сўз таржима, гапларни бирма-бир таржима қилиш, аслиятга содиқ ҳолда таржима қилиш ва семантик таржима услублари кирса, таржима тилига яқин методлар деганда эркин, мослаштириш, идиоматик ва коммуникатив таржима услублари назарда тутилади.

П.Ньюмарк энг самарали таржима услублар коммуникатив ва семантик таржима услублар эканлигини таъкидлайди²³. Демак, П.Ньюмарк ва М.Ларсонлар мукамал таржима яратишда катта аҳамият касб этадиган энг асосий услубларни танлаш муҳим деб таъкидлашади.

Шундай қилиб, инглиз тилида “translation method” термини ўзбек тилида “таржима услуби” деб талқин қилинади. Таржима услублари таржимоннинг ўз мақсадига эришишда муҳим аҳамият касб этади.

Қ.Мусаев П.Ньюмарк, М.Ларсонлар таклиф этган таржима методлари терминига нисбатан таржима турлари терминини қўллайди. Қ.Мусаев таржиманинг тўққиз турини, яъни ижодий, сўзма-сўз, эркин, образлаштирилган (идиоматик), мослаштириш, муаллифлаштирилган, табдил, академик ва воситали тилдан таржима турларини келтириб ўтган²⁴. Фикримизча, Қ.Мусаев таклиф қилган таржима турлари ёзма матннинг таржима турлари сифатида қаралган.

Демак, таржима услублари вазифасига кўра икки турга бўлинади: аслият матнига нисбатан ва таржима

²² Newmark P. Approaches to Translation. Hertfordshire: Prentice Hall, 1988. – pp. 45-47.

²³ Newmark, P. About Translation: Multilingual Matters. – Clevedon, Philadelphia, Adelaide: Multilingual Matters Ltd, 1991. – P.26

²⁴ Мусаев Қ. Таржима назарияси асослари. – Т.: Фан, 2005. – Б.21-28.

матнига нисбатан қўлланувчи услублар. Аслият матнига нисбатан қўлланувчи услубларга қуйидагилар киради:

- сўзма-сўз таржима (word for word translation) услубида аслият тилининг сўз тартиби сақлаб қолинади ва сўзлар контекст нуқтаи назаридан бирма-бир таржима қилинади. Лисоний воситалар луғавий маънолари асосида ўгирилади. Бу усул кўпроқ қардош тилларга таржималарда самарали ҳисобланади;

- гапларни бирма-бир таржима қилиш (literal translation) услубида аслият тили грамматик структураси унинг таржима тилидаги энг яқин эквиваленти билан алмаштирилади, аммо лексик бирликлар ва гаплар контекст нуқтаи назаридан бирма-бир таржима қилинади. Бу услуб қўшимча коннотатив маънодан ҳоли бўлган матнлар таржимасида самаралироқ бўлади;

- аслиятга содиқ ҳолда таржима (faithful translation) услубида таржима тили грамматик структураларини чеклаш орқали аслиятнинг контекстуал маъносини тушунарли яратишга ҳаракат қилинади;

- семантик таржима (semantic translation) эса “аслиятга содиқ ҳолда таржима” услубидан фақатгина аслият матнининг эстетик қийматини имкон қадар кўпроқ ҳисобга олиши билан фарқ қилади, яъни маъно асосий аҳамият касб этади;

- коммуникатив таржима (communicative translation) услубида аслиятнинг аниқ матний маъноси таржима қилиниб, бу усулда таржима мазмуни ва тили ўқувчига тушунарли бўлади;

- насрий таржима (plain prose translation) шеърлар ва шеърий асарларни насрий таржима қилишда қўлланади. Одатда шеърий тўртликлар параграфларга айланади, шеърий пунктуация таништирилади, аслият метафоралари ва маданий бирликлари сақлаб қолинади, оҳанг таъсири

қайта яратилади. Ўқувчи эквивалент таъсирни ҳис қилмасдан матн маъносини ўқий олади. Насрий таржималар аксарият ҳолларда вариантлари билан параллел равишда нашр қилинади. Сўзлар бирма-бир таққосланади;

- академик таржима (academic translation) услуби орқали таржима илмий тадқиқ қилиш мақсадида амалга оширилади;

- фонемик таржима (phonemic translation)да аслият тилини таржима тилида айнан аслиятдагидек қайта яратишга мўлжалланади;

- метрик таржима (metrical translation) ҳар бир қатордаги бўғинга тушган урғуни таржима тилида қайта яратиш методи бўлиб, аслият тилидаги шеърий қаторларда кучли ёки кучсиз урғуни кўйиб шеърий вазн яратиш ҳолати таржима тилида ҳам акс этади;

- қофияланган таржима (rhymed translation) методида аслият тилидаги вазн ва қофия таржима тилида ҳам яратилади. Таржима жараёнида мазкур методлар қўлланганда аслият матнининг асосий маъноси, тилнинг ўзига хос қонуниятлари таржиманинг бош мезонлари ҳисобланади.

Таржима матнига нисбатан эса қуйидаги методлар қўлланади:

- мослаштириш (adaptation) услуби таржиманинг энг эркин тури бўлиб, асосан комедия жанридаги асарларда ва шеъриятда фойдаланилади. Таржимон аслиятни имкон қадар таржима тили соҳибларига яқинлаштиришни мақсад қилиб, аслиятга ўта эркин муносабатда бўлади. Одатда, асар мавзуси, қаҳрамонлари, сюжети сақлаб қолинади, аслият тили маданияти таржима тили маданияти билан алмаштирилади ва матн қайта яратилади²⁵;

²⁵ Мусаев Қ. Таржима назарияси асослари. – Т.: Фан, 2005. – Б.26.

- эркин таржима (free translation)да таржима тили матни аслият матнининг услуби, шакли ва мазмунисиз қайта яратилади. Таржимон аслиятнинг мазмунини ўз сўзлари билан содда ва қисқа ҳикоя қилиб беради;

- идиоматик таржима (idiomatic translation) услубида аслиятнинг ахбороти қайта яратилади аммо аслиятда мавжуд бўлмаган ибора ва сўзларни танлаш орқали маънонинг кичик фарқини йўққа чиқаришга йўналтирилади. Муаллифнинг индивидуал тасвирини юзага келтирган лисоний воситалар образли иборалар, ҳис-туйғуни ифода этадиган сўзлар, баландпарвоз бирикмалар билан алмаштириб ўгирилади;

- ижодий таржима (creative translation)да аслиятнинг лисоний воситалари матний маънолари ва услубий вазибалари умумхалқ тили грамматик қоидалари билан ҳамоҳангликда яратилади;

- муаллифлаштирилган таржима (authorized translation)да муаллифнинг розилиги билан асарга ўзгартиришлар, қўшимчалар қўшиш орқали асар таржимаси яратилади;

- табдил таржима (tabdil translation)да асар таржимоннинг мақсадидан келиб чиқиб, соддалаштирилиб, қисқартирилиб таржима тилида ҳикоя қилиб берилади²⁶ Бунда эски ўзбек тилида ёзилган асар замонавий ўзбек тилида қайта талқин қилинади;

- восита тилдан таржима (Indirect language translation) бу – таржима матни тўғридан-тўғри эмас, балки бошқа тилга қилинган таржимаси орқали ўгиришдир;

- мантиқсиз таржима (Blank verse translation). Бунда матн структурасини сақлаш иккинчи даражали иш ҳисоблани, таржиманинг аниқлиги ва бадийликка эришиш муҳим жиҳат ҳисобланади;

²⁶ Мусаев Қ. Ўша асар. – Б.27.

- когнитив таржима (cognitive translation) услубида аслият тилидаги маълумот тилнинг грамматикасида акс этиб, таржима тилидаги одатдаги трансформациялар орқали тасвирийликни соддалаштириб ўша тилга маълумот ўтказилади. Прагматик компонент семантик ёки коммуникатив таржимани яратишга ёрдам беради;

- шарҳлаш (interpretation)да эса мавзу шарҳланади ва қабул қилувчига осонроқ бўлиши учун матн қайта ёзилади.

Ушбу таржима услублари таржимон томонидан танланганда таржима матнининг услуби, моҳияти, ўзига хос жиҳатлари кабилар эътиборга олинади.

Юқорида такидлаб ўтганимиздек, таржима услублари аслият матнининг услуб жиҳатидан турига қараб танланади. Турли тилларда мавжуд услубларга кўра таржима услубларини қуйидагиларга ажратиш мумкин:

1) бадий ва сўзлашув услубдаги матнлар учун қўлланадиган таржима услублари: семантик, насрий, кофияланган, тадбил, эркин, ижодий таржима, коммуникатив, фонемик, шарҳлаш ва бошқа услублар;

2) расмий ва илмий услубдаги матнлар учун қўлланадиган услублар: сўзма-сўз, гапма-гап, аслиятга содиқ ҳолда таржима ва бошқалар услублар;

3) публицистик услубдаги матнлар учун қўлланадиган услублар: мослама, идиоматик, когнитив ва бошқа услублар.

Мавзу юзасидан саволлар:

1. Таржима услуби деганда нимани тушунасиш?
2. Таржима усулининг моҳияти нимадан иборат?
3. Таржима услуби ва усулини бир-биридан фарқи нимада?

4. Аслият матнига нисбатан қўлланувчи услубларга қайси таржима услублари киради?

5. Таржима матнига нисбатан қўлланувчи услубларга қайси таржима услублари киради?

6. Семантик таржима услубининг асосий моҳияти нимадан иборат?

7. Идиоматик таржиманинг вазифаси нимадан иборат?

8. Қайси таржима услублари қардош бўлмаган тилларга таржимада самарали услуб ҳисобланади?

9. Расмий услубдаги матнларда асосан қайси таржима услублари қўлланади?

Адабиётлар:

1. Rojo, A. Step by Step: A Course in Contrastive Linguistics and Translation. Peter Lang. 2009. – 418 p.

2. Susan Bassnet. Translation studies. 3rd edition. – London and New York. Taylor & Francis e-Library, 2005. – 176 p.

3. Ғафуров И., Мўминов О., Қамбаров Н. Таржима назарияси. Дарслик. – Тошкент, 2012. –216 б.

4. Комиссаров В.Н. Современное переводоведение. – М., 2004. – 424 с.

5. Мўминов О. A guide to consecutive translation. – Т.: Tafakkur bo'stoni, 2013. – 320 p.

6. Мусаев Қ. Таржима назарияси асослари. “Фан” нашриёти. Тошкент, 2005 йил. – 352 б.

7. Нелюбин Н.Н. Толковый переводоведческий словарь. – М.: Наука, 2003. – 320 С.

8. Раҳимов Ғ. Таржима назарияси ва амалиёти. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси давлат илмий нашриёти, 2016. – Б.176.

9. Сирожиддинов Ш. Одилова Г. Бадиий таржима асослари. – Т.: Мумтоз сўз, 2011. –164 б.

4-МАВЗУ. ТАРЖИМА УСУЛЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ТУРЛАРИ

Режа

1. Таржима усули ва унинг асосий моҳияти
2. Таржима усуллариининг классификацияси
3. Таржима жараёнининг моҳияти
4. Таржима усуллариининг изоҳлари
5. Эквивалентлик ва уларнинг турлари

Таянч сўз ва иборалар: таржима усули, таржима жараёни, калька, сўз ўзлаштириш, эквивалентлик, мослама таржима, эслатмалар, маънони очиб бериш, яширин маъно бериш, инверсия

Таржимашуносликда матннинг кичик бирликларини ўгириш учун қўлланадиган методлар таржима усуллари (translation techniques, translation tools), таржима жараёнлари (translation procedures) ва таржима трансформациялари (translation transformations) терминлари билан талқин қилинади. Хусусан, Винье ва Дарбелнье, П.Ньюмарклар бу тушунчаларни таржима жараёнлари деб талқин этишса, Э.Азнаурова, Л.Бархударов, В.Комиссаров ва Н.Қамбаровлар таржима трансформациялари деб таъкидлашади. Молина ва Хуртардо Албир, М.Ордударилар бу тушунчаларга нисбатан таржима трансформациялари терминини қўллайдилар. Биз эса, Э.Азнаурова, Л.Бархударов, В.Комиссаров ва Н.Қамбаровларнинг фикрига таянган ҳолда матннинг кичик бирликларини ўгиришга мўлжалланган таржима методларига нисбатан таржима трансформациялари терминини қўлладик.

Таржима **трансформацияларини** илк бор Винье ва Дарбелнье аниқ методологик мақсадга кўра таснифлаган²⁷. Улар “*procédés techniques de la traduction*” терминини қўллашган. Бундан кўриниб турибдики, улар томонидан “таржима жараёни (*translation procedure*)” термини қўлланган. Олимлар трансформацияларни уч сатҳда (лексик, морфологик ва синтактик, ахборот) қўлланадиган жараёнлар деб тавсифлашган. Уларнинг фикрига кўра, трансформациялар *literal* (сўзма-сўз) ва *oblique* (маъновий) таржима турларига бўлинади. Сўзма-сўз таржима икки тил ўртасидаги аниқ структурал, лексик ва ҳатто морфологик эквивалентлик мавжуд бўлганда қўлланади. Муаллифларнинг фикрларига кўра, бу фақатгина бири-бирига жуда яқин икки тил ўртасидаги таржимада қўлланиши мумкин. Қуйида Винье ва Дарбелнье томонидан таклиф қилинган сўзма-сўз таржима трансформацияларини келтириб ўтамиз: сўз ўзлаштириш (*borrowing*), калькалаш (*calque*), гапларни бирма-бир таржима қилиш (*literal translation*). Маъновий таржима трансформацияларига қуйидагиларни киритган: Транспозиция (*transposition*), модуляция (*modulation*), эквивалентлик (*equivalence*), мослаштириш (*adaptation*), компенсация (*compensation*), жамлаш ва қисмларга ажратиш (*concentration vs. dissolution*), кенгайтириш ва торайтириш (*amplification vs. economy*), кучайтириш ва камайтириш (*reinforcement vs. condensation*), эксплицит ва имплицит (*explicitation vs. implicitation*), умумийлаштириш ва тавсифлаш (*generalization vs. particularization*, инверсия (*inversion*)).

П. Ньюмарк эса таржима методлари ва трансформациялари ўртасидаги фарқни тушунтириб ўтган

²⁷ Vinay, J, J. Darbelnet. *Stylistique comparée du français et de l'anglais*. –Paris: Georgetown University Press, 1977. – pp. 47-51.

ҳолда қуйидагиларни таржима трансформацияларига киритади: трансференция (transference), натурализация (naturalization), маданий эквивалент (cultural equivalent), тасвирий эквивалент (descriptive equivalent), компонент таҳлил (componential analysis), синонимлик (synonymy), тўлиқ таржима (through-translation), ўзгаришлар ёки транспозициялар (shifts or transpositions), модуляция (modulation), расмий услуб таржимаси (recognized translation), ўрнини тўлдириш (compensation), перифраза (paraphrase), бирлашма (couplets), эслатмалар (notes)²⁸.

Э.Азнаурова раҳбарлигида бир гуруҳ муаллифлар лексик ва грамматик трансформациялар ҳақида маълумот бериб ўтган. Э.Азнаурова лексик трансформацияларга қуйидагиларни киритган: лексик алмашинувлар, антонимик таржима, компенсация, сўз қўшиш ва сўз тушириб қолдириш. Грамматик трансформацияларга эса алмаштириш, ўзгариш, сўз тушириб қолдириш ва сўз қўшишларни киритган. Ўзига хос реалаяларни таржима қилиш учун транслитерация, она тилидаги морфологик алоқадорлик ёки белгилар асосида бирор предметни ифодалаш учун янги ёки қўшма сўз яратиш ва бошқа тилнинг реалаясига яқинроқ сўздан фойдаланиш каби таржима трансформацияларини киритган. Муқобилсиз фразеологик бирликлар таржимасида қўлланадиган таржима трансформацияларига сўзма-сўз таржима, аналог таржима йўли билан ўгириш ва тасвирий таржималарни киритган²⁹.

Л.Бархударов таржима жараёнида қўлланадиган трансформацияларни тўрт турга бўлади: 1) жойни ўзгартириш; 2) сўз алмаштириш; 3) сўз қўшиш; 4) сўзни

²⁸ Newmark P. Approaches to Translation. – Hertfordshire: Prentice Hall, 1988. –pp. 80-91.

²⁹ Aznaurova E.S, Abdurakhmonova Kh.I, Translation theory and practice. – T.: Ўқитувчи, 1989. – pp. 9-23.

тушириб қолдириш³⁰.

В.Комиссаров эса таржима трансформацияларини умумий равишда учга: лексик, грамматик ва лексик-грамматик турларга бўлади³¹. Лексик трансформациялар: 1. Транскрипция ва транслитерация трансформацияи. 2. Калькалаш трансформацияи. 3. Лексик-семантик алмашинув (аниқлик киритиш, умумлаштириш, модуляция) трансформацияи. Грамматик трансформациялар: 1.Синтактик ўхшатиш (сўзма-сўз таржима) трансформацияи. 2. Жумла тузилишини ўзгартириш (жумлаларни бўлиш ёки бирлаштириш) трансформацияи. 3. Грамматик алмаштиришлар (сўз шакли, нутқ бўлаги ёки гап бўлақларини алмаштириш). Комплекс лексик-грамматик трансформациялар: 1. Антонимик таржима трансформацияи. 2. Экспликация (мазмунини очиш) трансформацияи. 3. Компенсация трансформацияи.

Н.Қамбаров таржима трансформацияларидан фойдаланиш салмоғи аслият ва таржима тилларининг бир - бирига қардош ёки қардош эмаслигига боғлиқлиги, уларни таржима муносабати билан контактга кирган икки тил (аслият ва таржима)нинг типологик, стилистик, лингвостилистик, прагматик, лингвопрагматик, лингвокультурологик, социолингвистик ҳамда лингвотекстологик хусусиятларидан келиб чиқиб танланаши борасида ўз фикрларини билдириб ўтган. Олимнинг фикрича, таржима жараёнида энг кўп қўлланадиган таржима трансформациялари: сўз тартибининг ўзгариши, сўз қўшиш, сўзни тушириб қолдириш, умумлаштириш, конкретлаштириш, калькалаш, тасвирий таржима трансформациялари кабилар

³⁰ Бархударов Л.С. Язык и перевод. –М.: ИМО, 1975. – С.190.

³¹ Комиссаров В. Теория перевода. – М.: ИМО, 1990. – С. 172.

ҳисобланади. Трансформациялар сонининг кам бўлиши тилларнинг бир-бирига яқинлигидан, трансформациялар миқдорининг кўплиги тилларнинг бир-биридан узок эканлигидан далолат беради³². Биз ҳам шу фикрга қўшилаемиз, чунки тилларнинг ўзаро фарқли жиҳатлари салмоқли бўлган ҳолатларда таржима трансформациялари фаол қўлланилади. Бу нафақат тиллар ўртасидаги фарқлар, балки маданиятлар ўртасидаги фарқли жиҳатлар билан ҳам боғлиқ.

Н.Қамбаровнинг “Таржима трансформацияларига сабаб бўладиган сўзлар хусусида” мақоласида таржима трансформацияларига сабаб бўладиган “шаффоф сўзлар” деб номланувчи бирликларни таржима қилиш муаммолари, трансформация турлари ва трансформациялари ҳамда уларни таржима қилиш бўйича тавсиялар берилган. Олим “шаффоф” сўзларни таржима қилишда уларнинг маъноларини аниқлаштириш, конкретлаштириш, умумлаштириш, сўз маъноларини ривожлантириш, антонимик таржима каби трансформациялардан фойдаланишни тавсия этади. Бундан ташқари, бундай сўзларни таржима қилиш учун таржимон барча трансформация турларидан хабардор бўлиши, муайян тажрибага эга бўлиши, ўзи таржима қилаётган матнни ҳис этиши, сўзлар валентлиги ҳақида чуқур маълумотга эга бўлиши, таржима қилинаётган сўзнинг нима учун қўлланганлиги ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлиши, адекватликка эришиш йўлларини билиши кабиларни ҳам таклиф этади.

Исси Юлиасри ва Руди Ҳартанолар Молина ва Албир томонидан таклиф қилинган таржиманинг қуйидаги 18 та трансформацияларини таъкидлаб ўтишади: 1)

³² Қамбаров Н.М. Таржима трансформациялари ва тил контактлари (назарий масалалар). Fledu.uz Ўзбекистонда хорижий тиллар электрон журнали. – Т.: 2016.

мослаштириш (adaptation), 2) кўпайтириш (amplification), 3) сўз ўзлаштириш (borrowing), 4) калькалаш (calque), 5) компенсация (compensation), 6) тасвирлаш (description), 7) дискурсив яратиш (discursive creation), 8) яратилган эквивалентлик (established equivalence), 9) умумлаштириш (generalization), 10) лингвистик кенгайтириш (linguistic amplification), 11) лингвистик қисқартма (linguistic compression), 12) сўзма-сўз таржима (literal translation), 13) модуляция (modulation), 14) тавсифлаштириш (particularization), 15) қисқартириш (reduction), 16) ўрин алмаштириш (substitution), 17) транспозиция (transposition), 18) ўзгариш (variation)³³.

Таржимашуносликда **таржима жараёни** термини ҳам мавжуд бўлиб, бу таржимоннинг бевосита матнга алоқадор бўлмаган фаолиятини ҳам англатиши мумкин. Бу ҳолатни Е.Найданинг таржима трансформациясига муносабати ва унинг тавсифида ҳам кўришимиз мумкин. Е.Найда таржима жараёнларини қуйидагича тавсифлайди:

I. Техник жараёнлар: аслият ва таржима тилларини таҳлил қилиш, таржимани бошлашдан олдин аслият тили матнини батафсил ўрганиб чиқиш, семантик ва синтактик яқинликни аниқлаш.

II. Ташкилий жараёнлар: қилинган таржимани доимий қайта ўрганиб чиқиш, бошқа таржимонлар томонидан қилинган мавжуд таржималарни худди шу матн билан таққослаш, таржима матнининг тўғрилигини ва таъсирчанлигини аниқлаш учун таржима тили ўқувчиларидан сўраш орқали матннинг коммуникатив таъсирини текшириш ва уларнинг бунга муносабатини

³³ Yuliasri I, Allen P. Foreignizing and Domesticating Harry: An Analysis of the Indonesian Translation of Harry Potter and the Sorcerer's Stone. T & I Review, 4. Seoul, Korea: EWha Research Institute for Translation Studies, 2014.

ўрганиш³⁴. Демак, таржима жараёнини кўпроқ таржимадан олдин ва кейин амалга ошириладиган ишлар режаси деб ҳисоблаш мумкин.

Биз юқорида олимларнинг таржима трансформациялари таснифига асосланган ҳолда таржима жараёнида қўлланадиган қуйидаги таржима трансформацияларини таклиф этамиз:

- сўз ўзлаштириш (borrowing). Бунда таржима жараёнида бир сўз бир тилдан бошқа тилга тўғридан-тўғри олиб ўтилади. Инглиз тилидаги bulldozer сўзи инглиз тили орқали рус тилидан ўзбек тилига кириб келган;

- калькалаш (calque). Хорижий тил сўзи ёки ибораси бошқа тилга таржима қилинади ва шу тил таркибига кириб кетади. Бунда аслият тилидаги лексик бирликнинг ўзига хос бўлган белгиларидан фойдаланиб таржима тилида эквивалент сўз яратиш учун сўзма-сўз таржима қилинади. М: mass media – оммавий ахборот воситалари термини калькалаш трансформацияси орқали таржима қилинган;

- гапларни бирма-бир таржима қилиш (literal translation). Бунда сўзлар, гаплар сўзма-сўз таржима қилинади, грамматик структура сақлаб қолинади. М: I have talked to my friend – Мен дўстим билан суҳбатлашдим;

- транспозициялар (transpositions). Бунда сўз туркумининг ўзгариши, яъни феъл отга, от предлогга ўзгариши³⁵. Таржима жараёнида инглиз тилидаги феъл ўзбек тилида отга ўзгарариши мумкин. Бу жараён аслият тилидан таржима тилига грамматик ўзгаришларни ҳам ўз ичига олади. Жумладан, (1) бирлик шаклнинг кўпликака ўзгариши, (2) ўзига хос аслият тили структураси таржима тилида мавжуд бўлмаса, ўзгартириш талаб қилинади, (3)

³⁴ Nida E. Towards a science of translation, with special reference to principles and procedures involved in Bible translating. – Leiden: Brill, 1964. – pp. 241-247.

³⁵ Lucía M, Hurtado A. Translation Techniques Revisited: A Dynamic and Functionalist Approach. – Meta: Translators' Journal, vol. 47, № 4. 2002. – pp. 498-512.

аслият тилидаги феъл таржима тилида отга ўзгаради, аслиятда кўплик шаклидаги от бирликка ўзгаради ва бошқалар;

- модуляция (modulation). Тушуниш нуқтаи назаридан лексик бирликнинг ўзгариши (когнитив трансформация). Грамматик категориялар ўртасидаги ўзгаришда транспозиция содир бўлади, агар когнитив категориялардаги ўзгариш бўлса, модуляция содир бўлади. Бу ҳолат таржима тилининг жорий меъёрлар билан мувофиқликда таржима тили матнида аслият матнидаги маълумот қайта яратилганда юз беради, чунки аслият тили ва таржима тили терминлари ўхшаш бўлмаслиги мумкин. Винье ва Дарбелнье модуляциянинг ўн бир турини таклиф қилган: мавҳумнинг аниқликка, сабабнинг таъсирга, трансформациянинг натижага, қисмнинг бутунга ўзгариши, географик ўзгаришлар ва бошқалар. Хитой сиёҳи Ҳиндистон сиёҳига ўзгариши географик ўзгаришга мисол бўлади. Интраваи ва Скавее бу жараёни чуқур ўрганишди ва бу – бошқалардан кўра самарали процедуралар деган хулосага келишди. Уларнинг фикрига кўра, бошқа жараёнлар ҳам бунинг таркибига кириши керак³⁶;

- эквивалентлик (equivalence). Бунда худди шундай вазият учун бутунлай бошқа муқобил ибора ишлатилади, яъни мақоллар ёки идиоматик ифода воситалари буларга мисол бўла олади. М: To cross the floor of the House - Бир партиядан бошқа партияга ўтиб кетмоқ;

- маданий эквивалентлик (cultural equivalence). Бунда таржимон аслият тилидаги маданий сўзни таржима тилидаги маданий сўз билан алмаштиради. М: as strong as a horse – филдай бақувват;

³⁶ Scavée, P, Intraivaia, P. Traité de stylistique comparée. Analyse comparative de l'italien et du Français. – Bruxelles: Didier, 1979.

- тасвирий эквивалентлик (descriptive equivalence). Бу трансформацияда лексик бирликни билдирувчи сўзнинг маъноси бир неча сўзларда тушунтирилади. М: petrol, gasoline station – автомобилларга ёқилғи қуйиш шаҳобчаси;

- функционал эквивалентлик (functional equivalence). Бунда таржима тили лексикасида сўз аслият тили лексикасидаги бир хил вазифани бажарувчи матн услубига мос келадиган сўз билан алмаштирилади. М: sheriff – мингбоши;

- шаклий эквивалентлик (formal equivalence) ёки лингвистик эквивалентлик (linguistic equivalence). Бунда ҳар бир сўз алоҳида-алоҳида таржима қилинади. М: He mentioned that he had found the solution of the problem – У муаммонинг ечимини топганини таъкидлаб ўтди;

- мослаштириш (adaptation). Бу трансформацияда, одатда, бирор термин махсус аудитория ёки таржимоннинг махсус мақсади учун кўпроқ мос келадиган матн яратиш учун керак бўладиган ўзгаришлар амалга оширилади. Бу ҳолатда таржимон матнни ўқувчилар аудиториясига мослаштиради. М: Французлар учун cycling, инглизлар учун cricket, америкаликлар учун baseball (Бу сўзлар ушбу ҳалқларда кенг тарқалган ва ҳамма учун таниш);

- тушириб қолдирилган сўз ўрнини қоплаш (compensation). Аслият матнидаги маълумотнинг бирор лексик бирлиги ёки стилистик таъсири таржима матнида айнан ўз жойида эмас, балки матннинг яна бошқа бир жойида қайта яратилади ва тасвирий ифода оширилади. М: Киплингнинг “Jungle Book” асаридаги қуйидаги гапга эътибор қаратинг: I was seeking thee, Flathead. Ушбу гап сўзма-сўз таржимада ўзбек тилига “Мен сени қидиряпман, Яссибош” деб таржима қилинади. Лекин компенсация трансформацияси билан таржима қилинганда у қуйидагича

талқин этилади: *Мен сен Яссибошни қидиряпман*. Бу ерда инглиз тилидаги *thee* “*you*” олмошини архаик кўриниши ва “сен” олмошини “Яссибош” сўзининг олдига кўйганимизда стилистик бўёқдорлик янада ошади;

- аниқлик киритиш (*concentration*). Бу трансформацияда аслият тилидаги бирор тушунчани таржима тилидаги умумийроқ маънога эга тушунча билан ифодалаш. М: *hand, arm, waist* – қўл;

- қисмларга ажратиш (*dissolution*). Бунда аслият тилидаги тушунчани таржима тилидаги кенгроқ маънога эга тушунча билан ифодалаш. М: Ўзбек тилида “камондан ўқ узиш” инглиз тилидаги “*archery*” сўзини қисмларга ажралиш ходисасидир;

- кенгайтириш (*amplification*). Бу таржима тилида синтактик ва лексик бўшлиқларни йўқотиш учун кўпроқ маънога эга тушунчалардан фойдаланишдир. М: *He talked himself out of a job* – У ўзининг ишсиз юрганлигини гапирди. Бу ерда ўзбек тилидаги таржимага “юрғанлигини” сўзини қўшиб синтактик бўшлиқ бартараф этилган;

- торайтириш (*economy*). Бу трансформация тилшуносликда лисоний тежамкорлик тушунчасига яқин бўлиб, ифодани камроқ лексик бирликлар билан тушунтиришга мўлжалланади. М: *We'll price ourselves out of the market* - Бозор нархида тўламаймиз;

- кучайтириш (*reinforcement*). Бу трансформация кенгайтириш трансформацияининг варианты ҳисобланади. М: *No smoking!* - Бу ерда чекиш ман этилади!;

- камайтириш (*condensation*). Бу трансформация эса торайтириш трансформацияининг варианты ҳисобланади. М: *We have been waiting for you* - Биз сизни қутаётган эдик;

- маънони очиб бериш (explicitation). Бунда аслиятдаги лексик бирлик таржима матнида тўлиқроқ шарҳ ёки аниқлаштирувчи маъноли сўз бирикмаси билан алмаштирилади. М: *conservationalist* – атроф-мухитни химоя қилиш тарафдори³⁷;

- яширин маъно бериш (implicitation). Имплицит аслият матнидаги эксплицит маълумотни ёритиб бериш учун вазиятдан фойдаланиб, яширин маънони беришдир. Бу трансформация таржиманинг прагматик аспектининг бош мезони ҳисобланади. М: *You should obey my order* – Қонун олдида ҳамма баробар;

- умумлаштириш (generalization). Аслиятдаги топ маъноли сўзни таржима тилидаги кенг, умумлаштирувчи сўз билан алмаштиришни кўзда тутди. М: *He visits me practically every weekend* – У меникига қарийб ҳар ҳафтада келади³⁸;

- тафсиллаш (particularization). Аслиятда кенг маъноли сўз ёки сўз бирикмасини таржима матнида анча конкрет мазмунга эга сўз билан алмаштириш. М: *meal* – нонушта, тушлик, кечки овқат кабилар;

- сўз тартибини ўзгартириш (inversion). Бунда бирор гап ёки параграфдаги сўз ёки иборани бошқа жойга олиб ўтиш ва таржима тилида аслиятдагидек талқин этиш. М: *Pack separately ... for convenient* - назорат қилишга қулай бўлиши учун алоҳида – алоҳида қилиб жойла;

- антономик (тескари) таржима (antonymous translation). Бунда аслиятдаги тасдиқ шаклидаги фикр таржима тилида инкор шаклда ёки аксинча берилишини ифодалайди. М: *take it easy* – ҳаяжонланманг;

³⁷ Сирожиддинов Ш. Одилова Г. Бадиий таржима асослари. – Т.: Мумтоз сўз, 2011. – Б.39.

³⁸ Раҳимов Ғ. Таржима назарияси ва амалиёти. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси давлат илмий нашриёти, 2016. – Б.132.

- транскрипция (transcription). Транскрипцияда аслият тилидаги сўз унинг бевосита талаффуз шаклига кўра таржима тилида қайта тикланади. М: sweater – свитер;

- транслитерация (transliteration). Бунда аслият тилидаги сўз унинг график шаклига кўра таржима тилида қайта яратилади. М: sari – сари;

- сўз кўшиш (Addition). Бу трансформация аслият матни тилидаги грамматик ва семантик компонентларнинг шаклан ифодаланмаслик ҳолатларида қўлланади. М: He could not remember this man who he had seen – У яқиндагина кўрган одамани эслай олмади;

- сўз тушириб қолдириш (Omission). Бу трансформация икки тилнинг маълум бир шаклларининг грамматик қисқариш ҳодисаси талаб этилганда қўлланади. М: He bowed his head – У бошини эгди;

- сўз мақомини бошқа тил хусусиятига мослаштириш (Naturalization). Бу трансформацияда тилда янги сўзлар ассимиляцияси ҳодисаси содир бўлади, яъни таржимон аслиятдаги сўзни биринчи одатий талаффузига кўра, кейин таржима тилнинг одатий морфологиясига кўра мослаштиради. Бу трансформацияни транскрипция ва транслитерация трансформацияларининг синоними десак ҳам бўлади. М: Edinburgh – Эдинбург;

- бошқа сўзлар билан ифодалаш (Paraphrase). Бунда маданий бўёқдорликка эга сўзнинг маъноси тушунтирилади. Бу трансформацияда изоҳ тасвирий эквивалентликдан кенгроқ, батафсил баён этилади. М: белбоғ - it is piece of material sewed in form quadrangle kerchief and you wear around the waist;

- трансформациялар уйғунлиги (Couplets). Бунда таржима жараёнида таржимон икки ва ундан ортиқ турли трансформациялардан бир пайтда фойдаланади;

- эслатмалар (Notes). Эслатмалар, асосан, таржима тили ўқувчисига тўлиқроқ маълумот бериш мақсадида муқобили йўқ лексик birlikлар, миллий реалиялар ва лақналар билан боғлиқ бўлиб, таржималарда саҳифа пастида, бобнинг охирида ёки китобнинг охириги саҳифаларида берилади. М: Samurai – Қадимги япон империяларида жанг санъати усталари, жангчилар. Одатда, миллий-маданий лексик birlikларни эслатмалар орқали беришнинг тўрт тури мавжуд: а) Ўзгартириш трансформацияси орқали: У олча емоқда – He is eating a fruit called olcha. б) Сўз шакли ёки вазифасини тасвирлаш трансформацияси орқали: The queen of the UK came to India – the woman who ruled the UK came to India. в) Тасвирий таржима трансформацияси орқали: Рамазон ҳайитида Ўзбекистонликлар ишга бормайдилар, дам оладилар – The people of Uzbekistan do not go to work and have a rest in Ramadan – Khait which is a holiday of moral purification and spiritual revival. г) қиёслаш трансформацияси орқали: Мен гуммани пишира оламан – I can prepare gumma like patty in England³⁹.

Мавзу юзасидан саволлар:

1. Таржима трансформацияси деганда нимани тушунчаси?
2. Таржима трансформациясини таржима услубидан фарқи нимада?
3. Таржима трансформациясини қайси олимлар таснифлаган?
4. Эквивалентликнинг қандай турлари мавжуд?
5. Грамматик трансформацияларга қайсилар киради?
6. Қалқалаш таржима трансформациянинг моҳияти нимадан иборат?

³⁹ Muminov O. A Guide to Consecutive Translation. – Т.: Tafakkur bo'stoni, 2013. – Б.21.

7. Сўз ўзлаштириш таржима трансформацияси деганда нимани тушунаси?

8. Транскрипция ва транслитерациянинг фарқи нимадан иборат?

Адабиётлар:

1. Rojo, A. Step by Step: A Course in Contrastive Linguistics and Translation. Peter Lang. 2009. – 418 p.

2. Susan Bassnet. Translation studies. 3rd edition. – London and New York. Taylor & Francis e-Library, 2005. – 176 p.

3. Гафуров И., Мўминов О., Қамбаров Н. Таржима назарияси. Дарслик. – Тошкент, 2012. –216 б.

4. Комиссаров В.Н. Современное переводоведение. – М., 2004. – 424 с.

5. Мўминов О. A guide to consecutive translation. – Т.: Tafakkur bo'stoni, 2013. – 320 p.

6. Мусаев Қ. Таржима назарияси асослари. “Фан” нашриёти. Тошкент, 2005 йил. – 352 б.

7. Нелюбин Н.Н. Толковый переводоведческий словарь. – М.: Наука, 2003. – 320 С.

8. Раҳимов Ғ. Таржима назарияси ва амалиёти. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси давлат илмий нашриёти, 2016. – Б.176.

9. Сирожиддинов Ш. Одилова Г. Бадиий таржима асослари. – Т.: Мумтоз сўз, 2011. –164 б.

5-МАВЗУ. ТАРЖИМОННИНГ ЛИНГВИСТИК КОМПЕТЕНЦИЯЛАРИ

Режа

1. Компетенция тушунчасининг моҳияти
2. Таржимоннинг асосий компетенциялари
3. Лингвистик компетенциянинг асосий мазмуни
4. Тил кўникмаси
5. Таржимонда тушуниш қобилияти

Таянч сўз ва иборалар: компетенция, билим, малака, кўникма, лингвистик компетенция, тушуниш, ифодалаш, қайта яратиш, энциклопедик компетенция

Одатда компетенция тилшуносликда тил кўникмаси сифатида кўрилади. Таржима масаласига келсак, ушбу лингвистик билим таржимоннинг билим даражаларидан бири саналади. Таржимада таржимон компетенциясининг барча даражалари бир-бири билан узвий боғлиқ. Бундан ташқари, компетенция маълум бир шахсга оидлиги туфайли, таржимоннинг малакаси, билим даражаси ва ундан фойдаланиш қобилияти деб тушунса бўлади.

Инсоннинг тил билан боғлиқ билимини таснифлаш борасида кўплаб қарашлар мавжуд. М.Миллернинг ёндашувига кўра, тил фойдаланувчиси учун бу билимлар бешта даражага: фонологик, синтактик, лексик, концептуал билимлар ва эътиқод билан боғлиқ билимларга бўлинади.

А - Фонологик билим (кўникма): ҳар қандай одам ўзи фойдаланадиган тилнинг товушлари ҳақида баъзи маълумотларга эга бўлиши керак. Бу билим сўзловчининг сўзлаётган тилнинг талаффуз ҳолатларини тавсифловчи ички мавҳум принципларга эга эканлигидан далолат беради.

Б - Синтактик билим (кўникма): жумлаларнинг шаклланиши ва уларнинг қандай тузилганлиги билан шуғулланувчи билим тури бўлиб, фойдаланувчи ўзи фойдаланадиган тилга оид чекланган грамматик қоидалар тўғрисидаги билимга эга бўлиши керак.

В - Лексик билим (кўникма): сўзларнинг маъноси ва сўз бирикмалари ҳақида маълумот.

Г – сўзловчининг у яшаб турган дунёнинг концептуал билимлари.

Д – ўқиган ёки эшитган нарсаларини баҳоловчи эътиқодий билимлар тизими.

Таржимага келсак, Г.Срайгхит таржимонларда мавжуд бўлган билимларнинг қисқача мазмунини беради. У билимларнинг икки турини аниқлайди: маданий (экология, моддий маданият, технология, ижтимоий ҳаёт, афсонавий мифология) ва тилшунослик (фонология, синтаксис, морфология).

Аммо, Д. Делисленинг фикрича таржима қилиш учун зарур бўлган тўртта асосий компетенцияларни тилшунослик, тушунишга доир, энциклопедик ва изоҳлашга доир билимлар ташкил этади.

Демак, таржимашуносликда М.Миллер томонидан таклиф қилинган бешта билим даражаси таржимоннинг асосий компетенцияси ҳисобланади ва улар қуйидагиларда акс этади:

1. Тил кўникмаси. Умуман олганда, ҳар қандай одам тилдан самарали фойдаланиш учун ушбу тилни чуқурроқ билиши керак. Бу тил фойдаланувчиси чексиз ва чексиз жумлалар тўпламини билиши кераклигини англамайди, аммо тилни тушунтирадиган чексиз шаклда лингвистик билимга эга бўлиши керак. Бошқача қилиб айтганда, Н.Хомский таъкидлаганидек, грамматиканинг ўзи чексиздир. Ушбу грамматика фонология, синтаксис ва

морфология бўйича чекланган принциплар ва қоидалар тизимини ўз ичига олади. Бироқ, таржимон оддий тил фойдаланувчиси эмас. Таржимон ушбу тилларни махсус фойдаланувчи сифатида тилни тартибга солиш учун етарли бўлмаган қоидалар тўпламини билиши мумкин. У бунга жалб қилинган тилнинг хусусиятларини тушунишга ёрдам берадиган қўшимча вазифаларни талаб қилиши ва ўз вазифасини бажариш учун унга тилшунослик воситалари билан таъминлаши мумкин.

Таржимоннинг лингвистик саводхонлиги, таржимон фойдаланадиган тилларда сўзларни билиш орқали шаклланиши мумкин. Ушбу турдаги билимлар мураккаб сўзларни таҳлил қилиш ва уларнинг маъноларини олиш учун хизмат қилади.

2. Тушуниш қобилияти. Тилшунослик учун лингвистик компетенциянинг ўзи етарли эмас. Тил фойдаланувчиси ўз тилини билиши учун нима керак бўлса, ўзга тил учун ҳам шу даража лозим, чунки ҳар қандай луғавий бирлик алоҳида семантик маънони англатади, чунки тил фойдаланувчиси ўзининг тил кўникмасида ифодаланган маълум товушлар ва шаклларга маъно бера олади.

Тил фойдаланувчиси фойдаланадиган тилнинг хусусиятлари тўғрисида чекланган миқдордаги маълумотларни сақлаши мумкин. Тил фойдаланувчиси илгариги номаълум жумлалардан янги маълумотларни чиқариб олишлари мумкин. Айнан шу маълумотни тўплаш қобилияти таржимонда шаклланган бўлиши лозим.

Тушуниш қобилияти бу матнни семантик ва прагматик таҳлил қилиш қобилиятидир. Таржимон матндан маълумотларни чиқариб, тушуниши ва изоҳлаши керак. Бироқ, матнни тушунишда зарур бўлган маълумотларнинг аксарияти тил фойдаланувчисининг

умумий билимларидан олинади. Тушуниш пайтида ўқувчилар умумий маълумотлар баъзасидан маълум бир билим кўникма турини танлаб олади ва уни ўқиётган матн учун замин сифатида фойдаланади. Ушбу билимлар баъзаси таржимоннинг энциклопедик билимларида мужассамлашган бўлади.

3. Энциклопедик компетенция. Энциклопедик компетенция - таржимон бирон бир нарса тўғрисида тўлиқ маълумотга эга бўлиши керак деган тушунчани англатмайди. Аммо, таржимон дуч келадиган турли хил мавзулар туфайли таржимонга маълум бир энциклопедик билим зарур бўлади. Муайян матн, масалан, бадиий матн билан ишлаганда, таржимон, агар мавжуд бўлса, матннинг маданий, сиёсий ва тарихий жиҳатлари билан танишиши керак. Яъни, у таржима қилиш учун берилган матни тўғрисида аниқ маълумотга эга бўлиши керак. Масалан, Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романининг таржимони, романни тушуниш ва охиригача уни тўғри таржима қилиш учун романда тасвирланган даврининг барча қирралари (сиёсий, маданий ва бошқалар) билан таниш бўлиши лозим бўлади.

Таржима қилинадиган матн ҳақида маълумотга эга бўлиш уни тушунишда катта аҳамиятга эга ва узоқ муддатда таржимоннинг энциклопедик маҳоратини оширади.

Манба тилидаги матнни тўлиқ тушуниш таржимоннинг идрок этиш ва ва энциклопедик компетенциясига боғлиқ. Бу Аслият матни ва таржимоннинг тушуниши ва энциклопедик компетенциясининг ўзаро алоқаси бўлиб, бу матнни тушуниш ва унинг тақрорланишини белгилайди.


4. Қайта изоҳлаш қобилияти. Таржимон компетенциясининг тўртинчи муҳим даражаси шундаки,

қайта изоҳлаш қобилиятисиз таржима қилиш имконсиздир. Таржима қилиш учун тилшунослик, энциклопедик ва тушуниш қобилиятига эга бўлиш етарли эмас.

Таржимон манба тилдаги тушунчани таржима тилда қайта изоҳлаш қобилиятига эга бўлиши керак. У таржима тилнинг таржимаси синтези учун ўзига хос қобилият ва стратегияга эга бўлиши керак. Қайта изоҳлаш қобилияти таржимоннинг таржима тил конвенциялари ва қоидаларига мувофиқ манба тил хабарларини ўрганилаётган тил ичига қайта тузиш қобилиятини англатади.

Таржимон тайёрлаш даврида таржимон малакасининг уч даражаси (лингвистик, тушуниш ва энциклопедик) фаол деб тахмин қиламиз. Аммо, қайта изоҳлаш компетенцияси фаоллашганда ўзаро боғлиқлик юзага келади; таржимоннинг Аслият тили таҳлилидаги фаол бўлган кўникмалари Таржима тили билан шуғулланганда ҳам айнан ўша компетенциялар фаоллашишини ўзаро боғлиқлик десак бўлади. Ушбу боғлиқлик таржимоннинг қайта изоҳлаш қобилиятини аниқлайди. Қайта изоҳлаш қобилиятини қўллашда, таржимон доимий равишда Аслият тил ва Таржима тилининг тизимлари ҳақидаги билимларини "ёрдамга чақиради" ва шу ўринда таржимон ўзининг энциклопедик билимларига юзланади. Энциклопедик билим тушуниш кўникмасини аниқлаб беради.

Таржимоннинг қайта изоҳлаш қобилиятини белгилайдиган турли даражадаги таржимон компетенциясининг ўзаро алоқаси схематик тарзда қуйидагича кўрсатилиши мумкин:



Биз ишонамизки, таржимада таржимон компетенциясининг турли даражалари ўртасида боғлиқлик бор. Нотўғри лингвистик компетенция тушуниш мобайнида хатоларга олиб келиши мумкин, бу эса ўз навбатида таржимоннинг қайта изоҳлаш қобилиятига таъсир қилади. Худди шундай, энциклопедик компетенциянинг етишмаслиги тушунишга халақит бериши мумкин ва шунинг учун қайта изоҳлашга таъсир қилади.

Бундан ташқари, таржима жараёнининг турли босқичлари ва таржимон компетенциясининг турли даражалари ўртасида маълум бир боғлиқлик мавжуд. Таҳлил босқичида таржимон матн таржимасини синтактик ва матн даражасидаги луғавий имконияти, семантик ва прагматик даражада тушуниши ва энциклопедик компетенция асосида таҳлил қилади.

Ўтказиш босқичига келсак, таржимоннинг учта компетенцияси ўртасидаги ўзаро боғланиш (тилшунослик, тушуниш ва энциклопедик) Аслият тили таржимаси билан ўзаро таъсирининг натижаси маълум бир ақлий фаолият давомида акс этади.

Мавзу юзасидан саволлар:

1. “Компетенция” деганда нимани тушунасиз?
2. Таржимоннинг тушуниш қобилиятининг ўрни нимадан иборат?
3. Таржиманинг лингвистик хусусиятларига нималар киради?
4. Қайси омиллар эвазига таржимоннинг лингвистик компетенцияси шаклланади?
5. Таржимоннинг тил компетенцияси нима?
6. Таржимоннинг тил кўникмаси нима?
7. Тушуниш қобилияти деганда нимани тушунасиз?
8. Таржимоннинг лингвистик компетенцияси деганда нимани тушунасиз?

Адабиётлар:

1. Rojo, A. Step by Step: A Course in Contrastive Linguistics and Translation. Peter Lang. 2009. – 418 p.
2. Susan Bassnet. Translation studies. 3rd edition. – London and New York. Taylor & Francis e-Library, 2005. – 176 p.
3. Фафуров И., Мўминов О., Қамбаров Н. Таржима назарияси. Дарслик. – Тошкент, 2012. –216 б.
4. Комиссаров В.Н. Современное переводоведение. – М., 2004. – 424 с.
5. Мўминов О. A guide to consecutive translation. – Т.: Tafakkur bo’stoni, 2013. – 320 p.

6. Мусаев Қ. Таржима назарияси асослари. “Фан” нашриёти. Тошкент, 2005 йил. – 352 б.

7. Нелюбин Н.Н. Толковый переводоведческий словарь. – М.: Наука, 2003. – 320 С.

8. Раҳимов Ғ. Таржима назарияси ва амалиёти. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси давлат илмий нашриёти, 2016. – Б.176.

9. Сирожиддинов Ш. Одилова Г. Бадиий таржима асослари. – Т.: Мумтоз сўз, 2011. –164 б.

6-МАВЗУ. ТАРЖИМОННИНГ КАСБИЙ КОМПЕТЕНЦИЯЛАРИ

Режа

1. Таржимон касбий компетенциясининг мазмуни
2. Коммуникатив компетенция
3. Тил компетенцияси
4. Таржимоннинг лингвистик компетенцияси
5. Таржимоннинг технологик компетенцияси

Таянч сўз ва иборалар: компетенция, коммуникатив компетенция, таржимоннинг прагматик, технологик, тил компетенциялари, дискурсив компетенция.

Таржимоннинг касбий компетенцияси ўз вазифларини профессионал даражада бажариш имконини берадиган таржимоннинг билим, қобилият, кўникмалари йиғиндиси тушунилади.

Таржимоннинг профессионал компетенцияси ўз ўрнида шаклланиши ва ривожланиши лозим бўлган касбий компетенцияларга бўлинади.

Таржимоннинг ривожланиши лозим бўлган профессионал компетенцияларга коммуникатив, тил, техник ва шахсий компетенциялар киради.

Коммуникатив компетенция индивиднинг умумий компетенцияси унсурлари билан ўзаро боғлиқ бўлган ва индивид учун нутқ фаолиятини муваффақиятли амалга ошириш имконини берувчи лингвистик, социолингвистик ва прагматик компетенциялар комплекси сифатида белгиланиши мумкин.

Тил компетенцияси тил бирликлари функциясининг тизимли қоидаларини билишгина эмас, балки нутқ малакаси даражасида тил материални билиш, яъни муайян мазмунни ифодаловчи гапларни тўғри тузиш.

Техник (ёки технологик) компетенция таржима жараёнида учрайдиган типик “техник” қийинчиликларни бартараф этишга ҳамда турли ҳил вазифаларни бажаришга кўмаклашувчи таржиманинг асосий малакалари киради.

Шахсий компетенция бўлажак таржимон ривожлантириши лозим бўлган асосий компетенциялардан бири бўлиб, бунга эришиш учун индивидуал ва умумий ёндашувни талаб қилади:

- ихтисослик бўйича матнлар профессионал таржимонлар гуруҳи касбий ориентацияси ва менталитетига кириб бориш;

- ихтисослик бўйича матнлар таржимасида касбий шаън ва кадр қоидаларига риоя қилиш;

- таржима қилинаётган ахборот/маълумотнинг аниқлиги ва адекватлиги учун жавобгарлик, мукамаллик ва мустақил ўқишга тайёрлик;

- ностандарт касбий вазиятларга мослашиш қобилияти;

- амалий, репродуктив, продуктив, мантиқий, таҳлилий-мантиқий, интуитив фикрлар;

- кенг илмий ва маданий дунёқараш;

- ўз хотираси манбаларини сафарбар этиш қобилияти;

- ўз фикрини тўғри тақсимлаш қобилияти;

- хушмуомалалик, фикрни бир жойга жамлаш, кузатувчанлик, шахсий танқид, камтаринлик ва жисмоний бардошлилик.

Таржимоннинг шаклланиши лозим бўлган касбий компетенциялари қуйидагиларни кўзда тутди ва лингвистик, прагматик, социолингвистик, дискурсив, ижтимоий-маданий, стратегик, технологик, социал (ижтимоий), предмет бўйича компетенциялардан иборат.

1) таржимоннинг *лингвистик* компетенцияси:

- аслият тили ва таржима қилинаётган тилнинг алоқаларини билиш, уларнинг тил тизимлари, тил меъёрлари, нутқ меъёрларидаги ўхшашлик ва фарқларни билиш;

- ихтисосликнинг чет тил ва она тилидаги хусусиятларини билиш;

- ихтисослик тилининг грамматик ва синтактик структураларига асосан танлаб олинган лексик минимум билан ишлаш қобилиятига эга бўлиш;

- чет тил ва касбий тилда терминларни ҳосил қилиш усулларини билиш;

- чет тил ва касбий тилда қиёсий жиҳатдан касбий фаолиятнинг тегишли соҳасига оид умумфан ва тор ихтисослик лексикаларини билиш;

- она тилида чет тилдаги терминлар эквивалентини топиш ёки тегишли адабиётларидан фойдаланган ҳолда янги терминларни яратиш қобилиятига эга бўлиш;

- ўз билимларидаги бўшлиқни мустақил равишда тўлдириш, хусусан, чоғиштира олиш.

2) таржимоннинг прагматик компетенцияси:

- таржима матни мазмунидан аслият матнини жўнатувчи омил ҳақидаги маълумотни ола билиш қобилияти;

- гап муаллифининг мулоқотдан кўзланган мақсадини аниқлаш имконини берувчи ихтисослик бўйича матннинг лисоний ва таркибий хусусиятларини билиш;

- асл матнни жўнатувчи ва таржима матнини қабул қилиб олувчининг билим даражаси ва тасавурларини қиёслаш қобилияти;

- таржима матни асосида қабул қилиб олувчининг мақсади ва қизиқишларини билиш;

- стратегияни танлаш ва ихтисослик бўйича матн таржимасини қабул қилиб олувчининг руҳий ҳолати,

мақсади ва қизиқишларини олдиндан кўра билиш қобилияти;

- таржима матни ва уни қабул қилиб олувчининг характерини инобатга олган ҳолда унинг муаллифи мақсадини етказиб бериш қобилияти;

- таржима матнини қабул қилиб олувчилар учун муаллиф мақсадининг адекват равишда тушунарли бўлиши учун матнни соддалаштириш даражасини аниқлаш қобилияти.

3) таржимоннинг *социолингвистик* компетенцияси:

- тили ўрганилаётган мамлакатдаги илмий-техник соҳа вакиллари билан мулоқотнинг социолингвистик хусусиятларини билиш;

- илмий ва техник маълумотларни чет тили махсус дискурсида тақдим этиш хусусиятларини билиш;

- махсус дискурснинг социолингвистик хусусиятларини қиёсий таҳлил қилиш қобилиятига эга бўлиш;

- чет тил ва она тили махсус дискурсининг социолингвистик хусусиятини қиёслаш ва таҳлил қилиш қобилиятига эга бўлиш;

- илмий-техник соҳада мулоқот учун қабул қилинган нутқ маданияти моделини бузмаган ҳолда касбий тилда муаллифнинг гапи ва мақсадини етказиб бериш қобилиятига эга бўлиш;

- таржима матнини қабул қилиб олувчининг ижтимоий-маданий билимларини инобатга олган ҳолда миллий-маданий компонентга эга лексика – эквивалентсиз ва эквивалентли лексика, хос сўзлар моҳиятини тушуниш ва ўқувчига етказиб бериш қобилиятига эга бўлиш.

4) таржимоннинг *дискурсив* компетенцияси:

- таржимон фаолияти учун хос дискурснинг асосий жанрларини билиш, уларни амалга ошириш жараёнида

эришиладиган коммуникатив мақсадлар ҳамда уларни чет тил ва она тилида ифодалаш қоидалари ва ўзига хос хусусиятларини билиш;

- шу мақсадларни касбий тилда тўлиқ етказиб бериш учун ушбу тавсифларни она тилидаги махсус дискурс жанрлари ҳақидаги маълумотлар ёрдамида қиёслаш;

- муаллифнинг фикри ва мулоқот вазиятини инобатга олган ҳолда она тилига таржима қилиш учун махсус дискурснинг тегишли жанрини танлай билиш;

- таржима матни муаллифи фикрини ифодалашда мантиқий кетма-кетликни яратиш қобилияти;

- таржима матнини яратиш жараёнида мулоқотнинг илмий-техникавий соҳасида қабул қилинган нутқ ва нутқдан ташқари ҳулқ меъёрларига амал қилиш.

5) таржимоннинг *ижтимоий-маданий* компетенцияси:

- тили ўрганилаётган мамлакатнинг фан ва техника соҳасидаги институтлар фаолиятининг ўзига хос хусусиятларини билиш ва махсус дискурсни яратиш, таржима қилишда ушбу билимларни қиёслаш олиш;

- тили ўрганилаётган мамлакатнинг касбий соҳага доир мулоқот қоидалари, анъана ва меъёрларини билиш ва махсус дискурс яратиш ва таржима қилишда ушбу билимларни қиёслаш;

- таржима жараёнида махсус дискурсни ижтимоий-маданий жиҳатдан соддалаштиришнинг керакли даражасини аниқлаш қобилияти.

б) таржимоннинг *стратегик* компетенцияси:

- таржимага аниқлик киритувчи омиллар (прагматик, лингвистик, ижтимоий-маданий, дискурсив, ситуатив) ва ихтисослик бўйича матнларни таржима қилишда уларнинг таржима стратегиясини танлашга таъсир кўрсатиш даражасини билиш;

- таржимага аниқлик киритувчи максимал миқдордаги омилларни аниқлаш ва муайян мулоқот вазиятида ихтисосликка доир матнларни таржима қилиш стратегиясини ишлаб чиқишда инobatга олиниши лозим бўлганларини танлаб олиш қобилияти;

- аниқловчи омиллар асосида таржима жараёнларининг кетма-кетлигини ишлаб чиқиш қобилияти;

- фойдаланилаётган таржима стратегиясини асослаб бера олиш.

7) таржимоннинг *технологик* компетенцияси:

- мамлакатдаги ва тили ўрганилаётган мамлакатдаги тизимларни, тил ва нутқ меъёрларини фарқлаш усулларини билиш ҳамда улардан таржима жараёнида самарали фойдаланиш;

- касбий мулоқот соҳаси вакиллари сифатида аслият тил жўнатувчиси билан таржима тили қабул қилувчисининг прагматик имконияти орасидаги фарқларни бартараф қилиш усулларини билиш ҳамда таржима матнида муаллиф фикри ва истагини ифодалашда улардан фойдаланишни билиш;

- чет тил ва она тилидаги махсус дискурсининг жанр турлари орасидаги фарқларни бартараф қилиш усулларини билиш ва она тилидаги махсус дискурсда ахборот тақдим этиш меъёрлари асосида таржима тилида улардан фойдаланишни билиш;

- дунёнинг профессионал харитаси. Асл матнни жўнатувчи ва таржима матнини қабул қилиб олувчи ижтимоий-маънавий потенциали орасидаги фарқларни батараф этиш усулларини билиш ҳамда таржима матнида улардан фойдаланишни билиш;

- ихтисослик бўйича матнларни таржима қилиш жараёнида фойдаланиш мумкин бўлган ташқи манбаларни

аниқлаш ҳамда касбий фаолиятда улардан фойдаланишни билиш.

8) таржимоннинг *социал (ижтимоий)* компетенцияси:

- илмий-техник матнлар таржимонларини бирлаштирувчи ташкилотлар, касаба уюшмалари ҳақида маълумотга эга бўлиш;

- касбий муҳитда (корхона/фирма, ҳамкасб таржимонлар, ташкилий хизматлар вакиллари ва б.) мулоқот олиб бориш меъёрларини билиш;

- ихтисослик бўйича матнларни таржима қилиш борасида иш қидиришда ёрдам берилиши лозим бўлган ташкилотлар, фирмалар, корхоналар, Интернет сайтлари ҳақида маълумотга эга бўлиш;

- меҳнат бозорида ўз хизматларини таклиф қилишни билиш;

- ўзининг профессионал малака ва билимлари (профессионал компетенцияси)ни тўғри баҳолаш қобилияти;

- меҳнатга ҳақ тўлаш тўғрисида шартнома тузишни билиш;

- иш берувчидан таржима учун керакли ахборот/маълумотни олиш қобилияти;

- мутахассислар, тегишли соҳа экспертлари, фирма-корхонадаги ҳамкасблар билан ҳамкорлик қилиш йўлларини билиш;

- ҳамкасб таржимонлар билан ҳамкорлик қилиш йўлларини билиш.

9) таржимоннинг *предмет* бўйича компетенцияси:

- фан ва техника соҳасидаги академик билимларга эга бўлиш ва улардан ихтисослик бўйича матнларни таржима қилиш жараёнида фойдаланишни билиш;

- тили ўрганилаётган мамлакатдаги фан ва техниканинг яратилиш ва ривожланиш тарихини билиш;
- ихтисослик бўйича матн яратиш ва таржима қилишда билимларни қиёслаш қобилияти;
- тили ўрганилаётган мамлакат ва Ўзбекистон Республикасидаги илмий ва техник тушунчаларнинг ўзига хос хусусиятларини билиш;
- таржима матнида адекват тарзда етказиб бериш мақсадида ушбу хусусиятларни таҳлил қилиш ва қиёслаш қобилияти.

Мавзу юзасидан саволлар:

1. Таржима жараёнида учрайдиган типик “техник” қийинчиликларни бартараф этишга ҳамда турли ҳил вазифаларни бажаришга кўмаклашувчи таржиманинг асосий малакалари бу –
2. Таржимоннинг шахсий компетенциясини изоҳланг?
3. Таржимоннинг тил компетенцияси нима?
4. Таржимоннинг профессионал компетенцияси таркибини қайси компетенциялар ташкил этади?
5. Таржимоннинг прагматик компетенцияси нимадан иборат?
6. Таржимоннинг ижтимоий компетенцияси деганда нимани тушунасан?
7. Таржимоннинг технологик компетенцияси нима?
8. Таржимоннинг стратегик компетенциясининг моҳияти нимадан иборат?

Адабиётлар:

1. Rojo, A. Step by Step: A Course in Contrastive Linguistics and Translation. Peter Lang. 2009. – 418 p.
2. Susan Bassnet. Translation studies. 3rd edition. – London and New York. Taylor & Francis e-Library, 2005. – 176 p.

3. Гафуров И., Мўминов О., Қамбаров Н. Таржима назарияси. Дарслик. – Тошкент, 2012. –216 б.

4. Комиссаров В.Н. Современное переводоведение. – М., 2004. – 424 с.

5. Мўминов О. A guide to consecutive translation. – Т.: Tafakkur bo'stoni, 2013. – 320 p.

6. Мусаев Қ. Таржима назарияси асослари. “Фан” нашриёти. Тошкент, 2005 йил. – 352 б.

7. Нелюбин Н.Н. Толковый переводоведческий словарь. – М.: Наука, 2003. – 320 С.

8. Раҳимов Ғ. Таржима назарияси ва амалиёти. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси давлат илмий нашриёти, 2016. – Б.176.

9. Сирожиддинов Ш. Одилова Г. Бадиий таржима асослари. – Т.: Мумтоз сўз, 2011. –164 б.

7-МАВЗУ. ТАРЖИМАДА ЭКВИВАЛЕНТЛИК ВА АДЕКВАТЛИК

Режа

1. Аслият ва таржима матнлари ўртасидаги мувозанат
2. Эквивалентлик ва унинг таржимадаги роли
3. Аслият ва таржима ўртасидаги мувофиқлик ва уларнинг турлари
4. Эквивалентликнинг юқори даражасини таъминловчи моделлар
5. Эквивалентлик даражалари

Таянч сўз ва иборалар: аслият матн, таржима матн, шакл, маъно, мазмун, эквивалентлик, аналог, модел, мувозанат, синтактик даража, семантик даража, прагматик даража.

Таржима жараёнида шакл ва мазмуннинг уйғунлигини сақлаб қолиш масаласи таржимондан ўзига хос билим ва малакани талаб этади.

Таржима жараёнида шакл ва мазмун уйғунлигига эришишда эквивалентлик асосий омиллардан ҳисобланади.

Аслият ва таржиманинг мазмунан тўла-тўқис мос келиши биринчи даражали зарурат эканлиги туфайли кўпчилик тадқиқотчилар эквивалентликни таржиманинг асосий белгиси ва шарти деб ҳисоблашади. Бундан келиб чиқадиган хулоса шуки, эквивалентлик таржимага берилган «бир тилдаги матнни ўзга тилда шу даражадаги матн билан алмаштириш» каби таърифга мос келади. Ушбу ҳолда «эквивалентлик» тушунчаси таржиманинг сифатлилик, юқори баҳога лойиқлик хусусиятини англатади. Демак, эквивалент таржима «яхши», «тўғри» таржима саналгани ҳолда, эквивалент бўлмаган таржимани

тўғри (адекват, тўлақонли) таржима деб бўлмайди. Шундай қилиб, эквивалент таржима аслият мазмунини ўзга тилга вазифавий-услубий жиҳатдан тўла-тўқис талқин этишдан иборат жараёндр. Бунинг маъноси шуки, тал белгилари йигиндисидан иборат матн мазмуни таржимада вазифавий қайта ярагилади.

Аслият ва таржима матнларининг эквивалентлик муносабатлари асосан куйидагича намоён бўлади:

I. Эквивалентликнинг биринчи турида таржималарнинг аслиятга уйғунлиги кўз илгамас даражада намоён бўлади. Мазкур таржима турида аслият ва таржима ўртасидаги муносабатлар асосан ушбу кўринишларга эга бўлади:

а) лексик таркиб ва синтактик қурилишдаги номувоф-иклик;

б) икки ҳолатда ҳам бир хил фикр баён этилаётганлигига қарамасдан, аслият ва таржимада ифода этилган ахборот ўртасида бевосита мазмуний ёки мантиқий боғланишнинг кўзга ташланмаслиги;

в) аслият ва таржима матнлари мазмунлари орасидаги умумийлик даражаси эквивалент сифатида тан олинган бошқа таржималарга нисбатан ниҳоятда паст.

Шундай қилиб, эквивалентликнинг ушбу турида аслиятдагига нисбан таржимада гўё мутлақо бошқа нарса ҳақида гапирилаётгандек туюлади. Ушбу таржима турига эквивалент сифатида тан олинган куйидаги жумла таржимасини мисол тариқасида келтириш мумкин:

She turned her nose in the air – Қиз йиғитга нафрат кўзи билан қараб қўйди.

Бу ерда аслият ва таржима матнлари орасида мазмуний умумийлик мавжудлиги туфайли эквивалентлик юзага келган.

Бундай таржималарни аслиятлари билан қиёслаш шуни кўрсатадики, улар одатда бирламчи матнлар таркибларидаги лексик ва грамматик birlikлар маъно ва шаклларида келиб чиқиб, «бевосита» амалга оширилмайди, балки матнлар таркибларида яширин ҳолда мавжуд бўлиб, бутун бошли ифодалар асосида ойдинлашадиган «ҳосила» мазмунлар асосида яратилади. «Ҳосила» мазмун кўпинча «назарда тутилган» ёки «кўчма» мазмун дейилади. Бундай ҳолларда «бевосита» мазмун четда қолади.

II. Эквивалентликнинг иккинчи турида таржиманинг аслиятга яқинлиги фойдаланилган тил воситалари маъноларининг бир хил эмаслиги билан изоҳланади. Бу гуруҳда аслият билан таржима матнларини ташкил этадиган кўпчилик сўз ва синтактик қурилмалар ўртасида бевосита яқинлик кўзга ташланмаса-да, икки тил матнлари эквивалентликнинг биринчи турига нисбатан мазмунан кўпроқ ўхшашдир. Масалан, «*Do you take me for a fool?*» - «*Мени ёш бола деб ўйлаяпсизми?*» ва «*He answered the telephone*» - «*У гўшакни кўтарди*» каби ифодаларда сўз ҳар хил ҳодисалар тасвири асосида ўхшаш тасаввур ҳосил бўлиши ҳақида кетади. Аслият ва таржима орасидаги умумийлик шундан иборат-ки, биринчи ҳолат сўзловчининг суҳбатдоши томонидан айтилган фикрга жавобан ҳаяжонли муносабатини билдиради. Иккинчи ҳолатда эса ўзгача лисоний воситалардан ташкил топган аслият ва таржима матнлари аслида бир хил ҳаракатни тасвир этади, чунки телефонда гўшакни кўтарибгина гаплашиш мумкин. Қисқаси, бир хил фикр ҳар хил сўзлар асосида ифода этилади.

Демак, ушбу эквивалентлик турида фикр турли тилларда турлича ифода этилса-да, бир хил вазият тасвири

яратилади. Бундай ҳол мулоқот иштирокчиларининг ғайрилисоний тажрибалари асосида юзага келади.

III. Эквивалентликнинг учинчи турида аслият ва таржима матнлари орасида қуйидаги хусусиятлар қўзга ташланади: икки тилнинг мазмунан ўзаро мос ифода воситалари лексик таркиб ва гоҳо синтактик қурилиш жиҳатларидан тўла уйғун бўлмайдилар. Бундай қисман номувофиқликнинг таржимада акс эттирилиши ҳарфхурликка олиб келмагани ҳолда, мазмуний-вазифавий уйғунликни юзага келтиради:

1. *People who have tried it tell me...* – *Айрим одамлар ўз тажрибаларидан келиб чиқиб таъкидлайдиларки...*

2. *That will not be good for you.* – *Бу сизга яхшилик олиб келмайди.*

Таржима амалиёти тахлили ушбу эквивалентлик турининг қатор кўринишларда намоён бўлишини кўрсатади. Улардан бири тафсилотли тасвирдир.

Тафсилотли тасвир. Муайян ҳаракат ёки ҳолат тасвири кенгроқ ёки торроқ тафсилотлар воситасида баён этилади. Натижада икки тил синонимик ифодалари тафсилий жиҳатдан бир-биридан фарқ қилади. Айрим белгилар бир тил баёнида тафсилоти билан очиқ-ойдин келтирилса, иккичи тилда шу белгилар ошкор ифода этилмасдан, назардагина тугилади, аммо унинг тафсилоти баён мазмуни асосида енгил ойдинлашади.

Тафсилотли инглизча жумлаларнинг узбек тилига фикр баён қилиш меъёри доирасида лўнда таржимасини ушбу мисоллар асосида кузатамиз:

1. *At six, they came and told him dinner was ready* – *Соат олтида тушлик дастурхонга тортилганини айттиди.*

2. *Christine Francis glanced at her wrist watch* – *Кристин Франсис соатига қаради.*

IV. Эквивалентликнинг тўртинчи турида аслият ва таржима ўртасидаги муносабат икки тил матнлари лексик таркибларининг янада кўпроқ ўхшашлиги билан изоҳланади, яъни аслиятдаги кўпчилик сўзларга таржима тилида мазмунан яқин сўзларни қидириб топиш, шунингдек, таржима тилида аслиятдаги ифода воситаси синтактик қурилишига мос синтактик қурилишли ифода воситасидан фойдаланиш зарурати пайдо бўлади:

1. *I told him what I thought of her – Мен унга қиз ҳақидаги фикримни айтдим.*

2. *He was never tired of old songs – Эски ашулалар ҳеч қачон унинг жонига тегмас эди.*

V. Ниҳоят, бешинчи турда аслият ва таржима матнлари орасидаги эквивалентлик юқори даражада намоён бўлади:

1. *I study at the University – Мен университетда ўқийман.*

2. *The house was sold for 10 thousand dollars – Уй 10 минг долларга сотилган эди.*

Ушбу эквивалентлик тури икки тил матнларининг бир хил қурилишга эгаллиги, лексик таркибларининг тўла ўхшашлиги, аслият тили асосий қисмларининг таржимада батамом сақланиши билан ажралиб туради.

Аслият ва таржима матнлари ўртасида шакл ва мазмун жиҳатидан мувофиқликни таъминлашда аслият ва таржима матнлари ўртасида ўзига хос хусусиятларни эътиборга олиш лозим:

№	Аслият ва таржиманинг ўзига хос хусусиятлари	Аслият ва таржиманинг хусусиятларининг мазмуни
1.	Аслият ва таржима матни ўртасидаги мувозанат турлари	Функционал (вазифавий) мувозанат Мазмуний мувозанат Структуравий мувозанат

2.	Мувофиқлик турлари	Эквивалент Аналог Адекват
3.	Эквивалентликнинг юкори даражасини таъминлашда таржима моделлари	Трансформацион модел Ситуатив модел Коммуникатив модел
4.	Эквивалентликнинг даражалари	Синтактик даража Семантик даража Прагматик даража
5.	Инглиз ва ўзбек тиллардаги сўзларнинг турли хил хусусиятлари	<ul style="list-style-type: none"> - сўз шакли, ўзаро боғланган сўзларнинг семантик тузилиши ва уларнинг нутқда ишлатилиши; - инглиз ва ўзбек тилларида ўзаро боғланган сўзлар турли хил ясама сўзларни ҳосил қилиши; - ўзбек тилидаги сўзнинг семантик тузилишида шу сўзнинг маъносини ифодаловчи инглиз тилидаги сўзда мавжуд бўлмаган аниқ шаклий маъно мавжуд бўлиши; - инглиз тилидаги сўзнинг лексик валентлик даражаси ўзбек тилидаги сўз билан бир хил бўлмаслиги; - инглиз тилидаги бир турдаги бир қанча синоним сўзларни ўзбек тилидаги битта сўз билан таржима қилиш; - инглиз ва ўзбек

		<p>тилларидаги сўзларнинг тузилишини қиёслаб ўрганиш бир неча содда, ясама ва қўшма сўз бир-бирига деярли тўғри келиши;</p> <p>- таржимада сўз танлашга таъсир қиладиган ёш, жинс ва билим омиллари;</p> <p>- ҳар бир маданиятда белгили (symbolic) ҳисобланадиган аниқ ҳаракат;</p> <p>- ҳаракат шакли қабул қилувчи тилидаги бошқа шакл билан боғланган бўлса, белгили ҳаракатни таржима қилиш қийинлиги</p>
--	--	--

Функционал мувозанат таржимоннинг аслият муаллифи билан муносабати доирасида юз бериши керак, яъни асар ғоявий, жанрий хусусиятларининг тўла сақланиши талаб қилинади. *Мазмуний мувозанат* деганда таржима аслият мазмунини тўлиқ акс эттириши, унга юқори даражада мазмунан мос бўлиши тушунилади.

Структуравий мувозанат (муқобиллик) таржимада аслиятнинг сюжети ва композицион қурилиши, мазмуннинг баён тартиби ҳеч бир ўзгаришсиз келтирилганда юзага келади. Таржимон асл матн парчаларини ўзича ўзгартирмаслиги ёки олиб ташламаслиги зарур. Аслият ва таржима матнининг бўлим ва қисмлари сони ҳамда мазмуни бир-бирига айнан мос келиши талаб қилинади. Агар таржимон аслиятнинг айрим ўринларига жузъий ўзгартириш киритишга қарор қилса ҳам, бу фақат ўша парча мазмунини тўлиқроқ очиб бериш мақсадида амалга оширилиши мумкин.

Таржимон ўз фаолиятида аслият ва ўз тили доирасида ҳамда тилдан ташқари бўлган зарурий (экстралингвистик ва прагматик) омиллар икки тилда узатилаётган ахборот мазмунининг мувозанат (муқобиллик) даражаси таржима назариясида таржима эквивалентлиги ва адекватлиги тушунчалари орқали белгиланади.

Таржимон аслиятдаги бирликлар ва нутқ бўлақларини ўғирар экан, таржимасида эквивалент вариантларни танлайди. Уларни аслият билан қиёслаб, танланган таржима варианты устида ишлаб, уни коммуникатив жиҳатдан мувозанат ҳолатига келтиради. Ушбу жараён таржимондан тегишли билим ва маҳоратни талаб қилади. Аслият ва таржима мазмуни орасидаги реал муносабатларни қарор топтириш таржимонга икки матн ўртасида умумийлик чизиғини тортишга, максимал даражада турли тилдаги матнларнинг маъновий яқинлигини таъминлашга имкон беради. Шу орқали таржима сифатига эришилади. Таржима матнининг аслиятга нисбатан яқинлигини таъминловчи таржима *эквивалент таржима* дейилади.

В.Н.Комиссаров *эквивалентликнинг беш типини* ишлаб чиққан бўлиб, унинг дастлабки уч типиде матн мазмунининг асосий унсурлари таржимада сақланади. Матн нутқ коммуникацияси бирлиги сифатида ҳамиша коммуникатив вазифадорлиги, ҳолатий (манзаравий) йўналтирилганлиги ва ҳолат баёнининг танланиши билан белгиланади. Ушбу белгилар матннинг энг кичик бирлиги бўлган иборада ҳам сақланади. Бошқача айтганда, ҳар бир ибора мазмунида қандайдир ҳолат баёни орқали коммуникатив мақсад юзага чиқади. Эквивалентликнинг биринчи типиде аслият мазмунининг кўрсатиб ўтилган биринчи қисми (коммуникатив мақсад), иккинчи типде биринчи қисмга қўшимча равишда келган иккинчи қисм –

ҳолат баёни, учинчи типда учала қисм (коммуникатив мақсад + ҳолат баёни + баён усули) сақланади. Тўртинчи ва бешинчи типларда эквивалентлик олдинги уч тип белгиларига қўшимча равишда, маъно ва мазмунда фақат коммуникатив мақсад, ҳолатга эътибор ва уни баён қилиш усули билан чекланиб қолмасдан, аслият ва таржимада синтактик ва лексик бирликларни моҳиятан максимал даражада яқинлаштиришда намоён бўлади. В.Н.Комиссаров уларнинг таржима жараёнидаги афзалликлари устида ҳам тўхталади:

Эквивалентликнинг юқори даражасини таъминлашда таржима моделларидан қай бири кўпроқ имкониятга эгаллигини аниқлаш мақсадга мувофиқдир.

Трансформацион моделда аслият ва таржимадаги синтактик структуралар ҳамда лексик бирликларнинг маънолари орасида трансформацион муносабатлар мавжуд эмас.

Ситуатив моделда икки матн эквивалентлиги даражаси фақат баён этилаётган ҳолатнинг умумийлиги асосида белгиланади. Инглизча “*Answer the telephone*” ўзбекча “*Гўшакни кўтар*”га муқобил тушунча эканлиги таржимоннинг “*To answer (жавоб бермоқ)*” билан “*гўшакни кўтар*” ўртасида ўзак маънода эквивалентлик бор деб ҳисоблашида эмас, балки реал воқеликда, телефон кўнғироғига жавоб бериш пайти, албатта, телефон гўшагини кўтариш кераклиги ҳақидаги умумий тасаввур мавжудлиги туфайли ҳеч кимда эътироз уйғотмайди. Демак, турли тилларда бир-биридан узоқ маъноларни англатувчи икки ибора муайян ҳолатда бир маънони англатиши сабабли ситуацион модел трансформацион моделга нисбатан эквивалентлик ёки адекватликни таъминлашда устун томонларга эга бўлади.

Таржиманинг *коммуникатив моделида* эквивалентлик масаласи А.Д.Швейцернинг тадқиқотида ўзига хос тарзда тушунтириб берилган. Эквивалентлик турларини баён қилишда семиотика, яъни белгилар системасини ўрганадиган фан натижалари асос қилиб олинади. Мулоқот ана шу белгилар орқали амалга оширилади. “Баҳорниинг ўн етти лаҳзаси” фильмида ҳаммамизга таниш бўлган бир эпизодда тувакдаги гул хавфсизлик белгиси сифатида намоёиш этилади. Тил ҳам белгилар системасига киради. Унда белгилар сўзлар ва грамматик конструкциялар шаклида намоён бўлади. Тил белгилари ўз тузилишига кўра икки қисмдан – экспонентлар, яъни жисмоний, физик кўрсаткичлар (тувакдаги гул, ишора, товуш ёки чизгилар) ва денотатлар, яъни қайд белгиларидан (инглизча *denote* – қайд қилмоқ, белгиламоқ феълидан ясалган) ташкил топади. Белги ва уни қайд этувчи денотат ўртасидаги муносабатлар *семантика*, белгиларнинг ўзаро муносабатлари *синтактика*, белгилар ва таълим олувчи ўртасидаги муносабатлар эса *прагматика* дейилади.

Эквивалентлик даражалари куйидан юқорига қараб жойлашади. Ҳар бир даража ўзининг таржима табдилларига (трансформацияларига) эга.

Эквивалентликнинг куйи даражаси синтактик даражадаги муқобилликдир. Бунда таржимада иборанинг синтактик қурилиши сақланган ҳолда баъзи лексик белгилар алмаштирилади. Масалан:

The sun disappeared behind the cloud.

Кўёш яширинди булут ортига.

Эквивалентликнинг семантик даражаси. Баъзи ҳолларда иборанинг синтактик шаклини ўзгартиришида семантик тузилишга эътибор қаратишга тўғри келади. Муқобилликни таъминлаш йўлидаги бу ҳаракат семантик

даражадаги эквивалентликни излаш дейилади. Семантик даража икки қисмдан иборат. Бири – компонент даража, иккинчиси – референциал даража. *Компонент даражада* иборанинг семантик тузилиши ўзгармасдан қолади, фақат грамматик тузилишга путур етади.

Хотинингиз ажойиб пазанда.

Your wife is super cook.

Ушбу мисолда грамматик ўзгаришлар феълнинг (ажойиб тайёрлайди) отга (ажойиб пазанда) айланишида кўринади. Кўриниб турибдики, семантик компонентлар (маъно кўчимлари) сақланган.

Референциал даражада семантик тузилишда сезиларли ўзгаришлар рўй бериши сабабли ғайрилисоний воқеликдаги бир лавҳа турли тилларда турлича баён этилиши мумкин. Масалан, инглизча “wet paint” ибораси янги бўялган жойни англатади. Ўзбек тилида янги бўялган жой эканлигидан оғохлантирувчи “Эҳтиёт бўлинг, бўялган!” ибораси мавжуд.

Муқобилликнинг юқори даражаси прагматик даражадир. Агар икки қуйи даражада денотативлик, яъни белгилар устувор бўлган бўлса, энди муқобиллик учун асос сифатида коммуникатив жараённинг икки муҳим қисми – коммуникатив ёндашув ва коммуникатив эффект муқоясаси олинади. Прагматика белги ва ўқувчи ўртасидаги муносабатларни ифодалагани учун муқобилликнинг ушбу даражаси *прагматик эквивалентлик* номи билан аталади.

Таржима назариясида *қиёсий таҳлил* сўз ва гапларнинг қиёсий таҳлил натижаси сифатида қабул қилинган факт (далил)ларга асосланган. Инглиз тилидаги сўзлар билан бошқа тилдаги сўзларнинг турли хил хусусиятларини қиёслаб ўрганиш инглиз ва бошқа

тиллердаги сўзларнинг турли хил хусусиятлари мавжуд эканлигини кўрсатади:

- сўз шакли, ўзаро боғланган сўзларнинг семантик тузилиши ва уларнинг нутқда ишлатилиши;

- инглиз ва ўзбек тилларида ўзаро боғланган сўзлар турли хил ясама сўзларни ҳосил қилиши;

- ўзбек тилидаги сўзнинг семантик тузилишида шу сўзнинг маъносини ифодаловчи инглиз тилидаги сўзда мавжуд бўлмаган аниқ шаклий маъно мавжуд бўлиши;

- инглиз тилидаги сўзнинг лексик валентлик даражаси ўзбек тилидаги сўз билан бир хил бўлмаслиги;

- инглиз тилидаги бир турдаги бир қанча синоним сўзларни ўзбек тилидаги битта сўз билан таржима қилиш;

- инглиз ва ўзбек тилларидаги сўзларнинг тузилишини қиёслаб ўрганиш бир неча содда, ясама ва қўшма сўз бир-бирига деярли тўғри келиши;

- таржимада сўз танлашга таъсир қиладиган ёш, жинс ва билим омиллари;

- ҳар бир маданиятда белгили (symbolic) ҳисобланадиган аниқ ҳаракат;

- ҳаракат шакли қабул қилувчи тилидаги бошқа шакл билан боғланган бўлса, белгили ҳаракатни таржима қилиш қийинлиги.

Мавзу юзасидан саволлар:

1. Таржимада шакл ва мазмун уйғунлиги деганда нимани тушунаси?

2. Эквивалентликнинг асосий моҳияти нимадан иборат?

3. Эквивалентликнинг юқори даражасини таъминловчи таржима моделларига нималар киради?

4. Шакл ва мазмун жиҳатдан эквивалентликнинг олий даражаси нима деб аталади?

5. Аслият ва таржима матнининг функционал жиҳатдан мувозанатига қандай эришилади?
6. Эквивалентликнинг асосий турлари қандай?
7. Эквивалентликнинг олий даражаси қандай?
8. Функционал эквивалентлик деганда нимани тушунаси?

Адабиётлар:

1. Rojo, A. Step by Step: A Course in Contrastive Linguistics and Translation. Peter Lang. 2009. – 418 p.
2. Susan Bassnet. Translation studies. 3rd edition. – London and New York. Taylor & Francis e-Library, 2005. – 176 p.
3. Фафуров И., Мўминов О., Қамбаров Н. Таржима назарияси. Дарслик. – Тошкент, 2012. –216 б.
4. Комиссаров В.Н. Современное переводоведение. – М., 2004. – 424 с.
5. Мўминов О. A guide to consecutive translation. – Т.: Tafakkur bo'stoni, 2013. – 320 p.
6. Мусаев Қ. Таржима назарияси асослари. “Фан” нашриёти. Тошкент, 2005 йил. – 352 б.
7. Нелюбин Н.Н. Толковый переводоведческий словарь. – М.: Наука, 2003. – 320 С.
8. Раҳимов Ғ. Таржима назарияси ва амалиёти. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси давлат илмий нашриёти, 2016. – Б.176.
9. Сирожиддинов Ш. Одилова Г. Бадий таржима асослари. – Т.: Мумтоз сўз, 2011. –164 б.

8-МАВЗУ. “ТАРЖИМОННИ ЧАЛҒИТУВЧИ” ЛЕКСИК БИРЛИКЛАР ТАРЖИМАСИ

Режа

1. Таржима ва унинг қийинчиликлари
2. “Таржимонни чалғитувчи лексик бирликлар”нинг моҳияти
3. Кўп маъноси сўзлар таржимасидаги қийинчиликлар
4. Халқаро терминлар таржимасида қийинчиликлар

Таянч сўз ва иборалар: таржимон, сўз, термин, омоним, пароним, омограф, кўп маъноли сўзлар. таржимоннинг “сохта дўстлари”.

Таржимоннинг сохта дўстлари атамаси 1928-йилда Француз таржимашунослари Косселер ва Дероқуинги томонидан олиб кирилган. Бу атама аслият матнида ҳам таржима матнида ҳам маъно ва шакл жиҳатдан бир хил бўлиб, бироқ таржима матнида бошқача маънога эга сўзлар тушунилади. Бироқ бу терминнинг ўзбекча талқини борасида таржимашунос олимлар баъзи мунозараларни ҳам олиб боришди. Бу борада Н.Қамбаровнинг ёндашуви алоҳида аҳамиятга молик бўлиб, олимнинг фикрича бундай лексик бирликлар “таржимонни чалғитувчи сўзлар” сифатида талқин қилиниши мақсадга мувофиқ. Биз ҳам Н.Қамбаровнинг фикрини қўллаб қувватлаган ҳолда бундай сўзларга нисбатан “таржимонни чалғитувчи лексик бирликлар” иборасини ушбу асаримизда қўллашни лозим топдик. Аслида ҳам бундай лексик бирликлар таржима матнига олиб ўтилаётганда таржимонга айнан муқобили топилгандек туюлади ва шу тариқа таржима матнидаги лексик бирликни танлаш жараёнида таржимонни чалғитади.

Таржимонни чалғитувчи лексик бирликлар аслият матнидаги сўз шакиллари аслият матнидан кўчириш орқали пайдо бўлади. П.Ньюмарк уларнинг маънолари турлича бўлгани учун “адаштирувчи” дея атайди ва улар таржима матн маъносини осонликча ўзгартириб юбориши мумкин. Адаштирувчи сўзлар асосан халқаро сўзлар ёки адабий қатламга оид сўзлар бўлиши мумкин. Улар аслият матнидан олинган сўзлар бўлсада таржима матнида мано бўёқларини бой қилиб кўрсатади. Масалан, *interview* – бирор киши ҳақида маълумот олиш учун расмий жараёнда сўраладиган бир нечта саволлар жамланмаси. Интервью журналистнинг ОАВда бирор шахс тўғрисида малумот олиш учун сўраладиган бир қатор саволлар ҳисобланади. Бу сўз аслият тилида бир маънога эга бўлади. Бироқ таржима тилида бирдан ортиқ маънога эга бўлиши мумкин. Аспирант - бирор мақсадга етишиш учун кучли ҳаракат қилувчи киши. Аспирант –битирувчи талаба. Баъзан шакл жиҳатидаги ўхшашлик тасодифий бўлиши ҳам мумкин. Герб-тиббиётда фойдаланиладиган хушбўй ҳид таратувчи ўсимлик. Герб –рамз вазифасини ифодаловчи бир белги. Баъзи “сохта дўстлар”га изохни, таржимоннинг сохта дўстларнинг махсус луғатида ёки Кембриж халқаро инглиз тили луғати каби манбалардан топилиши мумкин. Таржимоннинг сохта дўстлар халқаро тиллардаги синонимлик, паронимлик ва омонимлик деб ҳам аталиши мумкин. Халқаро тиллардаги синонимлар бирдан ортиқ маънога эга бўлган сўзлардир. Шунга қарамасдан ўхшаш маънога кўшимча тарзда уларда махсус маъно ҳам мавжуд. Масалан *concert*-концерт. Иккала сўз ҳам мусиқий чиқиш маъносини англатади бироқ инглизча сўзда иккинчи маъно ҳам мавжуд бўлиб мақсадли келишув деган маънони англатади. Русча ёки ўзбекча кўриниши эса ҳар қандай чиқишнинг мусиқавий кўриниши (драммадан

парча ваҳоказолар маъносига эга) шундай қилиб улар биринчи маъноси билан баъзан иккинчи маъноси билан ҳам ўхшаш бўлиши мумкин. Халқаро тиллардаги ҳеч қандай маънода ўхшашлик бўлмайди. Ассорд - аккорд инглизча сўз, танқидий фикрлар тўпланмаси, ўрнашиш, келишиш деган маъноларни англатади.

Халқаро тиллардаги паронимлик ҳодисасида сўзлар ўртасида ўхшашлик мавжуд бўлиб айнан бир хил товушлар иштирок этмайди ва турлича маънога эга бўлади. Масалан инглиз тилида analyse ва analyze сўзлар пароним сўзлар ҳисобланиб, уларнинг талаффуз қилиниши бир-бирига ўхшаш. Бироқ ўзбекча таржимаси бири от маъносида “тахлил”, иккинчиси феъл маъносида “тахлил қилмоқ” маъносида қўлланади.

Аслият ва таржима матни қиёсланганда таржимоннинг сохта дўстлари семантик, синтактик, стилистик ва прагматик жиҳатдан фарқланади. Семантик фарқланиш қуйидаги қарама-қаршилиқда намоён бўлади:

а) умумий ва ўзига хос маъно: actual (аслида мавжуд)-actual (долзарб), motorist (кондиционер машинист), motorist (автомобил соҳаси бўйича мутахассис одам);

б) моносемантик- бир маъноли ва полисемантик- кўп маъноли: галлант – 1. ўзини кўрсатадиган, олифта кўринувчи, кавалер 2. мўжизавий 3. жасур галлант аскарлари, 4. аёлларга суяги бўш, ҳушомадгўй йигит;

в) ҳар хил сўз қўшилиши (ижобий ва салбий): aggressive-агрессив (ғалаба қозонишга ёки муваффақиятга эришишга бел боғлаган).

Таркибий хилма - хиллик қуйидагиларга асос бўлади:

а) ҳар хил сўз бирикмалар: comfortable - қулай (чарчоқ чиқарувчи маъносини англатади). Инглиз тилида эса қулай даромад (income) маъносида ҳам қўлланиши ҳам мумкин.

Кўпинча турли хил тилларда товуш ва имлода ўхшаш, аммо ҳар хил маънога эга бўлган сўзлар мавжуд. Масалан, инглиз тилидаги “aborigen” - Австралияда туғилган, рус тилида - абориген, маҳаллий. Бир қарашда, бундай сўзлар таниш ва тушунарли бўлиб туюлади, лекин аслида улар таниб бўлмайдиган қилиб матнни ўзгартириши ва таржимда қусурликни келтириб чиқариши мумкин.

Қуйидагиларда инглиз тилидан ўзбек ёки бошқа тилларга таржимоннинг энг яхши дўсти ҳавола этилади:

Artist сўзи ўзбек тилида «артист» эмас, балки “рассом”дир. «Артист» сўзи инглиз тилида «actor» сўзига тўғри келади.

Accurate сўзини рус тилига “аккуратный», яъни “тоза”, “саранжон” деб таржима қилиб бўлмайди. Бу сўзнинг маъноси умуман бошқача ва у “аниқ” сўзига тўғри келади. «Тоза» сўзи инглиз тилида «tidy» сўзи орқали берилади.

Biscuit – эса «бисквит» эмас, балки пишириқнинг бир тури. “Бисквит” сўзи эса инглиз тилида «sponge cake» бўлади.

Brilliant олмос ёки гавхар эмас, балки ёрқин ёки ажойиб маъноларини беради. Мисол учун, «a brilliant idea» (ажойиб фикр). Сиз олмос ва гавхарлар ёқтиришингизни айтмоқчи бўлсангиз, инглиз тилида «diamond» сўзини қўллашингиз тўғри бўлади.

Furniture сўзи билан «фурнитура» сўзининг маънолари умуман бошқа-бошқа. **Furniture** - бу «мебель». Агар инглиз тилида «фурнитура» сўзини қўлламоқчи бўлсангиз, сизга «fittings» ва «accessories» сўзлари аск қотади.

Gymnasium – бу спорт зали. Асло «гимназия» ёки унга маънодош сўزلардан бири эмас. Хозирги кунда кўп

холларда бу сўз қисқартирилиб «gym» деб ишлатилинмоқда. «Гимназия» сўзи учун эса энг маъқул вариантлар – бу «high school», «grammar school».

Intelligent сўзини тезда интеллигент деб таржима қилишни хоҳлайсизми? Бу сўз умуман инсоннинг феъл-атвори, хатти-харакатини билдирмайди. Бу сўзни тафаккур ва илм даражасини кўрсатиб, зиёли ва ақлли инсон тўғрисида гапирилади.

Кўп холатларда “list” сўзини рус тилига «лист», яъни варақ ёки барг деб таржима қилиб хотога йўл кўядилар. Аслида уни «рўйҳат» маъносида таржима қилиш мақсадга мувофиқ. Агар варақ демоқчи бўлсангиз, «paper» сўздан фойдаланинг. Айтмоқчи, “paper” сўзи “хужжат” ва бир неча бошқа маъноларни ҳам беради. Агарда дарахт барги ҳақида гапирмоқчи бўлсангиз, «leaf» сўздан фойдаланинг.

Magazine эса рус тилида «магазин» (дўкон) эмас, балки «журнал». Магазин (дўкон) сўзи инглиз тилида «shop» сўзига монанд.

Repetition – «репетиция» эмас, балки «такрор». Инглиз тилида «репетиция» маъносини берувчи сўз - «rehearsal» сўзи маввжуд.

Silicon сўзи кимёвий модда «кремний» деб таржима қилинади, асло «силикон» деб эмас. Бу сўз инглиз тилида «silicone» сўзидир.

Tip сўзи билан «тип» сўзининг маънолари умуман бошқа. Аслида, инглиз тилига «уч», «охир» ва хаттоки «чайчақа» деб ҳам таржима қилинади. Кўриб турганингиздек, умуман «тип» сўзига таълуқли маъно йук. Тип сўзи инглиз тилида “type”.

Мавзу юзасидан саволлар:

1. Таржимоннинг “чалғитувчи лексик бирликлар”нинг моҳияти нимадан иборат?

2. Кўп маъноли сўзлар таржимасидаги кийинчиликлар нималардан иборат?
3. Паронимлар таржимасининг асосий хусусиятлари нималар?
4. Ҳалқаро сўзлар таржимасида қандай муаммолар учраши мумкин?
5. Кўп маъноли сўзлар деганда нимани тушунаси?
6. Омоним сўзлар деганда нимани тушунаси?
7. “Таржимоннинг чалғитувчи лексик бирликлар”га мисол келтиринг

Адабиётлар:

1. Rojo, A. Step by Step: A Course in Contrastive Linguistics and Translation. Peter Lang. 2009. – 418 p.
2. Susan Bassnet. Translation studies. 3rd edition. – London and New York. Taylor & Francis e-Library, 2005. – 176 p.
3. Гафуров И., Мўминов О., Қамбаров Н. Таржима назарияси. Дарслик. – Тошкент, 2012. –216 б.
4. Комиссаров В.Н. Современное переводоведение. – М., 2004. – 424 с.
5. Мўминов О. A guide to consecutive translation. – Т.: Tafakkur bo’stoni, 2013. – 320 p.
6. Мусаев Қ. Таржима назарияси асослари. “Фан” нашриёти. Тошкент, 2005 йил. – 352 б.
7. Нелюбин Н.Н. Толковый переводоведческий словарь. – М.: Наука, 2003. – 320 С.
8. Раҳимов Ғ. Таржима назарияси ва амалиёти. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси давлат илмий нашриёти, 2016. – Б.176.
9. Сирожиддинов Ш. Одилова Г. Бадиий таржима асослари. – Т.: Мумтоз сўз, 2011. –164 б.

9-МАВЗУ: ТАРЖИМОННИНГ ЭТИКАСИ

Режа

1. Таржимон этикаси
2. Таржимонга кўйиладиган талаблар
3. Таржима агентликлари, бўлимлари ва бюролари
4. Таржима жараёнидаги ахлоқий қоидалар

Таянч сўз ва иборалар: таржима, таржимон, этика, одоб, агентлик, қоида, ахлоқ, талаблар.

Таржимон этикаси масаласи ҳозирча тўлиқ ўрганилмаган. Бўлажак таржимонларнинг фаолиятининг муваффақияти ва сифати уларнинг малакали таржимасига ва ахлоқий меъёр ва қоидаларга тўлиқ риоя қилишларига ҳам бевосита боғлиқдир. Шунинг учун таржимон этикаси масаласи таржиманининг барча турлари ва йўналишларини ўрганаётган талабалар учун долзарбдир.

Ҳар бир таржимон қуйидаги ахлоқий меъёрларга дуч келади.

- таржимон ўзи таржима қилаётган муҳокамада қатнашиши мумкинми;
- таржимон таржима қилаётган нарсанинг мазмуни учун жавобгарми;
- таржимон яна сўраши мумкинми;
- таржимон таржиманинг мазмунига ўз муносабатини намойиш эта оладими;
- таржимон иштирокчиларининг имо-ишораларини “таржима қилиши” керакми;
- таржимон нотикнинг гапнини, нутқини бўлиши мумкинми;
- таржимон ибораларни таржима қилиши керакми ва бошқалар.

А.Хаматованинг фикрича, одоб-ахлоқ қоидалари қуйидаги саволларни ўз ичига олади:

- таржимон қайси шахс номидан таржима қилиши керак;

- таржимон делегация аъзоларидан кимга ҳамроҳлик қилиши керак;

- иш юзасидан ўтказиладиган учрашувдан олдин таржимон иш жойида қанча вақт давомида бўлиши керак.

Таржимон турли хил иш шароитларни ижобий амалга ошириш учун унда этика бўйича етарлича билим бўлиши талаб этилади. Таржимон қуйидаги этика қоидаларига риоя этиши шарт:

1-қоида (таржимон ахлоқининг асосий қоидаси) номаълум, тушунарсиз маълумотни ошкор қилмасликдир;

2-қоида - одамлар билан ишончли муносабатларни ўрнатиш;

3-қоида - ҳаттоки ўта оғир шароитларда ҳам вазминлик ва мулоқотликни сақлаб қолиш, ҳар доим тўғри, хушмуомала, тоза ва тўғри кийиниш, ва аниқликка амал қилиш;

4- қоида – имкон қадар аслият матнига содиқ бўлиш (айтилган фикрлардан четга чиқманг), шарҳлаш ва фикрни ифода этишдан сақланиш, маълумотларнинг бир қисмини кераксиз деб қолдирмаслик;

5 - қоида – агар керак бўлса, мулоқотнинг самарадорлигини ошириш ва янада тўлиқ тушунишга эришиш учун таржимонга таниш бўлган ва тингловчига нотаниш бўлган миллийлиги, менталитети, урф-одатлари ва маданиятининг хусусиятларини тушунтиринг;

6-қоида - доимий равишда малака, касбий маҳоратни ошириш, иложи борида битта йўналишга ихтисослашган (хуқуқ, молия, экология, ахборотлаштириш ва ҳ.к) турли

билим соҳаларида билимларни кенгайтириш ва чуқурлаштириш;

7-қоида - билим ва тажрибани ёш ва янги таржимонлар билан ўртоқлашиш;

8 - корпоратив бирдамлик ва касбий этика қоидаларига риоя қилиш, касбнинг обрўсини ошириш ва ўз меҳнатининг камситилишига йўқ қўймаслик;

Ушбу қоидалар ўз мазмунида таржимоннинг уни белгилайдиган хулқ-атвор меъёрларини аниқ акс эттиради ва улар қуйидагилардан иборат:

- махфийликни сақлаш;
- яхши ният ва ҳамкорликка асосланган муносабатлар куриш тамойилига амал қилиш;
- ўта оғир шароитларда чидамлилиқ ва мулойимликка риоя қилиш;
- ҳар доим тўғри, хушмуомала, пок ва тўғри кийиниш;
- таржимада бетарафлик тамойилига амал қилиш;
- турли халқларнинг маданияти, менталитети ҳақида билимга эга бўлиш;
- одамларга фидокорона ёрдам бериш;
- ўзини устида ишлаш;
- билимларни ўзгалар билан ўртоқлашиш;
- бирдамликка амал қилиш.

Таржимон турли хил услубдаги матнларни таржима қилиш жараёнида ҳар хил матнларга дуч келади. Бу жараёнда таржимон тилнинг адабий меъёридан фойдаланган ҳолда, ўз мулоҳазаларининг асосий мазмунини таржима қилиши керак бўлади. Қуйида шу борадаги баъзи таржима қоидаларини хавола этамиз:

1. Таржимон суҳбатдош ёки миждознинг рақиби эмас, балки битта тилда яратилган оғзаки ёки ёзма матнни бошқа тилда ёзилган матнга ўзгартирадиган ижодкордир;

2. Таржимон учун матн дахлсиздир. Таржимон ўз хоҳишига биноан таржима пайтида матннинг мазмуни ва таркибини ўзгартиришга, мослаштириш, танлаш, қўшиб қўйиш, қисқартириш ёки кенгайтиришга ҳақли эмас;

3. Таржимон ўзига маълум бўлган профессионал ҳаракатлардан фойдаланиб, асл нусханинг функционал доминантларига эътибор қаратиб, иложи борича бошланғич матннинг инвариантини етказишга ҳаракат қилади;

4. Таржима жараёнида таржимон мижознинг шахсий эркинлигини ҳурмат қилиб, унинг кадр-қимматига зарар етказмасдан, оғзаки сўзлашув одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилиши шарт;

5. Баъзи ҳолларда, кетма-кет ёки бир вақтнинг ўзида синхрон таржима қилиш шароитида таржимон шунингдек, дипломатик ваколатларга эга бўлган шахсдир (масалан, халқаро алоқалар шароитида йирик сиёсатчиларнинг баёнотларини таржима қилишда). Агар ушбу дипломатик ваколатлар таржимон томонидан тан олинган бўлса, у дастлабки матннинг тўғрилигига қарши гувоҳлик қилиш ҳуқуқига эга;

6. Бошқа ҳолларда таржимон томонларнинг муносабатларига аралашинишга, шунингдек таржима қилинган матннинг мазмунига нисбатан ўз позициясини аниқлашга ҳақли эмас;

7. Таржимон ўзининг соғлиғига ғамхўрлик қилиши керак, чунки таржиманинг сифати унинг жисмоний ҳолатига боғлиқ;

8. Таржимон маърузачининг нутқидаги айрим камчиликларга ҳиссий муносабатда бўлишга ҳақли эмас ва уларни такрорламаслиги керак; у тил ва адабий меъёрнинг оғзаки кўринишларини талқин қилишга эътибор қаратади;

9. Таржимон ўзининг ваколоти йўқлиги тўғрисида дарҳол огоҳлантириши, унинг орқасида аниқланган хатоларни тузатиши ва уларни яширмаслиги керак. Бу юқори сифатли таржима ва атрофдагилар ишончининг кафолатидир;

11. Агар керак бўлса, таржимон таржима қилинган матн мазмунига нисбатан махфийликни сақлаши ва ортиқча маълумотларни ошкор қилмаслиги талаб қилинади.

Таржимон томонидан таржима жараёнида шахснинг шахсий фикрини билдириш, аслият матнини камайтириш ёки эътиборсиз қолдириш, таржимоннинг суҳбатга доимий аралashi таржима этикасининг бузилиши ҳисобланади.

Таржимоннинг вазият билан боғлиқ хатти-ҳаракатлари учун қоидалар мавжуд, бўлиб, улар қуйидагиларни ташкил этади:

- таржимон вазиятга тўлиқ мослашиши (масалан, расмий зиёфат пайтида таржима қилишга тўғри келса, у овқат истеъмол қилмаслиги ёки ичмаслиги керак, сахна ортида гаплашганда таржимон суҳбатда тенг суҳбатдош сифатида қатнаша олмайди);

- таржимон томонидан қабул қилинган кийимда одоб ва аниқлик қоидаларига риоя қилиниши;

- таржима қилинаётган матн юзасидан ўз фикрларини билдирмаслик;

- ўз-ўзини ҳурмат қилиш;

- таржимон ишни сифатли бажаролмаса (катта ҳажмдаги иш ҳажмини чеклаш учун) катта ҳажмдаги ишларга рози бўлмаслик;

- ўз қадр-қимматини камситишга йўл қўймаслик.

Таржимонга қуйидагилар тақиқланади:

- муаллифнинг таржима қилинган ижодий маъсулотига ҳаммуаллиф сифатида муносабатда бўлиш;

- терминларни ифодалашда синонимларни ўзбошимчалик билан киритиш;
- тушунарсиз матн қисмларини ташлаб юбориш;
- нотўғри тушунилган ва таржима қилинган жойни мутахассис билан маслаҳатлашмасдан, мижозни огоҳлантирмасдан тушириб қолдириш.

Шунинг учун таржимонлар ахлоқий масалаларга ва маънавий хусусиятга эга таржима дилеммаларига жиддий эътибор беришлари керак.

Таржимон этикаси ҳақида таржима уюшмалари

Мамлакатимизда бир нечта таржима ҳамжамятлари (уюшмалар, кенгашлар) мавжуд. Улар фаолиятининг асосий мақсади таржимонларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, таржимон иши ва таржима бозори билан боғлиқ масалаларда малакали ёрдам кўрсатиш, шунингдек, Ўзбекистонда ва чет элларда таржима ишларини ривожлантириш.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 апрелдаги ПФ-5400-сонли “Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари ва ташқи сиёсат ва ташқи иқтисодий фаолиятнинг устувор йўналишларини амалга оширишда унинг жавобгарлигини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ҳузурида Таржима бюроси ташкил этилди ва унинг қуйидаги вазифалари белгилаб берилди:

- Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазири, хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотларнинг раҳбарлари ва юқори мартабали мансабдор шахслар иштирокидаги расмий тадбирларнинг синхрон ва изчил таржима қилинишини таъминлаш;

- расмий тадбирлар доирасида тайёрланган материалларнинг таржимаси, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси томонидан тузилган халқаро шартномалар лойиҳаларининг давлат ва чет тилларида ҳақиқийлигини аниқлашга кўмаклашиш;

- жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ва бошқа ихтисослашган олий ўқув юртлари битирувчилари орасидан юқори малакали таржимонлар тайёрлаш;

- Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ходимлари учун, шунингдек, давлат органлари халқаро ҳамкорлиги масалалар бўйича контракт асосида ходимлар учун хорижий тилларни ривожлантиришни таъминлаш;

- давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотларга шартнома асосида таржима ва таржима хизматларини тақдим этиш.

2019 йил 26 феврал куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида бўлиб ўтган матбуот анжуманида «Таржима ва тарғибот маркази» жамоатчилик ташкилоти маъқулланди. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасида таржимонлик фаолиятига тегишли фармонлар ва қонунлар мавжуд бўлиб, улар таржимонларнинг касбий фаолиятидаги касбий ва маънавий мажбуриятларини ўз ичига олади:

1. Таржимон, Ўзбекистон Республикасининг қонун ва қарорларида белгиланган миллий ва халқаро ҳуқуқнинг барча принциплари ва нормаларига риоя қилинишини ва унга риоя қилишни талаб қилиши шарт;

2. Таржимон ноҳалол рақобатдан қочиб, касбий бирдамлик тамойилларига риоя қилиши, шунингдек,

ҳокимият ва иш берувчилар томонидан келишилган шартлардан паст бўлган шартларга рози бўлмаслиги шарт;

3. Таржимон ўзининг касбий ва инсоний кадр-қимматини камситадиган, таржиманинг юқори сифатини кафолатлашга имкон бермайдиган ва таржима уюшмасининг анъаналари, стандартлари ва манфаатларига жавоб бермайдиган шартларга рози бўлмаслиги керак;

4. Таржимага у ва мижоз ўртасида тузилган шартнома (контракт) шартларидан қатъи назар таржимон ва фақат таржимон масъулдир;

5. Таржимон ўзига маълум бўлган маълумотларнинг махфийлигини кафолатлаши шарт;

6. Таржимон асл матнларнинг қонуний (муаллифлик) ҳуқуқларига риоя қилиши шарт.

7. Таржимон гуруҳларида, хусусан бир вақтнинг ўзида таржима қилишда, вақтинча ижодий жамоалар таркибида ишлаётганида таржимон меҳнатнинг умумий касбий қоидаларига риоя қилиши, шунингдек унинг иши учун ҳақ тўлаш борасида тенг шартларни талаб қилиши шарт.

8. Таржимон мижозлардан ва бошқалардан унинг қонуний муаллифлик ҳуқуқларига риоя қилишни талаб қилиши шарт.

Бизнингча, қонунларга нафақат профессионал, балки таржимоннинг ахлоқий ва касбий мажбуриятларини киритиш ҳам бежиз эмас. Таржимани амалга оширишда таржимоннинг ахлоқий мажбуриятларига риоя қилиш, таржима жараёнининг барча иштирокчилари ўртасида мулоийм ва тўғри муносабатни таъминлайди, зиддиятли вазиятларнинг олдини олади.

Таржима этикаси бўйича таржима бюрolari (агентликлари, бўлимлар)

Таржима бюрolari (агентликлари) таржимон этикасига катта эътибор беришади. Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг таржима бюросида таржимон этикасининг қуйидаги кучли қоидаларига риоя қилиши белгилаб қўйилган. Шундай қилиб таржимон:

- таржимада матнни хоҳишига кўра ўзгартиришга ҳақли эмас;

- иложи борича бошланғич матннинг инвариантини етказишга ҳаракат қилиши керак;

- ўтказилиш пайтида томонларнинг муносабатларига аралashiшга ҳақли эмас;

- таржима қилинган матннинг мазмуни тўғрисида шахсий фикр билдиришга ҳақли эмас;

- таржима қилинган материал мазмунига нисбатан махфийликни сақлаши шарт ва уни заруратсиз ошқор қилмаслиги шарт;

- ўзига маълум бўлган усуллар билан аслият тил, таржима тили, таржима техникаси ва матн мавзуси бўйича юқори даражадаги ваколатни таъминлаши шарт;

- таржима маҳоратининг юқори даражасини таъминлаш учун барча зарур шарт-шароитларни, шу қаторда тегишли иш шароитларини (таржима қилиш учун, радио эшиттириш ускунасининг ишончлилиги, агар зарур бўлса, овоз эшиттиргичнинг нутқ тезлигини пасайтиришни) талаб қилишга ҳақли;

- таржима сифати учун фақат таржимон масъулдир;

Ўзбекистондаги деярли барча таржима агентликлари ва бюрolari таржимоннинг ўзини тута билиш, одобли инсон бўлиш, ахлоқий меъёрларга амал қилиш қобилиятига эътибор беришади.

Агентликлар ахлоқий меъёрлар таржима маданиятига таъсир қилади деган позицияга риоя қилишади, хусусан, таржимонларга қуйидагиларга риоя қилиш тавсия этилади:

- матн таркибини акс эттириш қоидалари (таржимон, агар буюртмачида бошқача кўрсатилмаган бўлса, асл матннинг асосиз қисқартиришисиз таржима қилиниши шарт);

- ёзма матнни лойиҳалаштириш қоидалари (матн саҳифалари таржима матнида кўрсатилиши керак, график таъкидлаш воситалари акс эттирилиши керак, қисқартмалар, агар иложи бўлса, декодланиши ва таржима матнида асл, тўлиқ ва қисқартирилган шаклда мақсадли тилда берилиши керак).

Таржима бюроси ўз профессионал фаолиятида таржимон қуйидаги асосий ахлоқий тамойилларга амал қилиши шарт деган қоидага амал қилади:

- жавобгарлик (масъуллик) принципи;
- адолат принципи; қадр-қимматни хурмат қилиш принципи;
- ваколат принципи;
- одоб-ахлоқ принципи;
- яхши ният ва ҳамкорликка асосланган муносабатлар қуриш тамойили.

Мавзу юзасидан саволлар:

1. Таржимон этикаси деганда нимани тушунаси?
2. Таржимон этикасига нималар киради?
3. Таржимонга қўйиладиган талаблар нималардан иборат?
4. Таржимоннинг хулқ-атвор нормалари нималардан иборат?
5. Таржима агентликлари деганда нимани тушунаси?

6. Таржимоннинг касбий мажбуриятлари нималардан иборат деб ўйлайсиз?

7. Таржимон ва мижоз ўртасидаги муносабатлар қандай бўлиши керак?

Адабиётлар:

1. Rojo, A. Step by Step: A Course in Contrastive Linguistics and Translation. Peter Lang. 2009. – 418 p.

2. Susan Bassnet. Translation studies. 3rd edition. – London and New York. Taylor & Francis e-Library, 2005. – 176 p.

3. Фафуров И., Мўминов О., Қамбаров Н. Таржима назарияси. Дарслик. – Тошкент, 2012. –216 б.

4. Комиссаров В.Н. Современное переводоведение. – М., 2004. – 424 с.

5. Мўминов О. A guide to consecutive translation. – Т.: Tafakkur bo'stoni, 2013. – 320 p.

6. Мусаев Қ. Таржима назарияси асослари. “Фан” нашриёти. Тошкент, 2005 йил. – 352 б.

7. Нелюбин Н.Н. Толковый переводоведческий словарь. – М.: Наука, 2003. – 320 С.

8. Раҳимов Ғ. Таржима назарияси ва амалиёти. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси давлат илмий нашриёти, 2016. – Б.176.

9. Сирожиддинов Ш. Одилова Г. Бадиий таржима асослари. – Т.: Мумтоз сўз, 2011. –164 б.

10-МАВЗУ. ТАРЖИМАШУНОСЛИККА БАҒИШЛАНГАН ТАДҚИҚОТЛАР

Режа:

1. Ўзбекистонда таржимашунослик билан шуғилланган олимлар
2. Илмий изланишнинг асосий мақсади
3. Илмий тадқиқот ишлардан фан учун янгиликлар
4. Бугунги таржимашуносликнинг долзарб масалалари
5. Таржиманинг лингвистик муаммолари

Таянч сўз ва иборалар: таржима, таржимашунослик, тадқиқот, илмий изланиш, тадқиқотнинг мақсади, эришилган янгиликлар, аслият матни, таржима матни.

Таржимашунослик деганда одатда таржима назарияси ва амалиётининг уйғунлиги тушунилади. Таржимашуносликни доимий ривожланиб бориши учун ушбу соҳада таржиманинг турли хил муаммолари ва уларга ечим топишга бағишланган тадқиқотлар амалга оширилади. Одатда таржима амалиётига алоқадор муаммолар сирасига таржиманинг лингвистик, эстралингвистик муаммолари, таржимон тайёрлаш билан боғлиқ масалалар ва хокозоларни киритиш мумкин.

Таржиманинг лингвистик муаммолари бу – таржима жараёнида учрайдиган аслият ва таржима тилларининг фонетик, фонологик, морфологик, синтактик, лексик, семантик, фразеологик, стилистик, матнга алоқадор муаммолар хисобланади. Таржимашуносликда таржиманинг лингвистик муаммоларига бағишланган тадқиқотлар юқорида такидлаб ўтилган муаммоларнинг ечимига бағишланади.

Таржиманинг экстралингвистик (нолисоний) муаммолари бу – таржиманинг аслият ва таржима тилларига алоқадор бўлмаган масалалар тушунилади. Бунда таржиманинг миллий-маданий хусусиятлари, гендер хусусиятлари (эркак ёки аёл киши томонидан қилинган таржима), прагматик хусусиятлари (аслият матнини таржима ўқувчисига етказишда коммуникатив ёндашув), когнитив хусусиятлари (аслият матнидаги лисоний воситаларни таржима ўқувчиси қандай тушуниши ва қабул қилиши) кабилар ўрганилади.

Таржимон тайёрлаш билан боғлиқ масалалар – бу таржимоннинг касбий компетенциясини шакллантириш, дубляж таржимонини тайёрлаш, синхрон таржимонларни тайёрлашда концентрацияни ривожлантириш, хотирани мустаҳкамлаш кабилар ҳисобланади.

Сўнги йилларда юртимизда таржимашунослик, таржимон тайёрлашнинг долзарб муаммоларига бағишланган бир неча тадқиқот иши амалга оширилди. Бу тадқиқотлар билан танишиш, уларда кўрсатиб ўтилган таржима муаммоларини бартараф этиш усул ва йўллари бўлажак таржимонлар учун ҳар доим долзарб масала бўлиб келган. Таржима йўналишида олиб борилаётган тадқиқотларни шартли равишда икки йўналишга ажратиш мумкин. Биринчиси таржимага лингвистик ва иккинчиси уни ўқитиш методикаси нутқай назардан ёндашиб тадқиқ этиш ҳисобланади.

И. Тўхтасиновнинг “Таржимон тайёрлашда касбий компетенцияларни эквивалентлик ҳодисаси асосида ривожлантириш”⁴⁰ деб номланган тадқиқот иши таржимон тайёрлаш, таржимоннинг касбий компетенцияларини шакллантириш масалаларига бағишланади. Тадқиқотда

⁴⁰ Тўхтасинов И.М. Таржимон тайёрлашда касбий компетенцияларни эквивалентлик ҳодисаси асосида ривожлантириш. Пед. фан. док. дисс. автореф. –Т.: 2018. 69 б.

олим таржимон тайёрлаш билан боғлиқ қуйидаги илмий янгиликларни келтириб ўтган:

- бўлажак таржимоннинг лингвистик компетенцияси мулоқотда эквиваленти бўлмаган сўзларни неологизм, сўзма-сўз (калька), маъноси яқин сўз билан ўгириш, изоҳини баён қилиш, контекстуал муқобил билан алмаштириш усуллари асосида ривожланиши такомиллаштирилган;

- компетенциявий ёндашув асосида таржима мулоқотидаги сўзлар эквивалентини топиш орқали сўз шакли, ўзаро боғлиқлиги, содда, ясама, қўшма сўзлар бўйича семантик; шаклий, контекстуал, синоним, омоним, антоним маънолар бўйича лексик ва ёш, жинс, дунёқараш бўйича экстралингвистик хусусиятлари аниқлаштирилган;

- оғзаки таржимоннинг касбий компетенцияси тинглаш, мнемотехника, трансформациялаш, тилдан тилга ўтиш, нутқий механизмларни бошқариш, оғзаки нутқ техникаси, таржима суръати кўникмалари асосида ривожланиши аниқлаштирилган;

- метофоралар ёрдамида инсон ташқи кўриниши ва характерининг қўшма сўзлар орқали гендер белгили ва белгисиз қўшма сўзларнинг услубий хусусиятлари аниқлаштирилган;

- инсоннинг ташқи кўриниши ва характерини тасвирлашда қўлланадиган ва услубий белгиланган қўшма сўзлар ўхшатиш, сифатлаш, метонимия, гипербола, перифраза, зевгма каби стилистик воситалар бўйича методик таъминоти такомиллаштирилган.

Таржимоннинг лингвистик ва экстралингвистик (нолисоний) масалаларига бағишланган тадқиқот Р.Ширинованинг “Олам миллий манзарасининг бадий

таржимада қайта яратилиши”⁴¹ деб номланган диссертацияси хисобланади. Мазкур тадқиқотнинг мақсади бадиий таржимада олам миллий манзарасининг қайта яратилиши муаммоларини концептуал таҳлил қилиш ва адекват таржима яратиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат бўлиб, олима бадиий таржимада “олам манзараси” ва “олам миллий манзараси” феноменларининг фалсафий-лисоний моҳиятини асослаган, бадиий таржимада реалаялар (хос сўзлар), фразеологик бирликлар ва паремияларнинг адекват берилиши олам миллий манзарасининг яхлитлигини таъминловчи етакчи лисоний восита эканлигини контекстуал-компонент таҳлил методи орқали исботлаган, мутаржимнинг лисоний ва фон билимлари даражаси ҳамда таржимонлик маҳорати таржимон-муаллиф-асар учлиги (триадаси) асосида аниқланишини асослаб берган, замонавий таржимашуносликда сонанс, диссонанс, когнитив диссонанс феноменлари лингвистик ҳодиса эканлигини тавсифлаб, таржима жараёнида уларнинг келиб чиқиш сабаблари ва когнитив диссонанс ҳодисасини бартараф этишга оид амалий тавсиялар ишлаб чиққан, таржимада аслият оламининг миллий манзарасини адекват яратишда миллий-маданий сўзлар таржимаси муҳимлиги, таржимонлар учун лингвомаданий луғатлар етишмаслиги инobatга олиниб таржима луғатларига маданий ахборотларни тўлиқ киритиш заруратини далилаган, тадқиқотнинг натижалари, илмий-назарий хулосалари асосида “Миллий-маданий сўзларнинг аудиовизуал луғати”ни яратиш тамойилларини ишлаб чиққан.

Бадиий таржимада стилистик воситаларни таржима қилиш стратегиялари ва миллий-маданий лексик

⁴¹ Ширинова Р.Х. Олам миллий манзарасини бадиий таржимада қайта яратилиши. Фил.фан.док. дисс. автореф. –Т.: 2017. 58 б.

бирликларни таржима қилиш хусусиятларига бағишланган тадқиқот ишлардан яна бири У.Йўлдошевнинг “Ҳажвий матнлар таржимасининг лингвостилистик ва лингвокультурологик хусусиятлари (инглиз тилига таржима қилинган ўзбек халқ латифалари мисолида)”⁴² мавзудаги диссертация хисобланади. Тадқиқотда ўзбек халқ латифаларнинг Идрис Шох, Мерилин Петерсон ҳамда Руслан Хақимов томонидан инглиз тилига қилинган таржималари таҳлил қилинган. Диссертацияда ўзбек халқ латифаларида кулги яратишда қўлланган стилистик воситалар ва миллий-маданий лексик бирликларни аниқлаб, уларнинг инглиз тилига таржималари билан солиштирган ҳамда мана шу солиштириш натижасида таржимада эквивалентлик ва адекватлик, таржимага маданиятнинг таъсири исботланган, латифалар таржимасида сўзма-сўз, мослаштириш, ижодий таржима методлари қўлланиши далилланган, ўзбек халқ латифаларида метафора, метонимия, киноя, муболаға, шахслантириш, аллюзия стилистик усуллари фаол қўлланганлиги тавсифланган ва уларни инглиз тилига таржима қилиш усуллари ишлаб чиқилган, латифаларда миллий-маданий лексик бирликларни таржима қилиш трансформациялари таклиф этилган.

Бизга маълумки, ўзбек мумтоз ва замонавий адабиёти намуналарига жаҳон халқлари томонидан хар доим қизиқиш бўлган. Шу қизиқиш натижасида кўплаб ўзбек мумтоз ва замонавий адабиёт намуналари инглиз, француз, рус, немис, корейс ва бошқа хорижий тилларга таржима қилинган. Мана шундай мумтоз адабиётимизнинг инглиз тилига таржималарни ўрганишга бағишланган тадқиқот

⁴² Йўлдошев У.Р. Ҳажвий матнлар таржимасининг лингвостилистик ва лингвокультурологик хусусиятлари (инглиз тилига таржима қилинган ўзбек халқ латифалари мисолида). Фил. фан. фал. док. дисс. автореф.–Т.: 2017. 41 б.

ишлардан бири Д.Хошимованинг “Бобурнома матнидаги тасвирий воситаларнинг инглиз тилига таржималари тадқиқи”⁴³ мавзусидаги илмий изланишдир. Тадқиқотчининг илмий изланишдан мақсад «Бобурнома» матнидаги тасвирий воситалар таржимасининг лексик, семантик, синтактик-стилистик, прагматик ва лингвокултурологик хусусиятларини очиб беришдан иборат бўлган. Шу мақсадга эришиш жараёнида тадқиқотчи инглиз бобуршуносларининг ўзбек мумтоз насрини муқобил ўгириш тажрибасини оммалаштиришни далиллаган, тасвирий воситалар таржималарининг лексик, семантик, синтактик-стилистик, прагматик ва лингвокултурологик жиҳатларини таржимашуносликнинг адекватлик хусусияти асосида аниқлаб берган, таржимада инсон ижтимоий-маънавий қиёфаси ва характерини қиёсий тасвирлаш тамойили, унинг фалсафий муаммоларини ёритишдаги муаллиф маҳоратини аниқлаган, тасвирий воситалардан сажъ, архаизм ва реалиялар таржималарининг аслиятга прагматик мувофиқлик ёки номувофиқлиги қиёсий таҳлиллар орқали асослаган, математик ўлчов бирликлари, астрономия, иқтисодга доир тасвирий воситаларнинг таржимада транслитерация усули билан акс этиши таржимашунослик методологияси асосида исботлаган, тасвирий воситаларнинг ўзбек тилидан инглиз тилига тасвирий, трансформацион, калька, муқобил усуллари орқали амалга ошганлиги аниқланган, тасвирий воситаларнинг таржимадаги миқдор устуворлиги белгиланган ва статистикаси ишлаб чиқилган.

Ўзбек мумтоз адабиёти намуналаридан хисобланган “Бобурнома”нинг тадқиқига бағишланган тадқиқот

⁴³ Хошимова Д.М. “Бобурнома” матнидаги тасвирий воситаларнинг инглиз тилига таржималари тадқиқи. Фил. фан. фал. док. дисс. автореф.–Т.: 2017. 74 б.

ишлардан яна бири З.Тешабоеванинг “Бобурноманинг инглизча таржималаридаги фразеологик бирликлар ва уларнинг миллий-маданий хусусиятлари”⁴⁴ мавзусидаги илмий изланишдир. Мазкур тадқиқотда З.Тешабоева таржима қилиниши жиҳатдан мураккаб лисоний бирликлар ҳисобланган фразеологик бирликлар ва уларнинг таржимада берилишини ёритиб берган. Тадқиқотнинг мақсади «Бобурнома»нинг инглизча таржималаридаги фразеологик бирликларнинг миллий-маданий хусусиятларини семантик, компонент, когнитив-концептуал таҳлиллар орқали очиб беришдан иборат бўлган. Тадқиқот жараёнида олима «Бобурнома» ва унинг Жон Лейден–Вильям Эрскин, Анетта Сусанна Бевериж ва Вильер Текстоннинг инглизча таржималаридаги фразеологик бирликларни таҳлил қилган. Шунингдек, З.Тешабоева илмий изланиш натижасида «Бобурнома»даги фразеологик бирлик, мақол, маталларнинг таржимасидаги фарқ ва ўхшашликларни аниқлаган ҳамда аслият мазмунини акс эттирувчи муқобилларини ишлаб чиққан, фразеологик бирликлар таржимасининг қиёсий таҳлиллари асосида тасвирий ва функционал эквивалентлик ҳолати таъминланган ҳамда таржима таклифларини ҳавола этган, инглизча таржималарда семантик, компонент, когнитив-концептуал қиёсий таҳлилларни амалга оширган, фразеологик бирликлар концептини таснифлаган, таржимонларнинг даврий ёндашувларини асослаган, «Бобурнома»нинг табдилида миллий-маданий фразеологик бирлик ва мақол мазмунида адекватликка эришилмаганлигини исботлаган, миллий-маданий хусусиятларнинг таржимада акс эттириш

⁴⁴ Тешабоева З.Қ. “Бобурнома”нинг инглизча таржималаридаги фразеологик бирликлар ва уларнинг миллий-маданий хусусиятлари. Фил. фан. фал. док. дисс. автореф.–Т.: 2017. 44 б.

муаммоларини қиёсий таҳлиллар асосида ёритиб берган, фразеологик бирликнинг таржимада миқдор устуворлигини аниқлаган ва статистикасини ишлаб чиққан.

Таржиманинг стилистик ва миллий-маданий хусусиятларига бағишланган изланишлардан бири “Стилистик синонимлар таржимасининг лингвокультурологик хусусиятлари (инглиз ва ўзбек тиллари материаллари асосида)”⁴⁵ деб номланган А.Шарипованинг тадқиқот иши ҳисобланади.

Тадқиқотнинг мақсади бадий матн таржимасида стилистик синонимларнинг лингвокультурологик хусусиятларини очиқ беришдан иборат бўлган ва А.Шарипова тадқиқот жараёнида ташқи ва ички синонимларни умумлаштириш, конкретлаштириш, сўз қўшиш ва сўзни тушириб қолдириш йўллари орқали таржима қилинишини асослаган, стилистик синонимларнинг турли қатламлари ўртасидаги фарқ ва ўхшашликларни чоғиштириш таржимада асосий ҳисобланган сўз танлаш масаласини ижобий ҳал этиш билан чамбарчас боғлиқлигини исботлаган, стилистик синонимларни таржима қилишда қўлланиладиган лексик-семантик ҳамда стилистик трансформациялардан фойдаланишнинг усуллари ишлаб чиққан, матндаги стилистик синонимлар қаторларининг адабий тил модели – оддий сўзлашув тили, адабий тил модели – шевага оид сўз, миллий тил бирлиги – ўзлашган модел, полисемия модели, матн модели, фразеологик моделларини аниқлаган, стилистик синонимларни таржима қилишнинг лингвокультурологик жиҳатини ёритган ҳамда улар

⁴⁵ Шарипова А.А. Стилистик синонимлар таржимасининг лингвокультурологик хусусиятлари (инглиз ва ўзбек тиллари материаллари асосида). Фил. фан. фал. док. дисс. автореф.–Т.: 2017. 49 б.

орқали адекватликка эришишга, таржима сифатини таъминлашга хизмат қиладиган лингвистик ва экстралингвистик омилларни далиллаган.

Таржиманинг синтактик хусусиятлари Н.Қосимованинг “Лисоний белги асимметрияси ва унинг сўроқ гап таржимасида воқеланиши”⁴⁶ мавзuidaги тадқиқот ишида очиб берилган. Тадқиқотнинг мақсади инглиз тили сўроқ гапларининг рус ва ўзбек тилларига таржимасида лисоний белги асимметриясининг система, структура ва функцияда намоён бўлишини очиб беришдан иборат бўлган. Тадқиқот жараёнида Н.Қосимова савол ва сўроқ гапнинг концептуал моҳиятига аниқлик киритган, улардаги маъноларнинг имплицит ва эксплицит равишда ифода этилишини очиб берган ҳамда савол ва сўроқ гапнинг ўзаро шакл ва мазмун дихотомиясини далиллаган, лисоний белги асимметриясининг тил тизими ва қўлланишида намоён бўлиши тилда бирламчи ва иккиламчи систем, структур ва функционал хусусиятларни аниқ белгилашга имкон беришини асослаган, коммуникатив мақсадига кўра соф сўроқ гапларни сўроқ-буйруқ, сўроқ-тасдиқ, сўроқ-инкордан фарқлашнинг асосий мезони таржимада намоён бўладиган лисоний белги асимметрияси эканлиги ва бу ҳодиса сўроқ гапларнинг иккиламчи функцияларини таржима қилишда яққол намоён бўлишини аниқлаган, оҳанг умумий сўроқ гапнинг бирламчи белгиси эканлиги, уни ҳосил қилувчи қолган барча воситаларнинг иккиламчи, уни тўлдирувчи формал хусусиятга эга эканлигини асослаган, таржимашунослик амалиётига лисоний қиймат назариясини татбиқ этиш орқали сўроқ гапларнинг коммуникатив контекст доирасида бирламчи (локутив),

⁴⁶ Қосимова Н.Ф. Лисоний белги асимметрияси ва унинг сўроқ гап таржимасида воқеланиши. Фил. фан. фал. док. дисс. автореф.–Т.: 2018. 50 б.

иккиламчи (иллокутив) функцияларининг намоён бўлиши ва грамматик белгилар полисемияси дифференциал-контекстуал характерга эга эканлигини исботлаган.

Мавзу юзасидан саволлар:

1. Таржимашуносликка доир тадқиқот муаммолари асосан неча гуруҳга бўлинади?
2. И.Тўхтасиновнинг тадқиқот ишидаги асосий илмий янгиликлар нималардан иборат?
3. Р.Ширинованинг илмий изланишининг асосий мақсади нима?
4. “Бобурнома” асари бўйича қайси тадқиқотлар таржимашунослик учун аҳамиятлидир?
5. А.Шарипованинг тадқиқот ишидаги асосий илмий янгилик нималарда акс этади?
6. Таржиманинг лингвистик муаммолари деганда нимани тушунасиз?
7. Таржиманинг экстралингвистик муаммолари деганда нимани тушунасиз?
8. Қайси тадқиқотлар бадий таржима муаммоларига бағишланади?

Адабиётлар:

1. Rojo, A. Step by Step: A Course in Contrastive Linguistics and Translation. Peter Lang. 2009. – 418 p.
2. Susan Bassnet. Translation studies. 3rd edition. – London and New York. Taylor & Francis e-Library, 2005. – 176 p.
3. Фафуров И., Мўминов О., Қамбаров Н. Таржима назарияси. Дарслик. – Тошкент, 2012. –216 б.
4. Комиссаров В.Н. Современное переводоведение. – М., 2004. – 424 с.

5. Мўминов О. A guide to consecutive translation. – Т.: Tafakkur bo’stoni, 2013. – 320 p.

6. Мусаев Қ. Таржима назарияси асослари. “Фан” нашриёти. Тошкент, 2005 йил. – 352 б.

7. Нелюбин Н.Н. Толковый переводоведческий словарь. – М.: Наука, 2003. – 320 С.

8. Раҳимов Ғ. Таржима назарияси ва амалиёти. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси давлат илмий нашриёти, 2016. – Б.176.

9. Сирожиддинов Ш. Одилова Г. Бадиий таржима асослари. – Т.: Мумтоз сўз, 2011. –164 б.

ГЛОССАРИЙ

Таржимон	Бир тилда яратилга сўз, гап, матн ва ҳокозоларни боша тилга тушунарли қилиб олиб ўтувчи шахс, воситачи
Таржима	Бирор ахборотни аслият ва таржима тилларининг лингвистик ва экстралингвистик хусусиятларини ҳисобга олиб, бошқа ифодалаш жараёни.
Аслият матн	Таржима қилиниши керак бўлган матн.
Таржима матн	Бошқа тилга таржима қилинган матн.
TM Manager (ТММ)	бу таржимонга ёрдам сифатида ишлаб чиқилган махсус дастур бўлиб, маълумотлар базасида махсус термин ва матн сегментлари сақланади. Қоидага кўра, такрорланиб турадиган махсус термин ва фразаларга бой катта ҳажмдаги ҳужжатни таржима қилишда ТМдан фойдаланиш талаб қилинади.
Translation Memory (ТМ)	аслият матни маъноси билан ҳеч қандай алоқаси бўлмаган ва фақат сўзлар йиғиндисини берадиган автоматик таржимонлар ёрдамида бажариладиган механик таржима
Гипертекст	биринчи марта компьютер лингвистикасида пайдо бўлган. Ҳаволалар орқали катта матнлар ёки ҳаволаларга ўтиш.

Коммуникатив компетенция	индивидуалнинг умумий компетенцияси унсурлари билан ўзаро боғлиқ бўлган ва индивид учун нутқ фаолиятини муваффақиятли амалга ошириш имконини берувчи лингвистик, социолингвистик ва прагматик компетенциялар комплекси сифатида белгиланиши мумкин
Тил компетенцияси	бу тил бирликлари функциясининг тизимли қоидаларини билишгина эмас, балки нутқ малакаси даражасида тил материалини билиш, яъни муайян мазмунни ифодаловчи гапларни тўғри тузиш
Таржимонлик компетенцияси	барча ҳолатларда ҳам эмас, балки муайян мавзудаги, аниқ бир стилистик жанрдаги матнларни таржима қилишдаги билим, малака ва кўникма, таржимонга мақбул бўлган таржима усулларини прагматик компоненти сифатида тавсифлаш мумкин
Шахсий компетенция	ихтисослик бўйича матнлар профессионал таржи-монлар гуруҳи қадрий ориентацияси ва менталитетига кириб бориш
Техник компетенция	таржима жараёнида учрайдиган типик “техник” қийинчиликларни бартараф этишга ҳамда турли хил вазифаларни бажаришга кўмаклашувчи таржиманинг асосий малакалари киради

Сўз ўзлаштириш	таржима жараёнида бир сўзни бир тилдан бошқа тилга тўғридан-тўғри олиб ўтиш
Калькалаш	хорижий тил сўзи ёки ибораси бошқа тилга таржима қилинади ва шу тил таркибига кириб кетади. Аслият тилидаги лексик бирликнинг ўзига хос бўлган белгиларидан фойдаланиб таржима тилида эквивалент сўз яратиш учун сўзма-сўз таржима қилинади.
Гапларни бирма-бир таржима қилиш	сўзлар, гаплар сўзма-сўз таржима қилинади, грамматик структура сақлаб қолинади
Транспозиция	сўз туркумининг ўзгариши, яъни феъл отга, от предлогга ўзгариши
Модуляция	тушуниш нуқтаи назаридан лексик бирликнинг ўзгариши
Эквивалентлик	бунда худди шундай вазият учун бутунлай бошқа муқобил ибора ишлатилади, яъни мақоллар ёки идиоматик ифода воситалари буларга мисол бўла олади.
Маданий эквивалентлик	таржимон аслият тилидаги маданий сўзни таржима тилидаги маданий сўз билан алмаштиради
Тасвирий эквивалентлик	лексик бирликни билдирувчи сўзнинг маъноси бир неча сўзларда тушунтирилши
Функционал эквивалентлик	таржима тили лексикасида сўз аслият тили лексикасидаги бир хил вазифани бажарувчи матн услубига мос келадиган сўз билан

	алмаштирилиши
Мослаштириш	Бу усулда, одатда, бирор термин махсус аудитория ёки таржимоннинг махсус мақсади учун кўпроқ мос келадиган матн яратиш учун керак бўладиган ўзгаришлар амалга оширилади
компенсация	Аслият матнидаги маълумотнинг бирор лексик бирлиги ёки стилистик таъсири таржима матнида айнан ўз жойида эмас, балки матннинг яна бошқа бир жойида қайта яратилади
кенгайтириш	таржима тилида синтактик ва лексик бўшлиқларни йўқотиш учун кўпроқ маънога эга тушунчалардан фойдаланиш
Метод	билиш назариясига кўра воқеликка ёндашиш - табиат, жамият ва фикрлаш жараёнини тафаккурни билиш
Синхрон таржима	катта анжуманлар, конференциялар, халқаро миқёсдаги учрашувларда тил билмайдиган иштирокчилар учун амалга оширилади
Ижтимоий-маданий компетенция	тил соҳиблари ижтимоий ва нутқ маданиятининг миллий-маданий хусусиятларини: уларнинг урф-одатлари, этикети, ижтимоий стереотиплари, тарихи ва маданияти, шунингдек, мулоқот жараёнида бу билимлардан фойдаланиш йўллари билишни
прагматик	таржима матни мазмунидан аслият

компетенцияси	матнини жўнатувчи ҳақидаги маълумотни ола билиш қобилияти; гап муаллифининг мулоқотдан кўзланган мақсадини аниқлаш имконини берувчи ихтисослик бўйича матннинг лисоний ва таркибий хусусиятларини билиш
социолингвисти к компетенцияси	тили ўрганилаётган мамлакатдаги илмий-техник соҳа вакиллари билан мулоқотнинг социолингвистик хусусиятларини билиш; илмий ва техник маълумотларни чет тили махсус дискурсида тақдим этиш хусусиятларини билиш; махсус дискурсининг социолингвистик хусусиятларини қиёсий таҳлил қилиш қобилияти; чет тил ва она тили махсус дискурсининг социолингвистик хусусиятини қиёслаш ва таҳлил қилиш қобилияти
Machine Translation	аслият матни маъноси билан ҳеч қандай алоқаси бўлмаган ва фақат сўзлар йиғиндисини берадиган автоматик таржимонлар ёрдамида бажариладиган механик таржима
Маънони очиб бериш	аслиятдаги лексик бирлик таржима матнида тўлиқроқ шарҳ ёки аниқлаштирувчи маъноли сўз бирикмаси билан алмаштирилади
Кучайтириш	таржима тилида синтактик ва лексик бўшлиқларни йўқотиш учун кўпроқ маънога эга тушунчалардан фойдаланишдир

Транслитерация	аслият тилидаги сўз унинг график шаклига кўра таржима тилида қайта яратилади
Функционал эквивалентлик	таржима тили лексикасида сўз аслият тили лексикасидаги бир хил вазифани бажарувчи матн услубига мос келадиган сўз билан алмаштирилади
Антономик (тескари) таржима	аслиятдаги тасдиқ шаклидаги фикр таржима тилида инкор шаклда ёки аксинча берилишини ифодалайди

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎХАТИ:

1. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Тошкент, “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 29 б.

2. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. “Ўзбекистон” НМИУ, 2017.–47б.

3. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 485 б.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги ПФ-4947-сонли Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда

5. Aznaurova E.S, Abdurakhmonova Kh.I, Translation theory and practice. – Т.: Ўқитувчи, 1989. – pp. 9-23.

6. Asimakoulas Dimitris. Subtitling Humor and the Humor of Subtitling. A Theoretical Approach to the Translation of Verbal Humor and Subtitling with Respect to the Greek Subtitled Versions of Airplane and Naked Gun. Master’s thesis, University of Manchester, 2001. – 95 p.

7. Bell R. Translation and Translating. – London and New York: Longman, 1991. – P.5.

8. Broeder L. Translating Humor: The Problems of Translating Terry Pratchett. Master of Arts Thesis. 2007.– 112p.

9. Catford J. A Linguistic Theory of Translation. – London: OUP, 1965. – P.20.

10. Hurtado A. La traductología: lingüística y traductología, Trans 1,. 1996. – pp.151-160.

11. Jeremy Munday, *Introducing Translation Studies. Theories and Applications.*, 3rd edition, 2012, Routledge, London.
12. Jeremy Munday, *Introducing Translation Studies. Theories and Applications.*, 2nd edition, 2008, Routledge, London.
13. Jeremy Munday, *The Routledge Companion to Translation Studies.*, Revised edition, 2009, Routledge, New York.
14. Krings, H.P. Translation problems and translation strategies of advanced German learners of French. Interlingual and intercultural communication. – Tubingen: Gunter Narr, 1986. – pp. 263-75.
15. Lucía M, Hurtado A. Translation Techniques Revisited: A Dynamic and Functionalist Approach. – *Meta: Translators' Journal*, vol. 47, № 4. 2002. – pp. 498-512.
16. Mildred L. Meaning – based translation: A guide to cross-language equivalence. – Lanham: University press of America, 1984. – P.15.
17. Muminov O. A Guide to Consecutive Translation. – T.: Tafakkur bo'stoni, 2013. – B.21.
18. Newmark P. A Textbook of Translation. – London : Prentice Hall, 1988/1995. – P.5.
19. Newmark P. Approaches to Translation. Hertfordshire: Prentice Hall, 1988. – pp. 45-47.
20. Newmark, P. About Translation: Multilingual Matters. – Clevedon, Philadelphia, Adelaide: Multilingual Matters Ltd, 1991. – P.26
21. Nida E. Towards a science of translation, with special reference to principles and procedures involved in Bible translating. – Leiden: Brill, 1964. – pp. 241-247.
22. Nida E. and Taber C. The Theory and Practice of Translation. United Bible Society, 1969. – P.12.

23. Norton G.P. Some remarks on translation and translators. – Oxford: Oxford University Press. 1984. – P.3.
24. Robinson, Douglas, ed. (2002), Translation Theory From Herodotus to Nietzsche. Manchester: St. Jerome.
25. Rojo A. Step by Step: A Course in Contrastive Linguistics and Translation. – Peter Lang, 2009. – P.25
26. Scavée, P, Intravaia, P. Traité de stylistique comparée. Analyse comparative de l'Italien et du Français. – Bruxelles: Didier, 1979.
27. Snell-Hornby M. Translation Studies: An Integrated Approach. – Amsterdam / Philadelphia: John Benjamins Publishing Company, 1988/1995. – P.39.
28. Susan Bassnet. Translation studies. 3rd edition. – London and New York. Taylor & Francis e-Library, 2005. – 176 p.
29. Venuti L. Strategies of translation. Encyclopedia of translation studies. – London and New York: Routledge, 1998. – pp. 240-244
30. Vinay, J, J. Darbelnet. Stylistique comparée du français et de l'anglais. – Paris: Georgetown University Press, 1977. – pp. 47-51.
31. Yuliasri I, Allen P. Foreignizing and domesticating Harry: An analysis of the Indonesian translation of Harry Potter and the Sorcerer's Stone. T & I Review, 4. Seoul, Korea: EWha Research Institute for Translation Studies, 2014.
32. Александрова Е.М. Перевод анекдота: проблемы адекватности и эквивалентности: на материале французских и русских анекдотов. Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – М., 2005. – 25 с.
33. Бархударов Л.С. Язык и перевод: Вопросы общей и частной теории перевода. – М.: Международные отношения, 1975. – 240 с.

34. Саломов Ғ. Тарэима назариясига кириш. “Ўқитувчи” нашриёти. Тошкент, 1978 йил. 93-бет.
35. Гарбовский Н. Теория перевода: Учебник. – М.: Изд-во Московский университета, 2004. – С. 65.
36. Илюшкина М.Ю. Теория перевода: основные понятия и проблемы. – Екатеринбург, 2015. – 84 с.
37. Йўлдошев У.Р. Ҳажвий матнлар таржимасининг лингвостилистик ва лингвокультурологик хусусиятлари (инглиз тилига таржима қилинган ўзбек халқ латиғалари мисолида). Фил. фан. фал. док. дисс. автореф.–Т.: 2017. 41 б.
38. Комиссаров В. Теория перевода. – М.: ИМО, 1990. – С. 172.
39. Комиссаров В.Н. Общая теория перевода. М., 2003. – 136 с.
40. Комиссаров В.Н. Современное переводоведение. – М., 2004. – 424 с.
41. Мусаев Қ. Таржима назарияси асослари. “Фан” нашриёти. Тошкент, 2005 йил. 352 б.
42. Мўминов О. A guide to consecutive translation. – Т.: Tafakkur bo’stoni, 2013. – 320 б.
43. Мўминов О, Қўлдошев А, Ҳошимов Ў. English for translators. – Т.: Шарқ, 2005. – 384 б.
44. Қамбаров Н.М. Таржима трансформациялари ва тил контактлари (назарий масалалар). Fledu.uz Ўзбекистонда хорижий тиллар электрон журнали. – Т.: 2016.
45. Қамбаров Н. Инглизча-ўзбекча универсал луғат – маълумотнома. – Т., 2014. – 188 б.
46. Қосимова Н.Ф. Лисоний белги ассиметрияси ва унинг сўроқ гап таржимасида воқеланиши. Фил. фан. фал. док. дисс. автореф.–Т.: 2018. 50 б.

47. М.Холбеков. “Мустақиллик йилларида ўзбек таржима амалиёти”. Тил, Маданият, Таржима ва Мулоқот республика илмий-амалиё конференцияси материаллари. Самарқанд, 2016. 11-22-бетлар.

48. Нелюбин Н.Н. Толковый переводоведческий словарь. – М.: Наука, 2003. – С.110.

49. Раҳимов Ғ. Таржима назарияси ва амалиёти. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси давлат илмий нашриёти, 2016. – Б.132.

50. Сирождидинов Ш. Одилова Г. Бадиий таржима асослари. – Т.: Мумтоз сўз, 2011. – Б.39.

51. Тешабоева З.Қ. “Бобурнома”нинг инглизча таржималаридаги фразеологик бирликлар ва уларнинг миллий-маданий хусусиятлари. Фил. фан. фал. док. дисс. автореф.–Т.: 2017. 44 б.

52. Тўхтасинов И.М. Таржимон тайёрлашда касбий компетенцияларни эквивалентлик ҳодисаси асосида ривожлантириш. Пед. фан. док. дисс. автореф. –Т.: 2018. 69 б.

53. Хошимова Д.М. “Бобурнома” матнидаги тасвирий воситаларнинг инглиз тилига таржималари тадқиқи. Фил. фан. фал. док. дисс. автореф.–Т.: 2017. 74 б.

54. Шарипова А.А. Стилистик синонимлар таржимасининг лингвокультурологик хусусиятлари (инглиз ва ўзбек тиллари материаллари асосида). Фил. фан. фал. док. дисс. автореф.–Т.: 2017. 49 б.

55. Ширинова Р.Х. Олам миллий манзарасини бадиий таржимада қайта яратилиши. Фил.фан.док. дисс. автореф. –Т.: 2017. 58 б.

56. Ғафуров И., Мўминов О., Қамбаров Н. Таржима назарияси. Дарслик. – Тошкент, 2012.

57. Ғофуров И. Таржимон мутахассислигига кириш. – Т.: Меҳридарё, 2008. – 118 б.

Интернет сайтлари:

Afandi latifalari. www.ziyouz.com kutubxonasi.
<http://blogs.rediff.com/jonkynapowhi10/2016/07/11/sema-ntic-mechanisms-of-humor-pdf-free/>
<http://catalogue.nla.gov.au/Record/2358066>
http://isg.urv.es/library/papers/jakobson_linguistic.doc
<http://translationjournal.net/journal/41culture.htm>
<http://www.bokorlang.cpm/jornal/41culture.htm>
<http://www.e-reading.club/book.php?book=143816>
<http://www.google.ru/>
<http://www.hf.uio.no/iba/nettkurs/translation/grammar/top7culture.html>
<http://www.studfiles.ru/preview/1197033/>
<http://www.tradulex.org/Actes2000/harvey.pdf>
<http://www.translators-union.ru/community/recommendation>
<http://www.tra-service.ru/webinar>
<http://www.twirpx.com/file/573846/>
[HTTP://WWW.UNESCO.ORG/](http://WWW.UNESCO.ORG/)
<http://www.worldcat.org/title/toward-a-science-of-translating-with-special-reference-to-principles-and-procedures-involved-in-bibletranslating/oclc/591991983>
www.barinas.com/what_is_a_translator.htm (translation history)
www.simultrans.com/seminarside-fault.htm
www.translation.net
www.TranslationDirectory.com
www.translators-union.ru/?low/sub_section_51/

Улуғбек Йўлдошев
ТАРЖИМА НАЗАРИЯСИ
Ўқув қўлланма

Муҳаррир: С.Каримова
Мусахҳиҳ: З.Усманова
Тех.муҳаррир: Ш.Бекназаров

“Самарқанд давлат чет тиллар институти” нашриёти
140104, Самарқанд ш., Бўстонсарой кўчаси, 93

ISBN 978-9943-8229-2-4

Нашриёт тасдиқномаси:
№ 1243-7560-5999-432с-2125-1811-8655

Босишга рухсат этилди: 14.08.2020 йил.
Офсет босма қоғози. Қоғоз бичими 60x84^{1/16}.
“Times New Roman ” гарнитураси. Офсет босма усули.
Ҳисоб нашриёт т.: 7,9. Шартли б.т.: 4,2.
Адади: 100 нусха. Буюртма №54.

“Самарқанд давлат чет тиллар институти” нашриёти.
Самарқанд ш., Бўстонсарой кўчаси, 93-уй.